

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.2:(575.1)

БАЗАРОВ ХУРШИД МИРЗАЖАНОВИЧ

ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА СОЛИҚ
ТИЗИМИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:
и.ф.д. (DSc),. Нормурзаев Умид Холмурзаевич

Тошкент – 2022 йил

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
I БОБ.	ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРДАН Фойдаланганлик учун солиққа тортишнинг илмий-назарий асослари	15
1.1-§.	Табиий бойликлар ва улардан фойдаланиш учун мажбурий тўловларнинг ижтимоий-иқтисодий асослари.....	15
1.2-§.	Табиий бойликлардан фойдаланганлик учун солиққа тортишнинг илмий-назарий асослари.....	31
	Биринчи боб бўйича хулосалар	46
II БОБ.	ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРДАН САМАРАЛИ Фойдаланишда солиқ тизими аҳамияти ва унинг ҳолати таҳлили	48
2.1-§.	Сув ресурсларини солиққа тортиш амалиётини таҳлили.....	48
2.2-§.	Ер ресурсларини солиққа тортиш механизмининг таҳлили..	62
2.3-§.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ундириш тартиби ва унинг таҳлили.....	79
	Иккинчи боб бўйича хулосалар	96
III БОБ.	ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРДАН САМАРАЛИ Фойдаланишда солиқ тизимининг таъсирчанлигини ошириш масалалари	99
3.1-§.	Табиий бойликларни солиққа тортишнинг хориж тажрибаси.....	99
3.2-§.	Табиий бойликларни самарали фойдаланишда солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари	111
	Учинчи боб бўйича хулосалар	125
	ХУЛОСА	126
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	130
	ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мамлакат иқтисодий тараққиётини белгиловчи муҳим стратегик табиий бойликлардан миллий иқтисодиёт манфаатлари йўлида мақсадли ва самарали фойдаланишга устуворлик берилиб, бу мақсадга эришишнинг молиявий инструментларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Жаҳон банки гуруҳининг маълумотиغا кўра, тоза энергия технологияларига ошиб бораётган талабни қондириш учун графит, литий ва кобальт сингари минераллар 2050 йилга келиб деярли 500 фоизга ошиши мумкин”¹. Дунё амалиётида табиий бойликлардан самарали фойдаланишни тартиблаш ва рағбатлантиришга қаратилган солиқ тизимининг муҳим ажралмас қисми бўлган солиқ сиёсатини такомиллаштириш масалаларининг долзарблиги ортиб бормоқда.

Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиб бориши шароитида табиий бойликлардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг таъсирчанлигини ошириш йўллари бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, табиий ресурслар учун тўловларнинг назарий ва амалий масалаларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш, мазкур соҳадаги амалдаги солиқ қонунчилигига ўзгартиришлар киритиш, табиий ва нарх рентасини тақсимлаш жараёнини таъминловчи барча турдаги тўловларни инвентаризациядан ўтказиш, солиқ ва солиқсиз тўловларни ажратиш, шунингдек, табиий ресурсларнинг айрим турлари бўйича солиққа тортиш тамойилларини ўзгартириш, мамлакат бюджет тизими даромадларида рента компонентини ошириш, қаттиқ фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва экспортга йўналтирилган солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш йўналишидаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

¹<https://pubdocs.worldbank.org/en/961711588875536384/Minerals-for-Climate-Action-The-Mineral-Intensity-of-the-Clean-Energy-Transition>.

Ўзбекистонда жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш шароитида давлатнинг иқтисодиёт сиёсатида чекланган табиий бойликлар жумласига кирувчи муҳим стратегик хомашё маҳсулотларидан миллий иқтисодиёт тараққиёти мақсадларида самарали фойдаланишга қаратилган иқтисодий ва молиявий инструментларнинг ролини ошириш устувор аҳамият касб этмоқда. “Чет эл инвестицияларини кенг жалб қилган ҳолда фойдали қазилма конларини саноат усулида ўзлаштириш, замонавий усуллар ва технологиялар ёрдамида геология-қидирув ишларини рағбатлантириш ҳамда ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ва экспертларни жалб қилган ҳолда, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш тартибини янада такомиллаштириш”² бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган. Юқоридаги вазифалар ижросини таъминлаш янги ўзлаштирилаётган табиий бойликлар манбалари асосида ишлаб чиқаришни солиқ дастаклари орқали рағбатлантириш, табиий бойликларни қазиб олиш ва уларга ишлов бериш доирасида юзага келувчи технологик йўқотишларни аниқлаш тартибини такомиллаштириш, солиқ солиш объекти таркибидан чиқарилиши мақсадга мувофиқ бўлган фойдали қазилмалар таркибини белгилаш, уларни вазиб олиш учун лицензия тўлови жорий этиш ҳамда тўлов маблағларини турли миқёсдаги бюджетлар ўртасида самарали тақсимлаш орқали табиий бойликлардан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этади.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2021 йил 6 октябрдаги ПФ-6319-сон “Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 октябрдаги ПФ-6319-сон “Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. – www.lex.uz

чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сон “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4078-сон “Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 24 апрелдаги ПҚ-5083-сон “Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал-хомашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 981-сон “Дарёлар ўзанларини тозалаш ишларига тадбиркорлик субъектларини электрон онлайн-аукцион орқали жалб қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги, 2018 йил 10 сентябрдаги 720-сон “Табиий ресурслардан самарали ва оқилona фойдаланишни таъминлашнинг ҳамда давлат бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 11 декабрдаги 981-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш ва санитария-муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги, 2021 йил 2 августдаги 483-сон “Норуда фойдали қазилмалардан самарали фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Табиатда чекланган табиий бойликлардан муҳим стратегик хомашё сифатида фойдаланишни тартибга солиш ва рағбатлантиришда солиқ тизимининг таъсирчанлигини оширишга оид илмий-назарий ёндашувлар таҳлили ҳамда табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни солиққа тортиш билан боғлиқ кенг қамровли илмий тадқиқотлар А.Аgrawal, С.Рosell, Т.Сimcoe, S.Appelt, М.Вajgar, Ch.Criscuolo, Fe.Galindo-Rued, S.Appelt, Г.А.Богданова, Е.Г.Ефимова, Е.Б.Поспелова, В.Городникова, Л.М.Гохберг, Г.А.Грачева, И.А.Майбуров, Ж.Бербел, С.Сен, Х. Воллеберг, П.Жлиек, Х.Глобал, В.Пансков, Г.Агасандян, И.Гасанов, Ф.Ерешко, А.Брызгалин сингари хорижлик олимлар томонидан амалга оширилган³. Шу билан бирга ўзбек олимларидан Э.Ф.Гадоев, Ш.А.Тошматов, Т.С.Маликов, Н.Ҳ.Хайдаров, А.С.Жўраев, Н.Х.Жумаев, Н.Р.Қузиёва, Б.Э.Тошмуродова, З.Н.Қурбонов, С.К.Худойкулов, Н.Б.Ашурова, У.Х.Нормурзаев, Ж.Ж.Урмонов, И.М.Ниязметов, Д.Қурбанов, Ғ.Сафаров, З.Шохужаева, Б.Хасанов сингари олимлар ҳам Ўзбекистон шароитида табиий ресурсларнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамияти, улардан самарали

³ Agrawal, A, C Rosell and T Simcoe (2020), «Tax Credits and Small Firm R&D Spending», American Economic Journal: Economic Policy 12(2): 1-21; Silvia Appelt, Matej Bajgar, Chiara Criscuolo, Fernando Galindo-Rueda. «Effectiveness of R&D tax incentives in OECD economies» 14 October 2020; Appelt, S, M Bajgar, C Criscuolo and F Galindo-Rueda (2020), «[The effects of R&D tax incentives and their role in the innovation policy mix: Findings from the OECD microBeRD project, 2016-19](#)», OECD Science, Technology and Industry Policy Papers, No. 92, OECD Publishing, Paris. Богданова Г.А. Проблемы использования налоговых льгот // Молодой ученый. – 2015. №11. – С. 759-761; Berbel J. et al. (2019) Analysis of irrigation water tariffs and taxes in Europe / WaterPolicy 21 - PP. 806-825.; Brown L, Ayres E. (Edit) The World Watch Reader on Global Environmental Issues. N.Y. - London: W.W. Norton Co., 1998. 358 p.; S.Sen and H.Volleberg. The effectiveness of taxing the carbon content of energy consumption. Journal of Environmental Economics and Management 92 (2018) 74–99. (<https://www.sciencedirect.com>), Gleick P. H. Global freshwater resources: soft-path solutions for the 21-th century // Science. 302. No5650. 2003. P. 1524-1527., [Ефимова Е.Г., Поспелова Е.Б. Налоги и налогообложение: Учебное пособие. – М.: МИИР, 235с. 2014](#); Городникова В., Гохберг Л. М., Грачева Г. А. [и др.] Зарубежный опыт, тенденции и предпосылки развития в России налогового стимулирования НИОКР / Н. // Теория и практика общественного развития. 2012. № 10. – С. 27–28; Майбуров И.А. Налоги и налогообложение. Ред. 4-е изд. – М., 2011. - 558 с.; Пансков В.Г. Налогообложение природных ресурсов: проблемы и пути решения. Журнал Экономика и бизнес, 2018, ст. 91-104., Агасандян Г.А., Гасанов И.И., Ерешко Ф.И. Новые подходы в проблеме комплексного управления водными ресурсами. – М.: ВЦ РАН, 2003. -54 с.; Буздалов И. Природная рента как категория рыночной экономики. // Вопросы экономики. – Москва, 2002. -№3. – С.24-35.; Гирусова Э.В. Экология и экономика природопользования – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010. - 607 с.; Григорьев Е.Г. Водные ресурсы России: проблемы и методы государственного регулирования, – М.: Научный мир, 2007 - 110 с.

фойдаланишда молия-кредит механизмларининг қўлланилиши, жумладан, уларни солиққа тортиш масалалари билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар⁴.

Жумладан, Ж.Бербел Европада сув ресурсларини солиққа тортишнинг амалиётини илмий таҳлил қилган бўлса, Х. Воллеберг табиий ресурслардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг аҳамиятини кўрсатиб берган, Г.Агасандян, И.Гасанов, Ф.Ерешколар эса сув ресурсларидан самарали фойдаланишда молиявий дастакларни қўллаш масалаларига эътибор қаратган, ўз навбатида, маҳаллий олимлардан Д.Курбонов ва Ғ.Сафаровэса, табиий ресурсларни солиққа тортишнинг муаммолари билан боғлиқ кенгрок тадқиқотлар олиб борганлар. Бироқ, муаллифнинг фикрича, бугунги кунда республикада чекланган табиий ресурсларни солиққа тортиш борасида бир қатор муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Бу эса бу борадаги илмий тадқиқот ишларини янада кучайтиришни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.
Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий

⁴ Гадоев Э.Ф. ва бошқ. Билвосита солиқлар: қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи. – Т.: Norma, 2011. – 327 б.; Тошматов Ш.А. Қўшилган қиймат солиғи. Монография. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004. - 160 б.; Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2009. 556 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Диссертация автореферати. – Т., 2008. - 37 б.; Ашурова Н.Б. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш. И.ф.д. диссертацияси. – Т., 2018. - 247 б.; Нормурзаев У.Х. Солиқ имтиёзларининг самарадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Дисс. автореферати. – Т., 2022. – 20. б Ниязметов И.М. Солиқ юқини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. Монография. – Т.: Молия, 2016. 192 б.; Курбанов Д.Р. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа тортиш услубияти ва ундириш механизмини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2017. - 50 б., Курбанов Д.Р. Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқлона ва самарали фойдаланишни молиявий дастаклар ёрдамида рағбатлантиришни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Vneshinvestprom, 2021. - 256 б, Сафаров Ғ.А. – ТМИ мустақил изланувчиси, и.ф.н. Табиий ресурс ва мол-мулкларни солиққа тортишни такомиллаштириш (Safarov, F. (2019) "IMPROVING THE TAXATION OF NATURAL RESOURCES AND PROPERTIES," International Finance and Accounting: Vol. 2019 : Iss. 6 , Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/12>), Шохужаева З.С. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йуллари: И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферати. – Т.: БМА, 2010. -24 б., Хасанов Б.У. Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ва уни самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми. И.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Т., 2003.- 30 б.

тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштирилишини таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда табиий бойликлардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг таъсирчанлигини янада оширишга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат..

Тадқиқотнинг вазифалари:

солиққа тортиш мақсадида табиий бойликларни иқтисодий жиҳатдан гуруҳлаш ва уларнинг хусусиятларини кўрсатиб бериш;

табиий бойликларни солиққа тортишга оид илмий тадқиқот ишларини назарий таҳлил қилиш;

табиий бойликларни солиққа тортишнинг хориж тажрибасини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

Ўзбекистонда ер, сув ресурслари ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқларни ундириш механизмларини таҳлил қилиш ва зарур илмий хулосаларни шакллантириш;

Ўзбекистон солиқ тизимида табиий ресурслардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг таъсирчанлигини таъминлаш билан боғлиқ мавжуд иқтисодий муаммоларни аниқлаш;

республикада амалдаги солиққа тортиш тизимининг табиий бойликлардан самарали фойдаланишга таъсирчанлик ролини ошириш юзасидан илмий ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикасидаги ер, сув ресурслари ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқларни тўловчи корхоналар фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини амалдаги солиққа тортиш тизимининг табиий бойликлардан самарали фойдаланишга таъсирчанлик ролини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик ва эконометрик моделлаштириш, илмий абстракциялаш, кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, корреляцион ва регрессион таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

янги нефть ва газ қудуқлари фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб икки йил муддатга ҳамда янги нефть ва газ қудуқларига нисбатан солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати тугагандан кейин уч йил давомида белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкасини қўллаш орқали нефть ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш асосланган;

қазиб олинган фойдали қазилманинг ҳажмини қазиб олиш, бирламчи ишлов бериш, қайта ишлаш ва транспортда ташиш доирасида юзага келувчи технологик йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда, нормалар доирасида, бундай нормалар мавжуд бўлмаганда эса солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нормалар доирасида аниқлаш таклифи асосланган;

солиқ тўловчиларга берилган ер участкалари доирасида қазиб олинган (ажратиб олинган) ҳамда шахсий хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун фойдаланилган, кенг тарқалган фойдали қазилмалар, дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари натижасида қазиб олинган (ажратиб олинган) норуда фойдали қазилмаларни солиқ солиш объекти таркибидан чиқариш асосланган;

геология-қидирув ўтказиш учун ажратилган майдон ва фойдали қазилма турларидан келиб чиқиб лицензия тўлови жорий қилиниши, геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўловини республика бюджетига 70 фоиз, вилоят маҳаллий бюджетига 15 фоиз, туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига 15 фоиз ҳажмда йўналтириш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

табiiй ресурсларни солиққа тортиш ва бошқа тўловларни ундиришнинг молиявий инструментлари кўрсатиб берилган;

фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғи жорий этиш ҳамда фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби ишлаб чиқилган;

барча турдаги сув истеъмолчилари учун мажбурий бўлган “Сувдан фойдаланиш тўғрисидаги ягона йиллик ҳисобот шакли” ишлаб чиқилган;

Самарқанд вилояти ҳудудидаги барча норуда фойдали қазилмалар конларида автоматлаштирилган назорат тизимини жорий қилиш ҳамда ер қаъридан қазиб олинган норуда фойдали қазилмалар автотранспорт воситаларида ташилиши таҳлили, ташиш ҳужжатларидаги юк жўнатувчилар ва олувчилар, юклаб жўнатиладиган норуда фойдали қазилмалар ҳар бир турининг номи ва миқдори тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашни назарда тутувчи “Норуда фойдали қазилмаларни назорат қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизими давлат-хусусий шериклик асосида ишлаб чиқилган;

ҳар бир қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилма бўйича пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали алоҳида аниқлаш ҳамда қазиб олинган фойдали қазилмадан шахсий ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун қисман фойдаланилган тақдирда, солиқ базаси қазиб олинган фойдали қазилманинг бутун ҳажми ҳисобида, ушбу фойдали қазилманинг ўртача олинган реализация қилиш баҳосида, фойдали қазилмани реализация қилишнинг ўртача олинган нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш услубиёти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг таҳлил жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат Геология ва минерал ресурслари қўмитаси, Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекнефтгаз АЖнинг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги,

ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ер, сув ресурслари ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқларни ундириш механизмлари, табиий ресурслардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг таъсирчанлигини таъминлашга оид махсус илмий тадқиқотларнинг назарий-услубий асосларини бойитиш ҳамда тадқиқотларнинг илмий аппаратини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда ер, сув ресурслари ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқларни ундириш механизмларини, табиий ресурслардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг таъсирчанлигини таъминлаш билан боғлиқ мавжуд иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимлари билан боғлиқ илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқиш, табиий ресурсларни солиққа тортишга оид қонунчиликни такомиллаштириш, тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табиий ресурслардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг таъсирчанлигини ошириш бўйича тадқиқот натижалари давомида ишлаб чиқилган услубий таклиф ва тавсиялар асосида:

янги нефть ва газ қудуқлари фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб икки йил муддатга ҳамда янги нефть ва газ қудуқларига нисбатан солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати тугагандан кейин уч йил давомида белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкасини қўллаш орқали нефть ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 декабрдаги

“Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-741-сонли қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 15 декабрдаги 18/1-75633-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида жорий йилда ишга туширилган 78 та қоннинг 3136 млрд. сўмлик баланс қиймати бўйича 47 млрд. сўм миқдорида мол-мулк солиғидан имтиёз қўлланилган;

қазиб олинган фойдали қазилманинг ҳажмини қазиб олиш, бирламчи ишлов бериш, қайта ишлаш ва транспортда ташиш доирасида юзага келувчи технологик йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда, нормалар доирасида, бундай нормалар мавжуд бўлмаганда эса солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нормалар доирасида аниқлаш таклифи Ўзбекистон Республикасининг “Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-741-сонли қонунида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 15 декабрдаги 18/1-75633-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида фойдали қазилмани қазиб олиш ва қайта ишлаш доирасида юзага келувчи технологик йўқотишларни ҳисобга олиш орқали ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш имкони яратилган;

солиқ тўловчиларга берилган ер участкалари доирасида қазиб олинган (ажратиб олинган) ҳамда шахсий хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун фойдаланилган, кенг тарқалган фойдали қазилмалар, дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари натижасида қазиб олинган (ажратиб олинган) норуда фойдали қазилмаларни солиқ солиш объекти таркибидан чиқариш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 октябрдаги ПФ- 6319-сон “Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 15 декабрдаги 18/1-75633-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг

амалиётга жорий этилиши натижасида 2021 йил 1 декабрь ҳолатига геология-қидирув ишлари олиб борилаётган 169 та ер қаъри участкаси бўйича 1352 гектар ер юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган бўлган;

геология-қидирув ўтказиш учун ажратилган майдон ва фойдали қазилма турларидан келиб чиқиб лицензия тўлови жорий қилиниши, геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўловини республика бюджетига 70 фоиз, вилоят маҳаллий бюджетига

15 фоиз, туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига 15 фоиз ҳажмда йўналтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 октябрдаги ПФ-6319-сон “Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2021 йил 15 декабрдаги 18/1-5633-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўловини турли миқёсдаги бюджетлар ўртасида оқилона тақсимлаш орқали табиий бойликлардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг таъсирчанлигини ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси натижалари бўйича жами 8 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 3 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 147 бетни ташкил этади.


1-БОБ. ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Табиий бойликлар ва улардан фойдаланиш учун мажбурий тўловларнинг ижтимоий-иқтисодий асослари

Солиққа тортишнинг тарихий-эволюцион шаклланиши ҳолатига эътибор берадиган бўлсак, солиққа тортиш объектлари сифатида асосан даромад, мол-мулк белгиланган бўлса, кейинчалик ер участкаларидан фойдаланиш жараёни ҳам солиққа тортила бошланди. Жамиятнинг иқтисодий соҳаси такомиллашиб бориши биланок, даромад олиш шакллари ва унга мувофиқ мол-мулкнинг янги турлари пайдо бўла бошлади, ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг саноатлашув даражаси ошиб бориши эса, ишлаб чиқарувчилар томонидан табиий бойликлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш кенгайиб борди, илгари ер бойликларидан фойдаланиб келинган бўлса, ер остидаги мавжуд табиий бойликлардан ҳам фойдаланиш даражаси ошиб борди. Давлатлар ўз қонунларида ер ва ер остидаги бойликларни миллий мулк-бойлик мақоми сифатида белгилаб қўя бошлади. Уларнинг техник хусусиятлари ва жамиятга фойдалилиги-зарарлиги даражасидан келиб чиқиб улардан бошқаларга фойдаланиш ҳуқуқларини ҳам бера бошлади, аммо, маълум бир ҳақ эвазига фойдаланиш муносабатлари пайдо бўлди.

Шундай қилиб, табиий бойликлар билан боғлиқ мажбурий тўловлар-солиқлар, махсус тўловлар юза келди. Бунда давлат табиий бойликларнинг очик ва ёпиқ шаклдаги турлари, уларнинг ишлаб чиқариш хом-ашёси сифатидаги аҳамияти, аҳоли ўртасида унинг турларига бўлган нафлилик нуқтаи назаридан қарашлари ва интилишлари, давлатлар ўртасидаги ўзаро тўлов муносабатларида ишлатиладиган воситалар нуқтаи назаридан ёндошиши ҳамда табиий бойликларни фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ институционал таркибни шакллантириш борасидаги вазифаларни бажариши лозим бўлади. Буларнинг асосида эса, иқтисодий муносабатлар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, у давлат ва табиий бойликлардан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ўзаро бирлаштириш

муҳим саналади. Агар, унинг илмий асосларига қарайдиган бўлсак уни куйидагича изоҳлаш мумкин (1.1-расм).



1.1-расм. Табиий бойликлар ва улардан фойдаланиш учун мажбурий тўловларнинг ижтимоий-иқтисодий асослари⁵.

Келтирилган 1.1-расмдан кўриш мумкинки, табиий бойликлар ва улардан фойдаланиш учун мажбурий тўловларнинг ижтимоий-иқтисодий асослари иқтисодий, ҳуқуқий, техник ва ижтимоий асосларга эга бўлиб, бу асослар дунёнинг аксарият давлатларида табиий бойликларга нисбатан техник,

⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

иқтисодий, ҳуқуқий, социал муносабатлар юзага келтирилган ҳолда, унинг муҳим йўналишлари сифатида табиий бойликлар билан боғлиқ мажбурий тўловларни жорий қилиш, уни амалга ошириш ҳамда уни зарурат сифатида такомиллаштириб бориш каби жараёнлар ташкил этади.

Бу асосларни умумлаштирган ҳолда биринчи навбатда табиий бойликларнинг чекланганлиги ва уларнинг нотекис тарқалиши ҳар қайси миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини белгилаб бериши муҳимлигини қайд этиш лозим. Давлатлар бу масаланинг ечимига қараб, баъзи ҳолларда иқтисодий сиёсатининг бош йўналишларини белгилаб олади, Масалан, Араб давлатлари, Жанубий Америка, Россия, Осиёнинг айрим давлатлари табиий бойликларга нисбатан иқтисодий сиёсати мамлакатнинг бюджет-солиқ сиёсатининг стратегияларини аниқлашга хизмат қилиб келмоқда. Бу ерда бош масалалардан бири сифатида табиий бойликларга эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишнинг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш ва унинг асосида улардан самарали фойдаланишга асосланган мажбурий тўловларни жорий этиш алоҳида аҳамиятга эга.

Баъзи ҳолларда солиқларни гуруҳлашда тўғри, эгри ва ресурс солиқлари(ёки тўловлари)га ҳам ажратишади.⁶ Солиқларнинг муҳим жиҳатларидан бири бу ишлаб чиқарувчилар(фойдаланувчилар) томонидан табиий ҳамда чекланган ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишга ундаш ва бундай механизмларнинг ишлашини таъминлаш ҳисобланади. Солиқлар бу жараёнда асосан прогрессив хусусиятга эга бўлган ҳолатда таъсир кучига эга бўлади. Бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд. Бир томондан табиий ресурсларнинг аксарияти тикланмайдиган хусусиятга эга бўлиб, улардан фойдаланишда максимал даражада иқтисодий самарадорликка эришиш зарурат бўлса, бошқа томондан бундай ресурслар миллий бойлик ҳисобланади, миллий бойликдан ўз иқтисодий манфаатлари йўлида фойдаланадиган иқтисодиёт субъектлари(ишлаб чиқарувчилар) эса

⁶ Масалан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бюджетга солиқ тушумларини гуруҳлашда ана шундай гуруҳлашни амалга оширади.

бошқалардан кўпроқ солиқ тўлаш солиқларнинг адолатлилиги тамойилига мос келади, шу билан биргаликда эса бундай ресурсларнинг аксарияти юқори қийматга эга бўлади(масалан ер ости бойликлари) ва улардан иқтисодий самара олиш даражаси ҳам шунча юқори бўлади.

Ер қаъридан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқлар ва махсус тўловларнинг бошқа солиқлар ва йиғимлардан фарқи шундаки, бунда табиий бойликлар билан боғлиқ бир қатор геологик тушунчалар ва жараёнлар билан боғлиқ бўлади. Яъни ер қаъридан фойдаланувчилар тўлайдиган солиқлар ва махсус тўловларнинг моҳиятини тўлароқ тушуниш ва уни ундириш механизмини ташкил этишда ушбу тушунчалар ва жараёнларнинг мазмунини англаш талаб қилинади, ваҳоланки, бу тушунчалар иқтисодий тушунчалар ҳисобланмайди.

Табиий бойликлардан фойдаланиш, эгалик қилиш ва уларни тасарруф этиш жараёнларини солиққа тортиш ҳамда улар билан боғлиқ бошқа мажбурий тўловларни белгилаш биринчи навбатда бу табиий бойликларнинг техник, физик ва бошқа муҳим кўрсаткичли хусусиятларини аниқлаб олиш талаб этилади.

1.1-жадвал

Табиий бойликлар ва уларнинг техник, физик ва бошқа муҳим кўрсаткичли хусусиятларининг қонун ҳужжатларидаги тавсифи⁷

№	Табиий бойлик тури, жуғрофий-техник сифатлар	Иқтисодий-техник ва жуғрофий хусусияти	Солиқ объекти ёки солиқ муносабатларига боғлиқлиги
1.	Ер қаъри	Ер қобиғининг тупроқ қатламидан қуйида жойлашган, тупроқ қатлами бўлмаганда эса ер юзасидан ёки сув объектлари тубидан қуйида жойлашган, геологик жиҳатдан ўрганиш ва ўзлаштириш мумкин бўлган чуқурликкача ястанган қисми	Боғлиқ
2.	Кенг тарқалган фойдали қазилмалар	Табиий ҳолича ёки бир оз ишлов бериб ва тозалаб ишлатиладиган фойдали қазилмалар	Боғлиқ
3.	Кондициялар	Ер қаъридаги фойдали қазилмалар (нефть, газ ва газ конденсатидан ташқари) захираларини	Боғлиқ

⁷ Ўзбекистондаги амалдаги қонунчилик асосида муаллиф томонидан тузилган.

		ҳисоблашга доир, фойдали қазилмаларнинг технологик хоссалари, конни ишлатишнинг кончилик-геологик ва бошқа шароитлари, минерал хом ашё ва уни қайта ишлаш маҳсулотларининг бозор конъюнктураси, энергия ресурсларининг нархлари ҳисобга олинган техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асослантирилган талабларнинг мажмуи	
4.	Минерал хом ашё	Қазиб чиқарилган ва бирламчи ишлов беришдан ўтказилган фойдали қазилмалар	Боғлиқ
5.	Техноген минерал ҳосилалар	Кончилик ва қайта ишлаш соҳасидаги ишлаб чиқаришларнинг фойдаланиш учун яроқли фойдали компонентлар бўлган чиқиндилари	Боғлиқ
6.	Фойдали компонент	Фойдали қазилманинг саноат йўсинида ишлатиш мақсадида қазиб олиш технологик жиҳатдан мумкин ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган таркибий қисми	Боғлиқ
7.	Фойдали қазилмалар	Ер қаъридаги келиб чиқиши ноорганик ва органик бўлган қаттиқ, суюқ ёки газ ҳолидаги табиий минерал ҳосилалар, шу жумладан саноат аҳамиятига молик ер ости сувлари, шўр кўлларнинг туз эритмалари ва рапалари	Боғлиқ

Табиий бойликларнинг энг кўп тарқалгани ва кўпроқ солиққа тортиладиган тури бу ер бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексига кўра, “ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур”⁸ деб таъриф берилган бўлса, бошқа бир манбада эса, ерга астрономик жиҳатдан таъриф берилган, яъни ер— қуёш системасидаги қуёшдан узоқлиги жиҳатдан учинчи сайёра. У ўз ўқи атрофида ва айланага жуда яқин бўлган эллиптик [орбита](#) бўйича қуёш атрофида айланиб туради⁹.

Ўзбекистон қонунчилигида ер бир неча тоифаларга бўлинади: яъни, “қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар — қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ёки ана шу мақсадга мўлжалланган ерлар. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали дов-дарахтлар ва тоқзорлар эгаллаган ерлар, аҳоли пунктларининг (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг) ерлари — шаҳарлар ва посёлкалар, шунингдек

⁸ Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси 1-модда. <https://lex.uz/acts/152653>.

⁹ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-ye/yer-uz/>

кишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар — муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик ерлар, сув фонди ерлари — сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгаллаган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар”¹⁰га бўлинади.

Иқтисодиётда ер билан боғлиқ мажбурий тўловларни жорий қилиш юқорида уларни тоифаларга ажратиб олишдан ташқари “ер участкаси” деган категория ҳам муҳим саналиб, амалдаги қонунчиликка кўра ер участкаси бу— ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисмидир.”¹¹ Ўз навбатида ер билан боғлиқ солиққа тортиш муносабатларини ташкил этишда, ер участкалари билан боғлиқ аниқлаштирувчи тизим- давлат кадастри механизми ҳам катта роль ўйнайдик, у мазмунан “ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат”¹² бўлади.

Албатта, табиий ресурсларни солиққа тортиш ҳамда улар билан боғлиқ бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш ва уни амалга ошириш маълум бир молиявий инструмент(элемент)лардан фойдаланишни тақозо этади.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси 8-модда. <https://lex.uz/acts/152653>.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси 10-модда. <https://lex.uz/acts/152653>.

¹² Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси 15-модда. <https://lex.uz/acts/152653>.



1.2-расм. Табиий ресурсларни солиққа тортиш ва бошқа тўловларни ундиришнинг молиявий инструментлари¹³

Ушбу 1.2-расмдан кўриш мумкинки, Ўзбекистон молия-солиқ тизимида табиий ресурсларни фойдаланишни тартибга солишда алоҳида молиявий инструментлардан фойдаланилади. Бу молиявий инструментлар давлатнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланишни тартиблашда кенг фойдаланиб, уларнинг орасида махсус тўловлар ва солиқлар кўп томонлама характерга эгадир. Ўзбекистон Республикасининг Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунига мувофиқ, “ер ости бойликлари Ўзбекистон Республикасининг мулки бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида бўлади, ер қаърининг фойдаланилаётган ва фойдаланилмаётган участкалари, шунингдек техноген минерал ҳосилалар ер ости бойликлари давлат фондини ташкил этади, ўз навбатида ер қаъридан фойдаланиш пуллик саналади”¹⁴, шу

¹³ Муаллиф томонидан тузилган.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуни

билан биргаликда айрим ҳолларда улардан бепул фойдаланиш ҳолатлари ҳам мавжуд бўлади.


1.2-жадвал.

Ўзбекистон солиқ тизимида табиий ресурслар билан боғлиқ солиқли ва солиқсиз тўловлар¹⁵

№	Солиқ ва солиқсиз тўлов тури	Солиқ тўловчиси
1.	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари юридик шахслар
2.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ёки этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликлари жисмоний шахслар
3.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан бирламчи фойдаланишни ёки сувни истеъмол қилишни амалга оширувчилар
4.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олувчи, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олувчи ер қаъридан фойдаланувчилар
5.	Имзоли бонус	Фойдали қазилмаларни қидириш, разведка қилиш ва қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома олган ер қаъридан фойдаланувчилар
6.	Тижоратбоп топилма	Фойдали қазилмаларни қидириш, разведка қилиш ва қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома олган ер қаъридан фойдаланувчилар
7.	Ер учун ижара тўлови	Ер участкаларини ижарага олган шахслар

Келтирилган жадвалдан кўриш мумкинки, Ўзбекистон солиқ тизимида табиий ресурслар бўлган ер, ер қаъри, сув ресурсларидан юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланганда, уларга эгалик қилганлик ҳолатларида солиқлар ва солиқсиз тўловлар кўринишидаги тўловларни тўлайдилар. Ўз навбатида табиий ресурслар учун тўловларнинг ундирилиши асоси сифатида ушбу ресурслардан фойдаланиш масаласи муҳим ҳисобланади. Шу боисдан мазкур ресурслардан фойдаланиш тартибларини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

¹⁵ Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



1.3-расм. Табiiй ресурслардан фойдланиш йўналишлари¹⁶

¹⁶ Амалдаги қонунчилик асосида муаллиф томонидан тузилган.

Қонунчиликка мувофиқ, юридик ва жисмоний шахслар ер қаъридан фойдаланувчи бўлиши мумкин бўлса, сув ресурсларини сув объектдан олмаган ҳолда улардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахслар унинг фойдаланувчиси ҳисобланади.

Келтирилган расмга эътибор берадиган бўлсак, Ўзбекистонда табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солувчи амалдаги қонунчиликка кўра, табиий ресурслар маълум бир мақсадларда ва йўналишларда фойдаланишга берилади. Табиий ресурслардан фойдаланиш йўналиши, ҳолати ва мақсадига мувофиқ равишда улардан фойдаланганлик учун мажбурий тўловлар: солиқлар ва солиқсиз тўловлар ундирилади, шу жиҳатдан олганда табиий ресурслардан фойдаланиш ҳолатини аниқлаш солиққа тортишнинг мазмунини ҳам кўрсатиб беради деб айтиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, табиий бойликларни солиққа тортиш жараёнини илмий-назарий тадқиқ қилиш, аввало ўша табиий бойликларнинг таркибий тузилиши, уларнинг миқдори, сифат кўрсаткичлари, солиқ базаси ҳисобланган физик кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларни назарий ва амалий жиҳатдан кўриб чиқишни тақозо этади. Шу боисдан, биз тадқиқотимизнинг қуйида асосий табиий бойлик бўлган-ер ва сув манбаларининг таркиби, ҳолати ва уларга таъсир этувчи омиллар хусусида тўхталиб ўтамиз.

Ердан фойдаланиш термини биринчи навбатда географияда, иқтисодда, археологияда ва инсон томонидан аниқ бир мақсад учун фойдаланишга айтилади. “Ер қоплами термини инсон фаолияти давомида ернинг бир бўлагидан фойдаланишга ёки ердан мақсадли фойдаланишга тушунилади”¹⁷. Ер ресурсларидан ҳар томонлама оқилона фойдаланмай, тупроқ қатламини турли емирилиш ва ифлосланишлардан муҳофаза қилиш чораларини кучайтирмай, қишлоқ хўжалиги билан алоқадор бўлмаган мақсадлар учун ерларни тежаб-тергаб ажратмай туриб, бу ғоят мушкул вазифани ҳал этишнинг иложи йўқ. Инсоннинг нотўғри ташкил этган турли хил фаолияти

¹⁷ Rattan. Lal, Soil degradation in the united states. P.31

таъсирида тупроқ қатлами эрозияга дучор бўлади, иккиламчи шўрланади, агрохимикатлар, оғир металллар ва бошқалар билан ифлосланади, кимёвий ва биологик токсикозга учрайди ва ҳоказолар¹⁸.

Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги иқлим ўзгаришининг оқибатларига, биринчи навбатда, агроиқлимий ва сув ресурслари ўзгаришларини киритиш мумкин. Улардаги ўзгаришлар республикамизда тарқалган тупроқларнинг хосса-хусусиятларини ёмонлашувида, етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари ўсиб ривожланишининг сустлашишида ҳамда “Оролбўйи экологик ҳолатида ва хусусан Орол денгизида юзага келаётган салбий кўринишларда акс этади. Орол денгизи ҳавзасида башорат қилинаётган сув етишмовчилигини босқичма-босқич ўсишига олиб келади. Шунингдек, қуйидагилар башорат қилинмоқда: сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши натижасида ҳамда Амударё ва Сирдарё дарёларидан сувни кафолатли олиб қолиниши ҳажмининг қисқариши ҳолатида сувнинг тақчиллиги 500 фоиздан ортиб кетиб, 2005 йилдаги 2 км дан 2050 йилга келиб 11-13 км га етади; натижада, айниқса шимолий туманларда вегетация даврининг чўзилиши, бу ўз навбатида қишлоқ хўжалик экинларининг янгитдан экилиши учун имкониятлар беришига олиб келади”¹⁹.

Қурғоқчилик термини деганда, чўл шароитида тарқалган тупроқларга айтилади. Бунда чўл зонаси шароитида кечаётган жараёнларни мураккаблиги бўлиб, асосий жараёнлар қурғоқчилик, сув ва шамол таъсиридаги эрозия ва ўсимлик дунёсининг сийраклиги ҳисобланади. “Қурғоқчилик эса ўз навбатида ернинг биологик потенциални йўқ бўлишига олиб келади. Қурғоқчил, ярим қурғоқчил ва қуруқ субгумидли ҳудудларда тупроқ деградацияси ҳар хил омиллар, асосан иқлим ўзгариши ҳамда антропоген омиллар ҳисобига бўлади”²⁰

¹⁸ Roy E. Olson From Soil Behavior Fundamentals to Innovations in Geotechnical Engineering merican Society of Civil Engineers USA, 2014 256 бет.

¹⁹ Иқлимнинг ўзгариши тўғрисидаги БМТнинг Ҳадли Конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг Иккинчи Миллий ахбороти, 2008.

²⁰ ЮНЕП, 1990; 1992; ЮНСЕД, 1992.

Ер ресурсларини солиққа тортишда унинг солиқ базасига таъсир этувчи омил бу ернинг сифатининг ёмонлашувидир. Булар жумласига кирувчи деградация - бу тупроқдаги ноқулай ўзгаришлар натижасида унумдорликни пасайишига олиб келадиган жараён. Деградация тупроқ хоссаларини ва жараёнларни вақтлар давомида ноқулай ўзгаришларга олиб келади. Бу ноқулай ўзгаришлар тупроқдаги динамик тенгликни бузилиши ва атроф-муҳитга антропоген омил таъсири натижасида содир бўлади. Тупроқ деградацияси энг кенг тарқалган ва жиддий экологик муаммоларида бири ҳисобланади.

Тупроқ деградацияси инсоният томонидан минг йиллар давомида кузатиб келинмоқда. Доимий аҳолининг ўсиб бориши туфайли аҳоли жон бошига ҳайдаладиган ер майдони тез камайиб бормоқда. 1995 йилда бутун дунёда аҳоли жон бошига 0,23 га, Африкада 0,23 га, Лотин Америкасида 0,20 га, Шимолий Америкада 0,89 га, Осиёда 0,12 га, Европада 0,19 га ва Океанияда эса 1,8 га тўғри келган бўлса, 2050 йилга бориб тупроқ деградацияга учрамаса ҳам қишлоқ хўжалигидан бошқа мақсадларда фойдаланилмаса ҳам дунё бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ер майдони 0,14 га, Африкада 0,08 га, Лотин Америкасида 0,11 га, Шимолий Америкада 0,69 га, Осиёда 0,07 га, Европада 0,17 га ва Океанияда эса 1,1 га камайиши мумкин. Шунингдек, дунёдаги ҳайдаладиган ғалла етиштириладиган ер майдони аҳоли жон бошига 1950 йилда 0,23 га дан 1998 йилда 0,11 гача қисқарди, 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 0,07 гача камаяди²¹.

Шундай қилиб, ер юзида содир бўладиган деградацияларни камайтириш учун тупроқнинг агрономик, экологик ва иқтисодий ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади. Эрозия жараёнларини бартараф этиш қишлоқ хўжалик ислохотларини татбиқ этиш, сув тармоқларини тозалаш, экологик тоза транспорт билан таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади. АҚШда йилига сув эрозиясидан 12-42 миллиард долларгача, шамол эрозиясидан 11-32 миллиард долларгача зарар

²¹ Rattan. Lal. Soil d egradation in the united states 19 бет.


кўрилади. Дунё бўйича эса эрозия таъсиридан 400 миллиард долларгача зарар кўрилади²². Эрозия жараёнлари: тупроқ фаунаси ва флорасига салбий таъсир килади, яъни ўсимлик қоплами ўзгаришга учрайди, тупроқ унумдорлиги пасаяди ва натижада чўллашиш жараёни вужудга келади. Тупроқнинг унумдорлигига салбий таъсир этувчи асосий жараёнлардан бири сув ва ирригация эрозиясидир. “Ирригация эрозиясига асосан суғорма типик ва тўқ тусли бўз тупроқли ерлар мойил бўлади. Бу майдонларнинг ярмига яқини бўлакланган рельефли жойлар ва уларда ирригация эрозияси ривожланиш эҳтимоли чўл ҳудудларидагига нисбатдан кўпроқдир. Тупроқларнинг ювилиши қиялик 1-2° га етганда бошланиб, қиялик ошган сари эрозия жараёни жадаллашади”²³. Ирригация эрозияси натижасида тупроқлардан гумус ва озиқлантирувчи моддалари йўқолади. Бунинг оқибатида, қишлоқ хўжалиги ер айланмасидан қимматбаҳо суғориладиган ерлар чиқмоқда. Бундан ташқари, тупроқларга солинадиган ўғит ва захарли кимёвий моддаларнинг учдан бир қисми тупроқдан ювилиб, сув ҳавзаларида йиғилади ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Тупроқ деградациясини тезлаштирувчи омилларга кўйидагиларни келтириш мумкин.

Республикамизнинг 643,2 минг га суғориладиган ерлари ирригация эрозиясига дучор бўлган. Қашқадарё (159,7 минг га), Тошкент (138,6 минг га), Самарқанд (121,9 минг га) вилоятларининг суғориладиган ерлари ирригация эрозиясига кўпроқ дучор бўлган. Сув эрозиясига (жами 746,4 минг га) Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги лалми ерлари учраган. “Деградация жараёнлари оқибатида тупроқнинг юқори унумли қатлами ва ундаги озиқа моддалари йўқолади, сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши натижасида шўрланиш жараёни юзага келади, тупроқнинг физик хоссалари ўзгаради, тупроқдаги тирик организмлари дунёсининг биомассаси ва биохилма-хиллиги камаяди, захарли кимёвий

²² Н. Blanco, R. Lal, Principles of Soil Conservation and Management 24-25, 126-127 бетлар.

²³ Атроф-муҳит ҳолатининг шарҳи, БМТ, 2010.

препаратлар тўпланади”.²⁴ Тупроқ эрозиясига табиатда барча содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар киради, яъни тупроқ унумдорлигини пасайтирадиган, тупроқ қопламини салбий ўзгаришга олиб келадиган антропоген омиллар шулар жумласидандир.



1.4-расм. Тупроқ деградациясини тезлаштирувчи омиллар²⁵

2020 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 44896,9 минг гектарни ташкил қилади. Республика бўйича корхона, ташкилот, муассасалар, фермер хўжаликлари ва фуқароларнинг фойдаланишидаги жами ерлар 44892,4 минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса 4312,4 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 9,6 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси ер фонди ерлардан фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасига биноан 8 та тоифага бўлинади.

²⁴ Ерларнинг деградацияси муаммолари ва уни Ўзбекистонда хал этиш йўллари. БМТ тараққиёт дастурининг тўплами. Тошкент, 2012.

²⁵ Ўзбекистоннинг ер-сув ресурслари: Муаммо ва ечимлари. Жамоавий монография. 2020 й. 178 б.

**Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг тоифалари бўйича
тақсимланиши²⁶**

№	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдон		Шу жумладан, суғорадиган ерлар	
		Жами	Ҳоиз ҳисобида	Жами	Ҳоиз ҳисобида
1.	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20388,8	45,42	4209,3	9,37
2.	Аҳоли пунктларининг ерлари	219,2	0,49	49,9	0,11
3.	Саноат транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	909,6	2,03	12,3	0,03
4.	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	76	0,17	0,8	0,002
5.	Ўрмон фонди ерлари	13,7	0,03		
6.	Сув фонди ерлари	9773	21,77	33,2	0,07
7.	Ёнгин ерлар	833,3	1,85	4,7	0,01
8.	Жами ерлар:	12678,8	28,24	2,2	0,005
	Жами		100	43,12	9,6

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 45,4 фоизини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар эгаллаган бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб-чиқаришда асосий восита ҳисобланади. Республика ҳудудида қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерларнинг тақсимланиши табиий-иқлим омилларига биноан белгиланади.

“Ўзбекистоннинг асосий сув ресурсларини давлатлараро Амударё, Сирдарё ва уларнинг ирмоқлари, Қашқадарё ва Зарафшон дарёларидан иборат устки сувлар ташкил этади. Амударёнинг асосий оқими Тожикистонда, Сирдарё эса Қирғизистон ҳудудида шаклланади. Сирдарё ҳавзасининг умумий майдони қарийб 345 минг квадрат километрни ташкил этади. Амударё - энг серсув дарё бўлиб, оқими Орол денгизи ҳавзаси жами сув ресурсларининг 2/3 қисмини ташкил этади. Ўзбекистон бўйича табиий ер ости сув ресурслари 24,35 км³ни ташкил этади. Шунинг 20,79 км тўртламчи давр чўкиндиларидан,

²⁶ Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2,92 км тўртламчи юқори плиоцен чўкиндиладан, 0,46 км³ эса юқори бур чўкиндиладан ҳосил бўлади”²⁷.

Сув ҳавзалари, дарёлар, кўллар, сув омборлари, гидротехник ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек, сув ҳавзалари ва бошқа сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар сув фонди ерлари тоифасига киради. Сув фонди ерлари 2020 йил 1 январь ҳолатига жами 833,3 минг гектарни ёки умумий ер майдонининг 1,85 фоизини ташкил қилади. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, манбадан олинган сувнинг йўқолиши 24146 млн.м³ни ташкил этади. Шундан 13,2% магистрал каналларда, 20,4% хўжаликлараро каналларда, 34,4% хўжалик ичидаги суғориш тармоқларида, 31,0% эса бевосита пайкалларда, яъни экинларни суғориш жараёнида исроф бўлади.

1.4-жадвал.

Ўзбекистонда сув ресурсларининг тасдиқланган миқдори (км³)²⁸

№	Дарёлар	Узан	Илмоқлар	Жами	Ер ости сувлар	Коллектор-дренаж оқимлар	Жами
1.	Сирдарё	10,49	9,2	19,69	1,59	4,21	25,49
2.	Амударё	26,92	6,98	33,9	1,00	2,63	37,53
3.	Жами:	37,41	16,18	53,59	2,59	6,84	63,02

Келтирилган жадвалдан кўринадик, Ўзбекистоннинг дарёлар ҳавзаси кесимида узан ва илмоқларнинг сув ресурсларининг тасдиқланган миқдори 37,41 км³ ни, ер ости ва коллекторларнинг сув миқдори эса 63,02 км³ ни ташкил этади. Дарёлар оқими йил давомидаги ва кўп йиллик жиддий

²⁷ Бараев Ф.А, Фуломов С.Б, Ўринбаев С.Н. сув ресурслари ва сувдан тежамли фойдаланиш. Ўқув қўлланма. Т.: 2014. 38-39-40 б.

²⁸ Бараев Ф.А, Фуломов С.Б, Ўринбаев С.Н. сув ресурслари ва сувдан тежамли фойдаланиш. Ўқув қўлланма. Т.: 2014. 42 б.

номутаносибликка эга ҳамда сув кам бўлган йили (сув 90 фоизни ташкил этганида) серсув йилдагига қараганда ўртача 23 км³га камаяди.

Бир сўз билан айтганда таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, суғориш тармоқларининг эскириши ва улардан фойдаланиш коэффициентининг пастлиги сувни йўқотишдаги асосий манба бўлиб қолмоқда. Шу боис Ирригация тизимларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш давлат дастурини ишлаб-чиқиш зарур. Уни амалга ошириш учун маҳаллий, хорижий инвестицияларни, Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт жамғармалари маблағларини жалб этиш мақсадга мувофиқ. сувни тежовчи технологияларни жорий этиш сувдан мақсадли ва самарали фойдаланишга йўналтирилган стратегик мақсаднинг бош омили бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Ушбу технологияларни кенг миқёсда жорий этиш мақсадида давлат томонидан рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш механизминини яратиш зарур.

1.2-§. Табиий бойликлардан фойдаланганлик учун солиққа тортишнинг илмий-назарий асослари

Тадқиқот ишимизнинг юқоридаги биринчи бандида кўриб ўтганимиздек, дунёда энг глобал муаммолардан бири бу табиий бойликлар чекланганлик шароитида аҳолининг турли хил эҳтиёжларини қондириш, мамлакатларнинг социал-иқтисодий ривожланишини таъминлаш йўлида табиий ресурслардан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш масалалари бўлиб, бу йўналишда турли хил молиявий инструментлардан фойдаланишни тақозо этади. Бу каби молиявий инструментлардан бири бу солиқ тизимидир. Давлат ўзининг молиявий сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда чекланган табиий бойликларни асраб авайлаш, улардан мамлакат тараққиёти учун самарали фойдаланиш мақсадида мажбурий тўловлар тактикасининг пухта ва самарали бўлишига алоҳида эътибор қаратади. Шу жиҳатдан олганда солиқ тизимининг муҳим вазифаси ҳам шаклланади ва солиқ тизими табиий бойликлардан унинг фойдаланувчиларидан самарали фойдаланишга ундовчи

(мажбурловчи) ва ўз иқтисодий ҳамда социал манфаатлари доирасида мақсадли фойдаланишни таъминлашга оид муҳим вазифаси пайдо бўлади.

Албатта, табиий бойликлардан самарали фойдаланиш барча даврлар ва ҳолатларда муҳим саналади, уларни самарали фойдаланиш билан боғлиқ солиққа тортиш тизимининг шаклланиши ҳам узоқ йилларга бориб тақалади. Дунёнинг жуғрофий харитасида табиий бойликларнинг жойлашуви, уларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг мамлакатлар ҳудудида табиий тақсимланиши нотекис ҳолатда бўлсада, уларни солиққа тортиш механизмлари билан боғлиқ илмий тадқиқотларга кенг эҳтиёж сезила бошлаган ва бу борада кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Диссертацион тадқиқот ишимиз доирасида бу борадаги илмий-тадқиқотларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш илмий методологик нуқтаи назаридан тўғри ёндошув деб қараб қуйида бу борадаги айрим тадқиқот ишларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Табиий бойликлардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий масалалари ҳамда уларни солиққа тортишнинг масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан чуқур ва кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Мустафа А.И., А.Л.Саади, В.В Рудь, Б.Штраух, Т.Холлмарк, Отто Дж., Батарсе М., Дж.Кордес, Р.Конрад, З.А.Шализи, Дж.Дью, М.Фоли, Г.Гиссис, Гарно Р., А.Клуни Росс, Хр.Госс, Д.Грей, Д.Джонстон, Д.Неллор, Д.Смит, Э.Санли, Чр. Лейн кабилар томонидан табиий бойликларни солиққа тортиш ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилган.²⁹

²⁹ Mustafa A.I., ALSaady W., State fiscal policy in recession and identification of key problems/ A.I. Mustafa, W. ALSaady, International Conference «Scientific research of the SCO countries: synergy and integration» –Reports in English. Part 2 (September 14, 2019. Beijing, PRC),p:17-20. - 0,29п.л.; Rud V. V. Analysis of objects and economic and legal mechanisms for managing state ownership of the subsoil. Prospect and protection of mineral resources. 2009;(2):62–66., Strauch B., Korolchenko A. Mining activities in the focus of investors Common characteristics and differences of the German, French, Russian and Japanese mining law [Bergbau im Fokus der Investoren Gemeinsamkeiten und Unterschiede des deutschen, französischen, russischen und Japanischen Bergrechts]. World of Mining – Surface and Underground. 2011;63(3):156–161.; Hallmark T. Political Risk: Assessing dangers in international exploration, development // Offshore Magazine. - 1991. - №5. - 27-34 p.; Otto J., Batarseh M., Cordes J. Global Mining Taxation Comparative Study // Institute for Global Re-sources Policy and Management, 2010.; Barrows. World Fiscal Systems for Oil. New York: Barrows, 1994.; Conrad R., Shalizi Z. A Framework for the Analysis of Mineral Tax Policy in Sub-Saharan Africa. World Bank, 1988.; Due J. Excise Taxes: The World Bank Policy Research Working Paper. Washing-ton, Febr. 1994.; Foley M., Guissis G. Tax & Fiscal Regimes: A Comparative Analysis. Oil & Gas Production-Sharing Contracts, Concessions and New Petroleum Ventures in the Asia-Pacific Basin, Conference Proceedings. Houston: Institute for International Research, 1993.; Garnaut R., Clunies

Бу борада илмий тадқиқотлар олиб борган олимлардан бири Р. Басыров ўз тадқиқотларида қуйидагича ёндошган: “ер қаъри участкаларини ўзлаштиришни ҳуқуқий тартибга солиш тавсифини берган, “ер қаъри участкаларини ўзлаштириш объектлари” тушунчасининг мазмунини аниқлаган, қатор объектларни ўзлаштириш борасида уларнинг ҳуқуқий аҳамиятли хусусиятларидан ер ости иншоотларини ўзлаштиришни ажратиб кўрсатган, объектларга ҳуқуқларни ўтказишда, шу жумладан ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини муддатидан олдин бекор қилинган ҳолларда, ер қаъридан фойдаланишга доир муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги камчиликларга илмий баҳо берган, объектлар эгаллаб турган ер участкаларидан мақсадли фойдаланишни таъминлаш воситаларини аниқлаган, ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган тақдирда инфратузилма объектларини консервациялаш ва тугатиш, фойдаланилаётган ер участкаларини рекултивация қилиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришини таъминлаш йўллари, тугатилган ер ости иншоотлари хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини кўрсатиб берган”³⁰. Бир сўз билан айтганда Р.Басыров ер қаъридан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг ролини кучайтиришда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш орқали эришиш мумкинлигини илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилган. Албатта, бизнинг фикримизча, табиий бойликлар жумласига кирувчи ер қаъри бойликларини ундан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш ўз навбатида солиққа тортиш тизимини

Ross A. Taxation of Mineral Rents. Oxford: Clarendon Press, 1983.; Goss Chr. Petroleum and Mining Taxation. Gower, 1986.; Gray D. Evaluation of Taxes and Revenues from the Energy Sector in the Baltics, Russia and Other Former Soviet Union Countries. IMF Working Paper, 1998.; Johnston D. Current Status of Petroleum Fiscal Systems in the World Oil & Gas Industry. Production Sharing Contracts Conference Proceedings, AIC Conference. Houston, 1994.; Nellor D. Taxation of Mineral and Petroleum Resources. – Tax Policy: Handbook. Washington: IMF, 1995, p. 237-241.; Smith D. Comparison of Fiscal Terms in the Far East, South America, North Africa and C.I.S. Oil & Gas Production-Sharing Contracts, Concessions and New Petroleum Ventures in the Asia-Pacific Basin, Conference Proceedings. Houston: Institute for International Re-search, 1993.; Sunley E., Lane Chr., Nellor D. The Russian Federation: Taxation of the Oil and Gas Sectors. IMF, Dec. 19, 1994.

³⁰ Басыров Равиль Наилевич. Правовое регулирование обустройства участков недр. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2016.

янада содалаштиришга хизмат қилади, жу жихатдан олганда тадқиқотчи Р.Басыровнинг илмий тадқиқотлари ўз аҳамиятига эга.

Бу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борган яна бир Россиялик олим А.Блошенконинг тадқиқотлари ҳам алоҳида аҳамият касб этади. А.Блошенко техноген кон тушунчаси ва унинг солиққа тортиш механизмига баҳо бериб, “техноген кон – бу, фойдали қазилмаларни қазиб олишда ер қаъридан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, минерал хомашёни қазиб олиш ва комплекс қайта ишлаш жараёнида йўқотишлар сифатида олинадиган, алоҳида лицензияланиши керак бўлган иккиламчи фойдали қазилмалардир”³¹ деб таъкидлайди.

Ўз навбатида А.Блошенко бу борадаги тадқиқотлари доирасида: “ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиш соҳасида фойдали қазилмаларни қазиб олиш солиғи ва солиқ салоҳияти бўйича тизимли ёндашувни ишлаб чиққан ҳолда унга табақалаштирилган ставкаларни белгилашга қаратилган минерал хомашёни қазиб олиш ва комплекс қайта ишлаш корхоналарини солиққа тортишнинг концептуал ёндашувларини келтириб ўтган; қаттиқ фойдали қазилмаларнинг табиий ва техноген конлари учун фойдали қазилмаларни қазиб олиш солиғининг табақалаштирилган ставкалари ва солиқ потенциалини аниқлаш учун тоғ-кон рентаси таркибида рента ҳосил қилувчи омилларини аниқлаб берган; минерал хомашёни қазиб олиш ва комплекс қайта ишлаш соҳасидаги ташкилотларнинг солиққа тортишнинг асосий элементларини аниқлашда "кўшимча маҳсулотлар", "қазиб олинадиган фойдали қазилмалар", "техноген конлар", "комплекс" каби тушунчаларга аниқлик киритган; қаттиқ фойдали қазилмаларни қазиб олиш солиғи бўйича солиққа тортиш мақсадларида минерал хомашёдан, “кўпкомпонентли комплекс руда”, “технологик йўқотишлар” ва “чиқиндилардан” фойдаланишнинг йўллари кўрсатиб берган; фойдали қазилмаларнинг

³¹ Блошенко Татьяна Алексеевна. Методология налогообложения организаций при добыче и комплексной переработке минерального сырья. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва – 2019.

табiiй ва техноген конлари учун қаттиқ фойдали қазилмаларни қазиб олиш солиғи бўйича солиқ потенциални аниқлашнинг концептуал ёндашувларини шакллантирган”³².

Албатта, А.Блошенконинг тадқиқотларида қаттиқ фойдали қазилмаларни солиққа тортиш масалалари кенг ўрин олган бўлиб, у бу борада солиққа тортиш тизимининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида бир қатор услубий ишланмаларни илгари сурган. Жумладан, “қаттиқ фойдали қазилмаларнинг техноген конлари бўйича фойдали қазилмаларни қазиб олиш солиғи бўйича табақалаштирилган ставкалар ва солиқ потенциални белгилаш моделларини қўллаш мақсадида ахборот ресурсини шакллантириш борасида Давлат ер қаъри жамғармасини ташкилий бошқаришнинг услубий тамойилларини кўрсатиб берган; маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар тажрибаси асосида ишлаб чиқариш саноатнинг мураккаб тармоқларида қўлланиладиган таннархни шакллантириш механизмларини ўрганиш, уларнинг мураккаб тармоқларда қўшилган қиймат яратишга таъсирини аниқлаш ва товар маҳсулотини сотувчи ер қаъридан фойдаланувчилар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ базасини шакллантириш. экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ва шунга кўра компенсация қўшилган қиймат солиғини аниқлаш усулини аниқлаган; минерал хомашёни комплекс қайта ишлаш жараёнида фойдали қазилмалар ва/ёки фойдали компонентларнинг ҳар бир тури бўйича йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда, табiiй ва техноген конлар бўйича фойдали қазилмаларни қазиб олиш солиғи бўйича солиқ солинадиган базани белгилаш механизмини ишлаб чиққан; қаттиқ фойдали қазилмаларнинг табiiй конларини ўзлаштириш жараёнида қазиб олинган кўп компонентли комплекс рудалар учун фойдали қазилмаларни қазиб олиш

³² Блошенко Татьяна Алексеевна. Методология налогообложения организаций при добыче и комплексной переработке минерального сырья. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва – 2019.

солиғи бўйича солиқ солинадиган базани аниқлаш методикасини ишлаб чиққан”³³.

Яна бир Россиялик олима М.Ильчева табиий бойликларни солиққа тортиш механизмларини тадқиқини йирик солиқ тўловчилар томонидан нефт ва газ компаниялари томонидан тўланадиган фойдали қазилмаларни қазиб олиш солиғи мисолида олиб борган ҳолда бу борадаги муҳим тадқиқот натижаларини асослаб беради. Хусусан, М.Ильчева “нефт ва газ компаниялари томонидан тўланадиган фойдали қазилмаларни қазиб олиш солиғини ундиришни оптималлаштириш ва янада малакали бошқариш, хусусан, давлат бюджети ва умуман унинг иқтисодиётини шакллантириш учун жуда муҳимдир”³⁴ деб ҳисоблайди ва қуйидаги илмий янгиликларни асослаб берган: энг йирик солиқ тўловчилар иштирокидаги солиқ муносабатларининг хусусиятларини аниқлаб, энг йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритиш мезонларини белгилашни асослаган, фойдали қазилмалар тушунчаларини солиқ қонунчилигида ҳам, ер қаъридан фойдаланиш соҳасида ҳам бирхиллаштириш таклифини ишлаб чиққан, нефт ва газ саноатининг йирик солиқ тўловчиларини солиққа тортишда юзага келадиган муаммоларни аниқлаб, солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиққан, нефт ва газ саноатидаги энг йирик солиқ тўловчиларни солиқни тартибга солиш соҳасидаги молиявий натижалари бўйича солиқни ҳам, кўшимча даромад солиғини ҳам фойдали қазилмаларни қазиб олиш солиғига муқобил ёки кўшимча сифатида жорий этиш³⁵ йўналишларини кўрсатиб берган.

³³ Блошенко Татьяна Алексеевна. Методология налогообложения организаций при добыче и комплексной переработке минерального сырья. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва – 2019.

³⁴ Ильчева Мария Александровна. Правовое регулирование налоговых отношений с участием крупнейших налогоплательщиков (на примере предприятий нефтегазовой отрасли). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2017.

³⁵ Ильчева Мария Александровна. Правовое регулирование налоговых отношений с участием крупнейших налогоплательщиков (на примере предприятий нефтегазовой отрасли). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2017.

Бу ерда таъкидлаш жоизки, М.Ильичеванинг ёндошуви асосида нефт-газ саноати тармоғида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ундиришни такомиллаштириш солиқ тизимини самарадорлигини таъминлашда муҳим саналади. Фикримизча, М.Ильичеванинг ёндошуви тўғри илмий аҳамиятга эга, чунки, нефть-газ саноати корхоналарининг маҳсулотининг асосий хом-ашёси бу ер ости бойликлари ҳисобланадики, уларни иқтисодий жиҳатдан таҳлил қилиб, улардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг роли ўта муҳимдир.

Табиий бойликларни солиққа тортишнинг Россия амалиётига оид тадқиқотлар олиб борган хорижлик иқтисодчи олим - Ибраҳим Мустафа Али Ибраҳимнинг илмий ишлари ҳам биз тадқиқ қилаётган муаммонинг ечимларида ўз илмий аҳамиятига эга. Жумладан И.Мустафа бу борадаги илмий ишларида “Россия конларида жойлашган нефт нархининг ўзгарувчанлиги асосида солиқ юкини прогнозлаш методологиясини ишлаб чиққан, нефт нархининг ўзгарувчанлиги шароитида ўзлаштириш қийин бўлган углеводородлар хом-ашёсини қазиб олиш соҳасида солиққа тортишнинг амалдаги тизимни ислоҳ қилиш зарурлигини асослаган, ўзлаштириш қийин бўлган конларда углеводородлар хом-ашёси ишлаб чиқаришга солиқ солиш тизими соҳасидаги тоифавий аппаратни кенгайтиришни таклиф қилган, Россиянинг ўзлаштириш қийин бўлган конларида солиқ ҳисоблашнинг табақалаштирилган тартибини ишлаб чиқишда унумдорликни оширишга йўналтирилган, шунингдек, солиқ юки даражаси ва кончилик ташкилотларининг иқтисодий ҳолатига қараб солиқ солинадиган базани тартибга келтириш юзасидан таклифларни асослаган, ўзлаштириш қийин бўлган конларда углеводород қазиб олишда Россия солиқ тизимини ва нефт нархлари ўзгарувчанлиги шароитида нефт ва газ

компанияларининг экспорт фаолияти ривожланиши тенденцияларини аниқлаб берган”³⁶.

Ибрахим Мустафа Али Ибрахимнинг бу муаммо доирасидаги асосий илмий ютуқлари сифатида “Россия солиқ тизими томонидан ўрнатилган углеводород хомашёси нархининг рентабеллиги ва ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда, углеводород хом ашёсини ишлаб чиқариш учун солиқ ставкаларини ҳисоблаш алгоритми”³⁷нинг ишлаб чиқилганлигини келтириш мумкин ва қуйидагича изоҳлаган:

$$SN = NB \cdot BS \cdot Kp \cdot Kес \cdot P, (1)$$

$$Kес = K1 \cdot K2 \cdot K3 \cdot \dots \cdot Km, (2)$$

бу ерда: SN – ўзлаштириш қийин бўлган конларда углеводород хомашёсини ишлаб чиқариш солиғи миқдори;

- NB – ўзлаштириш қийин бўлган конларда углеводород хомашёсини қазиб олиш солиғининг солиқ базаси;

- BS – ўзлаштириш қийин бўлган конларда углеводород хомашёсини қазиб олишда солиқ ставкасини белгилашнинг таянч параметрлари;

- Kp – нефт нархлари ўзгарувчанлигига тузатиш;

- $Kес$ – қазиб олиш шароитларига тузатиш;

- P – рентабелликни таъминлашга тузатиш;

- $K1, K2, K3, \dots, Km$ –, қазиб олишнинг жорий тебранишларини ҳисобга олишга имкон берувчи коэффициентлар³⁸.

Ўз навбатида Ибрахим Мустафа Али Ибрахимнинг таъкидлашича, “ставкани ҳисоблаш учун ишлатиладиган ушбу коэффициентлар универсал хоссага эга ва улардан амалдаги жорий солиққа тортиш тизимида фойдаланиш турли хилдаги углеводород хомашёсини қазиб олиш шароитини тўлиқ ҳисобга

³⁶ Ибрахим Мустафа Али Ибрахим. Развитие налогообложения добычи углеводородного сырья в труднодоступных российских месторождениях в условиях волатильности цен на нефть. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2020.

³⁷ Ибрахим Мустафа Али Ибрахим. Развитие налогообложения добычи углеводородного сырья в труднодоступных российских месторождениях в условиях волатильности цен на нефть. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2020.

³⁸ Ибрахим Мустафа Али Ибрахим. Развитие налогообложения добычи углеводородного сырья в труднодоступных российских месторождениях в условиях волатильности цен на нефть. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2020.

олиш имконини беради, Ўзлаштириш қийин бўлган конларда углеводород хомашёсини қазиб олишда солиққа тортишни ривожлантириш углеводород хом ашёсини қазиб олиш жараёнида шаклланадиган, солиқ солинадиган база миқдорига таъсир қилувчи барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак”³⁹.

Дарҳақиқат, солиқ тизимида энг муҳим ва табиий ресурсларни солиққа тортишда солиқ тизимининг таъсирчанлигини оширишда ўзлаштириш қийин бўлган конларда углеводород хомашёсининг солиққа тортилиш ҳолати илмий жиҳатдан ўз моҳиятига эга. Бу борада И.Мустафанинг илмий тадқиқотлари ва ёндошуви муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бу борадаги илмий тадқиқот ишларини илмий таҳлил қилишда бу ерда албатта Е.Суткевичнинг илмий тадқиқотларига тўхталиш лозим деб ҳисоблаймиз. Е.Суткевич табиий бойликлардан фойдаланганлик учун тўловларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқотларида асосий эътиборни унинг иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатларига қаратган. Илмий тадқиқот натижалари асосида бир қатор илмий янгиликларни ишлаб чиққан.

Жумладан, “умумий давлат қонунчилигини (молиявий ҳуқуқни) ва тўловларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва умумлаштириш асосида бюджет даромадларини шакллантириш манбаларидан бири сифатида ер қаъридан фойдаланганлик учун тўловлар концепциясини ишлаб чиққан, ер қаъридан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш, тўлаш ҳамда тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назорат қилиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларнинг молиявий-ҳуқуқий моҳиятини аниқлаб берган, ер қаъридан фойдаланганлик учун мунтазам тўловларнинг ҳуқуқий тузилмаларининг мазмунини ўрганиш ва уларнинг ҳуқуқий табиати хусусиятларини кўрсатиб берган, ер қаъридан фойдаланганлик учун бир марталик тўловларнинг ҳуқуқий тузилмаларининг мазмунини ва уларнинг

³⁹ Ибраҳим Мустафа Али Ибраҳим. Развитие налогообложения добычи углеводородного сырья в труднодоступных российских месторождениях в условиях волатильности цен на нефть. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2020.

хукукий табиати хусусиятларини аниқлаган, ер қаъридан фойдаланганлик учун тўловларнинг асосий функцияларини ёритиб берган”⁴⁰.

Бундан ташқари, ушбу олима ўз тадқиқотларида ер қаъридан фойдаланганлик учун бир марталик тўловнинг энг кам қийматини ҳисоблаш услубини таклиф қилиб, уни ҳисоблаш механизмини соддалаштиришга ҳисса қўшган, фойдали қазилмаларни қазиб олишда олинадиган солиқнинг алоҳида элементларидан фойдаланиш хусусиятларини аниқлаб берган, шунингдек, ер қаъридан фойдаланганлик учун тўловларни қонун ҳужжатлари билан тартибга солишдаги камчиликлар ва қарама-қаршилиқларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиққан”⁴¹.

Айрим тадқиқотларда ер қаъри, табиий бойликлар ва ресурсларнинг иқтисодий-техник таърифларини келтирилган. Масалан, Е.Туманова ўзининг “Ер қаъридан фойдаланишнинг хукукий асослари” номли ўқув қўлланмасида табиий бойликлар атамасини ҳам геологик, ҳам хукукий тушунча сифатида тушунтиради. Олиманинг фикрича, “табиий бойлик бу нафақат унинг таркибидаги фойдали қазилмалар бўлган геометрик ер ости маконини, балки ер қаърининг бошқа барча фойдали хусусиятларини, шу жумладан энергия ресурсларини, ер ости иншоотларини, ер қаъри объектларининг санитария-рекреацион таъсирини ва ер қаъри ҳақидаги геологик маълумотларни ҳам англатади”⁴². Бундан ташқари Е.Туманова табиий ресурслари тушунчасига ҳам ўз таърифини келтиради, яъни, “табиий ресурслар деганда ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш ва ривожлантиришнинг маълум даражасида, моддий фаолиятда бевосита иштирок этиш шаклида инсоният жамиятининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлатилиши мумкин бўлган материя ва табиат кучларининг йиғиндиси тушунилади”⁴³.

⁴⁰ Суткевич Елена Александровна. Правовое регулирование платежей за пользование недрами в российской федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2013.

⁴¹ Суткевич Елена Александровна. Правовое регулирование платежей за пользование недрами в российской федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва – 2013.

⁴² Туманова Е.Ю. Правовые основы недропользования. Учебное пособие. Ставрополь 2017. 6 стр.

⁴³ Туманова Е.Ю. Правовые основы недропользования. Учебное пособие. Ставрополь 2017. 7 стр.

“Ер қаъридаги бойлик ўз мақсадига кўра икки тоифага бўлинади: фойдаланиладиган майдонлар ва ер қаърининг фойдаланилмаётган қисмлари. Фойдаланилаётган майдонларни фойдаланиш турлари бўйича ажратиш мумкин: фойдали қазилмаларни қазиб олиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш, алоҳида муҳофаза қилинадиган геологик объектларни шакллантириш ва бошқалар”⁴⁴. Е.Туманова ўз навбатида қазиб олинган фойдали қазилмаларнинг қийматини аниқлашнинг қуйидаги усулларини кўрсатиб ўтган:

- “• қазиб олинган фойдали қазилмаларни сотишда мавжуд нархлардан келиб чиққан ҳолда;
- улгуржи нарх ва тахминий таннарх ўртасидаги фарқни қоплаш учун бюджетдан субсидиялар ҳисобга олинмаган ҳолда, амалдаги сотиш нархларидан келиб чиққан ҳолда;
- қазиб олинган фойдали қазилмаларнинг тахминий қийматидан келиб чиқиб”⁴⁵ аниқланади.

Республикамизда охириги ўттиз йилликда табиий бойликлардан самарали фойдаланиш, бу жараёни давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириб бориш йўналишида бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, Р.Абдуллахонов ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуаси ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларини, М. Машарипова бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда сув хўжалиги мажмуаси салоҳиятидан фойдаланишнинг минтақавий хусусиятларини, У.Сангирова сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни, З.Шохўжаева қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалаларини, Султонов А.С., Худойбергенов З.Я., С.А.Қўчқороваларнинг “Сув хўжалиги иқтисодиёти” дарслиги, М.Юсуповнинг қишлоқ хўжалигини давлат

⁴⁴ Туманова Е.Ю. Правовые основы недропользования. Учебное пособие. Ставрополь 2017. 7стр.

⁴⁵ Туманова Е.Ю. Правовые основы недропользования. Учебное пособие. Ставрополь 2017. 66 стр.

томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда А.Алтиевнинг ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммоларига оид илмий тадқиқотларни келтириш ўтиш мумкин⁴⁶.

Шу нарсани таъкидлаш ўринлики, табиий бойликларни солиққа тортиш, ушбу бойликлардан самарали фойдаланиш механизмларининг самарадорлигини оширишнинг молиявий механизмлари ўта мураккаб жараён хисобланади. Айни бу мураккаблик бу борадаги олиб борилган илмий тадқиқотлар ишларининг кўламига таъсир қилган. Чунки, Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидан бошлаб бугунги кунга қадар бу йўналишда жуда кам сонли илмий тадқиқот ишларини келтириш бўлади. Масалан, булар жумласига Ғ.А.Сафаровнинг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш” мавзусидаги номзодлик диссертация иши доирасидаги илмий тадқиқотлари, Д.Қурбановнинг сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа тортиш услубияти ва ундириш механизмининг такомиллаштириш билан иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация иши ҳамда “Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилона ва самарадорлик фойдаланишни

⁴⁶ Абдуллахонов Р.А. Ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуаси ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: 2003. -27 б; Машарипова М. Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда сув хўжалиги мажмуаси салоҳиятидан фойдаланишнинг минтақавий хусусиятлари. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: 2006. -24 б; Сангилова У.Р. Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: БМА, 2012. -24 б.; Шохўжаева З.С. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари. И.ф.н... дис... автореферати. – Т.: БМА, 2010. -24 б.; Султонов А.С., Худойберганов З.Я., Қўчқорова С.А. Сув хўжалиги иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007.; Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент. 2018. 52 б.; Алтиев А. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммолари. Монография –Т.: Fan, 2018, –270 б.; Сафаров Ғ. Налоговое регулирование использования природных ресурсов: зарубежный опыт и уроки для Республики Узбекистан // Актуальные проблемы современной науки (Москва). – 2004. №2, -с.125-127.; Сафаров Ғ. Табиий ресурслардан фойдаланиш учун солиқлар ва тўловларнинг назарий тамойиллари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, - 2005. -№6. – Б.11.; Сафаров Ғ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида табиий ресурслардан фойдаланишни солиққа тортишнинг аҳамияти // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2004 йил 11-12 февраль. – Т.: ТМИ, 2004. 94-97 б.; Сафаров Ғ. Табиий ресурс солиқларининг вазифалари ва уларни ресурслардан фойдаланишга таъсирини кучайтириш // Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш – принципаал муҳим устувор вазифа. Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2005 йил 27-28 май. – Т.: Солиқ академияси, 2005. 162-165 б.

молиявий дастаклар асосида рағбатлантириш такомиллаштириш” номли монографик тадқиқотлари, А.Тошқуловнинг “Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш масалалари” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш ёзилган докторлик диссертацион тадқиқотлар, Н.Джулибеков томонидан амалга оширилган “Кон-металлургия саноати корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш” мавзуси доирасидаги фалсафа докторлик диссертацион тадқиқотлари ҳамда Ш.Муминовнинг “Бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштириш методологиясини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертация иши доирасида амалга оширилган ишларни келтириш мумкин.

Ғ.А.Сафаровнинг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш” мавзусидаги номзодлик диссертация ишида корхоналар ва ташкилотлар томонидан табиий ресурслар билан боғлиқ ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган кам чиқитли инвестициялар учун рағбатлантирувчи имтиёزلарни қўллаш, табиий ресурс солиқларини ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизимида ҳам қўллашни илмий асослаган, ноқишлоқ хўжалик корхоналаридан олинаётган ер солиғини ҳисоблаб чиқиш ва ундиришда улар фойдаланаётган ернинг кадастр қийматидан ундириш механизмини жорий қилиш масаласини таклиф қилган, ер ости бойликларидан олинадиган солиқларни ҳисоблашда ҳисобга олиш усулини таклиф этган ҳамда бу солиқни ундириш механизмларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиққан.⁴⁷ Ўз навбатида Д.Қурбанов эса ўзининг диссертацион ва монографик тадқиқотлари асносида Ўзбекистонда “алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи корхоналарда сув ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида уларга сув

⁴⁷ Ғ.А.Сафаров. Хўжалик юритувчи субъектларнинг табиий ресурслардан самарали фойдаланишини солиқлар воситасида рағбатлантириш. Иқтисодиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. Т.Академия. 2006 й. 26 б.

ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш таклифини ишлаб чиққан, шунингдек, автотранспорт воситаларини ювишга ихтисослашган корхоналар учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни белгилашни асослаган, сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлашда тадбиркорлик субъектларининг йиллик ялпи тушуми 1 млрд. сўмдан ошган тақдирда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилари таркибига киритилиши таклифи”⁴⁸ни ишлаб чиққан.

Маҳаллий амалиётчи ва назарийчи иқтисодчи олим Ш.Муминов илмий тадқиқотларида эса бозор муносабатлари шароитида сув хўжалиги тизимида молиялаштириш механизмларидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ чуқур илмий тадқиқотларни амалга оширган ҳамда бир қатор илмий таклифларни ишлаб чиққан⁴⁹.

А.Тошқуловнинг “Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш масалалари” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш ёзилган докторлик диссертацион тадқиқотлари доирасида эса, “солиқ солиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари мақомини олиш учун жами даромадида ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ҳамда уни қайта ишлашдан олган даромадининг улуши солиқ даврида камида 80 фоизини ташкил этиши зарурлиги юзасидан мезоннинг киритилиш мақсадга мувофиқлиги асослаган, ягона ер солиғи бекор қилиниши ва айланмадан солиқ жорий этилиши муносабати билан 50 ва ундан ортиқ гектар суғориладиган экин майдони бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари учун умумбелгиланган тартибда солиқ солиш тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқлигини ҳамда мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни тизимлаштириш орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарида устувор фаолиятларни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизми исботланган,

⁴⁸ Д.Р.Курбанов Ўзбекистон республикасида сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш. И.ф.д (DSc)... дис... автореферати. – Т.: 2020. -38 б.

⁴⁹ Муминов Ш.Х. Бозор механизмлари асосида сув хўжалиги тизимини молиялаштириш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д (DSc)... дис... автореферати. – Т.: 2020. -38 б.

бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини рағбатлантириш мақсадида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пасайтирилган ставкаларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан янги барпо этиладиган боғ, токзор ва тутзорлар эгаллаган ерларни солиқлар воситасида рағбатлантириш зарурлигини”⁵⁰ асослаб берган.

Ўзбекистонда табиий бойликлардан фойдаланиш билан боғлиқ солиққа тортиш жараёнини илмий тадқиқ қилган энг сўнги олимлардан бири Н.К.Джулибеков эса, ўзининг “Кон-металлургия саноати корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши доирасида қуйидаги илмий янгиликларни асослаб берган: “кон-металлургия саноати корхоналари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини олтин, палладий, кумуш ва мис бўйича 15 фоиз миқдорида пасайтиришнинг мақсадга мувофиқлигини, кон-металлургия саноати корхоналарида фойда солиғини ҳисоблашда амалдаги табақалашган ставкасининг юқори даражасини халқаро амалиётга мос равишда босқичма-босқич пасайтириш орқали солиқ йиғилувчанлигини ошириш зарурлигини, халқаро тажрибадан келиб чиқиб кон-металлургия саноати корхоналарида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг амалдаги ставкасини 2025 йилгача 6 фоизгача пасайтириш зарурлигини, ҳамда асосий фондларни харид қилишга сарфланган сумманинг фойдадан ҳисобланган солиқ суммасидан чегириб қолинадиган қисмини 5 фоиздан 10 фоизгача ошириш, энергия тежамкор ҳисобланган юридик шахсларнинг асосий воситаларини фойдаланишга топширилгандан сўнг 3 йил мобайнида мол-мулк солиғидан озод қилиш ҳамда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун амортизация қилинадиган активларни олишга оид харажатлар миқдорини тўланиши лозим

⁵⁰ А.Х.Тошқулов. “Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш масалалари”. И.ф.д (DSc)... дис... автореферати. – Т.: 2021. -47 б.

бўлган фойда солиғи суммасидан камайтириш бўйича ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш зарурлиги⁵¹ни асослаб берган.

Умумий хулоса қилиб айтганда табиий бойликларни солиққа тортиш муносабатларини тадқиқотлар дунё олимлари томонидан жуда кўплаб олиб борилган бўлсада, аммо, табиий бойликларни алоҳида тадқиқотлар доирасидаги илмий ишлар унчалик кўп эмас. Албатта, фикримизча, табиий бойликларни солиққа тортиш жараёнларини тадқиқ қилиш илмий-услубий жиҳатдан анчайин мураккаб саналсада, уларни солиққа тортиш жараёнида уларнинг техноген ва физик хусусиятларини ҳам таҳлил қилишни тақозо этади.

1-боб бўйича хулоса

Жамиятнинг иқтисодий соҳаси такомиллашиб бориши биланоқ, даромад олиш шакллари ва унга мувофиқ мол-мулкнинг янги турлари пайдо бўла бошлади, ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг саноатлашув даражаси ошиб бориши эса, ишлаб чиқарувчилар томонидан табиий бойликлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш кенгайиб борди, илгари ер бойликларидан фойдаланиб келинган бўлса, ер остидаги мавжуд табиий бойликлардан ҳам фойдаланиш даражаси ошиб борди. Давлатлар ўз қонунларида ер ва ер остидаги бойликларни миллий мулк-бойлик мақоми сифатида белгилаб қўя бошлади. Уларнинг техник хусусиятлари ва жамиятга фойдалилиги-зарарлиги даражасидан келиб чиқиб улардан бошқаларга фойдаланиш ҳуқуқларини ҳам бера бошлади, аммо, маълум бир ҳақ эвазига фойдаланиш муносабатлари пайдо бўлди. Шундан қилиб, табиий бойликлар билан боғлиқ мажбурий тўловлар-солиқлар, махсус тўловлар юза келди.

Табиий бойликлар ва улардан фойдаланиш учун мажбурий тўловларнинг ижтимоий-иқтисодий асослари иқтисодий, ҳуқуқий, техник ва ижтимоий асосларга эга бўлиб, бу асослар дунёнинг аксарият давлатларида табиий

⁵¹ Н.К.Джулибеков. “Кон-металлургия саноати корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш”. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. Т. 2022 й. 57 б.

бойликларга нисбатан техник, иқтисодий, ҳуқуқий, социал муносабатлар юзага келтирилган ҳолда, унинг муҳим йўналишлари сифатида табиий бойликлар билан боғлиқ мажбурий тўловларни жорий қилиш, уни амалга ошириш ҳамда уни зарурат сифатида такомиллаштириб бориш каби жараёнлар ташкил этади.

Бу асосларни умумлаштирган ҳолда биринчи навбатда табиий бойликларнинг чекланганлиги ва уларнинг нотекис тарқалиши ҳар қайси миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасини белгилаб бериши муҳимлигини қайд этиш лозим. Табиий бойликлардан фойдаланиш, эгалик қилиш ва уларни тасарруф этиш жараёнларини солиққа тортиш ҳамда улар билан боғлиқ бошқа мажбурий тўловларни белгилаш биринчи навбатда бу табиий бойликларнинг техник, физик ва бошқа муҳим кўрсаткичли хусусиятларини аниқлаб олиш талаб этилади.

Табиий бойликларни солиққа тортиш жараёнини илмий-назарий тадқиқ қилиш, аввало ўша табиий бойликларнинг таркибий тузилиши, уларнинг миқдори, сифат кўрсаткичлари, солиқ базаси ҳисобланган физик кўрсаткичларга таъсир этувчи омилларни назарий ва амалий жиҳатдан кўриб чиқишни тақозо этади. Табиий бойликларни солиққа тортиш муносабатларини тадқиқотлар дунё олимлари томонидан жуда кўплаб олиб борилган бўлсада, аммо, табиий бойликларни алоҳида тадқиқотлар доирасидаги илмий ишлар унчалик кўп эмас. Албатта, фикримизча, табиий бойликларни солиққа тортиш жараёнларини тадқиқ қилиш илмий-услубий жиҳатдан анчайин мураккаб саналсада, уларни солиққа тортиш жараёнида уларнинг техноген ва физик хусусиятларини ҳам таҳлил қилишни тақозо этади.

II-БОБ. ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА СОЛИҚ ТИЗИМИ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1-§. Сув ресурсларини солиққа тортиш амалиётини таҳлили

Диссертацион тадқиқот ишимизнинг биринчи бобида табиий бойликлар(ресурслар)нинг муҳим тури сифатида сув ресурсларининг бир мунча техник ва бошқа хусусиятларини хусусида қисқача тўхталиб ўтган эдик. Дунё амалиётида чучук сув ҳажмининг жуда камлиги ва унга бўлган талабнинг инсонлар истеъмоли ва ишлаб чиқаришнинг муҳим хом-ашёси сифатидаги истеъмолнинг юқорилиги бу ресурслардан самарали фойдаланишнинг техник талабларидан ташқари иқтисодий воситаларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Бу воситалар сифатида фойдаланилган учун тўлов ҳамда мажбурий тартибдаги солиқ тўлови алоҳида аҳамиятга эга.

Республикамиз солиқ тизимида сувдан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилган сув ресурслари солиқ объекти сифатида белгилаган. Бунинг зарурлиги шундаки, гарчи сув ресурслари табиий тикланадиган ресурс ҳисоблансада, Республикамизнинг сув ресурслари танқис бўлган ҳудудда жойлашганлиги ва чучук сув миқдорларининг умумий сув фонди ҳажмидаги улушининг бутун дунё бўйича даражаси 2-3 фоиз атрофидалиги бу каби табиий ресурслардан ундан фойдаланувчиларнинг масъулиятини оширишнинг молиявий механизмларидан бири бу солиқ механизмлари ҳисобланади.

Солиқ ислоҳотлари доирасида ресурс солиқлари, жумладан сув солиғи маъмурчилигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида, 2020 йилдан қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳам сув солиғи тўловига ўтказилганлиги натижасида солиқ тўловчилар сони охириги 4 йилда 137,3 мингтага етиб, 40 бараварга ошди. Бундан ташқари, солиқ ҳисоботлари соддалаштирилиб, ҳисобот шакллари 7 тадан 2 тага камайтирилди ҳамда ҳар бир фаолият тури

бўйича алоҳида солиқ ставкалари белгиланиши солиқ тўловчилар томонидан ижобий қабул қилинди.

Бу ўз навбатида ушбу солиқдан бюджетга тушумларнинг тушишига ижобий таъсир кўрсатиб, 2021 йилда жами 684,4 млрд.сўм тушум таъминланиб, 2018 йилга нисбатан 5,3 бараварга ўсди.



2.1-расм. Сув ресурслари таснифи⁵².

Мутахассисларнинг фикрига кўра сув ресурсларини жойлашишига, маъмурий-ҳудудий ўрнига кўра ҳамда халқаро битимларга асосан таснифланади. Республикамизда асосий сув ресурслари манбаларини дарёларнинг сув ресурслари ташкил қилади. Буни Республикамиз ҳудудидан оқиб ўтадиган дарёлар кесимида кўрадиган бўлсак, уларнинг сув ҳажми куйидагичадир:

2.1-жадвал.

Ўзбекистонда дарё сув ресурслари⁵³

Ҳавза	Ўртача йиллик ҳажми	кўп сув	Ўзбекистонда дарё сув ресурслари		
			Йиллик оқими ҳажми м ³	Энг катта	Энг кичик
Амударё	2334		73,61	100,8	55,1
Сирдарё	1237		39,01	72,7	20,4
Жами	3571		112,62	173,5	75,5

⁵² Ҳикматов Ф.Ҳ. Орол ҳавзаси сув ресурслари, улардан самарали фойдаланиш, муҳофаза қилиш масалалари. Тошкент – 2009. ЎзМУ. Электрон ресурс.

⁵³ Манба: Ҳикматов Ф.Ҳ. Орол ҳавзаси сув ресурслари, улардан самарали фойдаланиш, муҳофаза қилиш масалалари. Тошкент – 2009. ЎзМУ. Электрон ресурс.

Келтирилган жадвалдан кўринадики, Республикамиз ҳудудидан оқиб ўтадиган Амударё ва Сирдарёнинг умумий йиллик сув ҳажми 3571 млн. куб.м.ни ташкил қилади. Республикамизда ишлаб чиқариш мақсадларида истеъмол этиладиган сув ресурсларининг ҳажми ушбу сув манбаларга тўғри келади. Ўзбекистонда атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маърузада келтирилишича, Республикамизда жами истеъмол этиладиган сув ресурсларининг 92 фоизидан кўпроғи қишлоқ хўжалигида, 5,5 фоизи маиший соҳада, 0,2 фоизи энергетика соҳасида, 0,8 фоизи балиқчилик ва 1,5 фоизи эса саноат тармоқларида истеъмол қилинмоқда.

Республикамизда 2017 йилдан бошлаб кенг қамровли ислоҳотлар йўналишида сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни солиққа тортиш борасидаги тактик йўналишларда айнан сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уни амалга оширишнинг муҳим воситалари белгилаб берилди Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги “2017 — 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2954-сонли қарорини алоҳида келтириб ўтиш мумкин. Мазкур қарорда кўрсатиб ўтилганидек, “Ҳозирги пайтда 69 та шаҳар, 335 та посёлка ва 2 902 та қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолисининг эҳтиёжлари ер ости сувлари захиралари ҳисобига қондирилмоқда. Шу билан бирга, охириги 40 — 50 йилда саноат ва қишлоқ хўжалигининг жадал ривожланиши чучук ер ости сувлари ҳолатига салбий таъсир кўрсатди, ер ости сувларини ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш юзасидан зарур назоратнинг мавжуд эмаслиги оқибатида 59 фоиз ер ости сувлари белгиланган тартибда тасдиқланмаган захиралардан олинмоқда”⁵⁴

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги “2017 — 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2954-сонли қарор

**Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларидан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланишнинг хуудлар ва истъеомол
йўналишларининг таҳлили (2021 йил учун) (млн.м3)**

Республика, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва вилоятлар	Жами олинган сув миқдори	шу жумладан							
		Сугориш, га	Саноат, коммунал ва техник эҳтиёжларга	шу жумладан					
				Энергетика		Саноат	Коммунал хўжалиги	Балиқчилик	Бошқалар
				Жами олингани	Қайтарил- масдан ишлатилгани				
Республикаси бўйича, жами:	43661,6	38452,1	4472,1	5157,6	324,7	745,5	2160,0	746,9	495,1
Амударё ҳавзаси бўйича жами	24823,0	22801,6	1284,0	2034,1	276,7	289,6	543,6	134,6	39,6
Қорақалпоғистон Республикаси	5405,5	5202,5	203,1	336,1	25,8	5,4	164,3		7,6
Хоразм вилояти	3343,6	3238,8	104,7				68,0	36,7	
Қашқадарё вилояти	4602,8	4361,3	241,5	834,6	124,9	19,0	91,0	6,6	
Бухоро вилояти	3472,3	3312,2	160,0				144,5	15,5	
Навоий вилояти	2229,5	1171,2	321,0	863,4	126,0	143,0	20,0	32,0	
Самарқанд вилояти	2412,4	2308,6	103,8			55,2	27,8	16,8	4,0
Сурхондарё вилояти	3356,9	3206,9	150,0			67,0	28,0	27,0	28,0
Сирдарё ҳавзаси бўйича жами	18838,6	15650,5	3188,1	3123,5	48,0	455,9	1616,4	612,3	455,5
Андижон вилояти	2488,0	2101,0	387,0			3,2	122,4	65,7	195,7
Наманган вилояти	2366,1	2117,1	249,0	14,0	14,0	51,2	111,3	30,7	41,8
Фарғона вилояти	3483,8	2922,8	561,0	19,5	4,0	44,2	226,1	155,8	130,9
Сирдарё вилояти	3514,9	3353,8	161,1	1480,0	10,0		24,3	126,8	
Жиззах вилояти	2219,8	2099,8	120,0				120,0		
Тошкент вилояти	4766,0	3056,0	1710,0	1610,0	20,0	357,3	1012,3	233,3	87,1

Агар, юқорида келтирилган жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак, 2021 йилнинг ўзида Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларидан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланишнинг ҳудудлар ва истеъмол йўналишларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда таҳлил қилинаётган йилда 43661,6 млн.м³ сув истеъмол қилинган бўлса, унинг 38452,1 млн.м³ суғориш, 4472,1 млн.м³ саноат, коммунал ва техник эҳтиёжларга сарфланган.

Сув ҳажмининг сув ҳавзалари бўйича кўрадиган бўлсак, амударё ҳавзаси бўйича 24823,0 млн.м³ сирдарё ҳавзаси бўйича 18838,6 млн.м³ сув ҳажмидан фойдаланилган. Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2021 йилда вилоятлар чегарасига жами 38,4 млрд.м³ сув ресурслари суғориш учун етказилган бўлиб, сув истеъмолчилари уюшмалари ҳисоботларида 12,8 млрд.м³ни (фарқи 25,6 млрд.м³, 67 %), корхоналар ҳисоботлари бўйича 6,9 млрд.м³ ташкил этиб, вазирлик маълумотларига нисбатан 31,5 млрд.м³га (82 %), СИУ маълумотларига нисбатан 5,9 млрд.м³га (46 %) кам.

Таъкидлаш керакки, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловларини ундиришда унинг манбаларига асосланади. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 144-моддасига ҳам мувофиқ, ушбу солиқ тури бўйича солиқ базасини аниқлашда ҳам сув манбаларига асосланиши қуйидаги тартибда: “сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (дастлабки) ҳисоби ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбоблар кўрсаткичлари асосида аниқланади”⁵⁵ деб белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур солиқ тури бўйича ундириш механизмларини амалий ҳолатини таҳлилини сув манбалари кесимида таҳлил қилишни лозим деб ҳисоблаймиз.

⁵⁵ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 144-моддаси

2.3-жадвал.

Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш мақсадида ер усти ва ер ости сувларининг фоизли нисбати⁵⁶

№	Солиқ тўловчилар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
	ЖАМИ	100	100	100	100	100	100	100
	Ер усти манбалари	93,3	89,2	91,1	92,8	90,7	95,1	94,2
	Ер ости манбалари	6,7	10,8	8,9	7,2	9,3	4,9	5,8

Ушбу келтирилган жадвалдан кўринадикки, Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш мақсадида ер усти ва ер ости сувларининг фоизли нисбатида ер устидан олинadиган сув манбалари катта улушни, яъни ўртача 90-94 фоизни ташкил этган ҳолда, ўз навбатида ушбу солиқ тури бўйича солиқ тушумларининг катта қисмини ер усти сув манбаларидан фойдаланadиган солиқ тўловчилар ҳиссасига тўғри келади. Агар, буни биз солиқ тўловчилар кесимида таҳлил қилadиган бўлсак қуйидаги натижаларни кўришимиз мумкин.

2.4-жадвал.

Республика бўйича солиқ тўловчилар ва солиққа тортилган сув ресурслари таркиби таҳлили⁵⁷

№	Солиқ тўловчилар	2019 йил		2020 йил		2021 йил	
		сони	Фойдаланилган сув ҳажми, млн. м ³	сони	Фойдаланилган сув ҳажми, млн. м ³	сони	Фойдаланилган сув ҳажми, млн. м ³
	ЖАМИ	3428	1,3	125 568	8,2	132 589	8,6
	Ер усти манбалари	2685	1,18	67 804	7,8	76 901	8,1
	Ер ости манбалари	743	1	57 764	0,4	55 688	0,5

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Агар, Республикамизда бўйича солиқ тўловчилар ва солиққа тортилган сув ресурслари таркиби таҳлилини 2019-2021 йиллар кесимидаги ҳолатига эътибор берадиган бўлсак, ер усти манбаларидан сув ресурсидан фойдаланиладиган солиқ тўловчилар сони 2019 йилда 2685 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 132 589 тани ташкил этган ҳолда унинг динамик ўзгариши катта миқдорга тенг бўлган. Ўз навбатида таҳлил қилинаётган йилларда ер ости манбаларидан фойдаланиладиган солиқ тўловчилар таркибида ҳам кескин ўсиш суратини кўриш мумкин, яъни уларнинг сони 2019 йилда 743 тани ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб қарийиб 60 баробарга ошган ҳолда 55 688 тани ташкил этган, бу эса солиқ тушумларининг манбалар бўйича ҳам параллел ошишига олиб келган.

Иқтисодий таҳлил усуллариغا кўра, таҳлил қилинаётган объектни ўрганишда унинг аҳамиятига эътибор бериш муҳим саналади. Шу боисдан мазкур солиқ турининг ўз гуруҳига кирувчи (ресурс солиқлари) солиқлар орасида давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги улушига баҳо бериш тақозо этилади. Буни эса қуйидаги жадвал маълумотларига таяниб таҳлил қиламиз.

2.5-жадвал.

Табиий бойликлар сирасига кирувчи ресурслардан фойдаланганлик учун Давлат бюджетига солиқларнинг ундирилиш ҳолати⁵⁸

	2019 йил		2020 йил		2021 йил		Тушум ўсиши (2021 й/ 2020 й)	
	Сумма	Жамига нисбат ан % да	Сумма	Жамига нисбата н % да	Сумма	жамига Нисбат ан % да	Сумма	% да
Давлат бюджети даромадлари	112165		132938		164681		31743	123,9
<i>шу жумладан:</i>								
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	19681	14,8	21 257	16,0	23 036	14,0	1 779	108,4
Мол-мулк солиғи	2 360	1,8	1 974	1,5	2 457	1,5	483	124,5
Ер солиғи	2 313	1,7	2 387	1,8	4 083	2,5	1 696	171,1
Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ	14693	11,1	16 417	12,3	15812	9,6	-605	96,3

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	314	0,2	479	0,4	684	0,4	206	142,9
---	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-----	-------

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ресурс тўловлари жами бюджет даромадларининг ўртача 14-15 фоизини ташкил этаётган бўлса, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бор йўғ-у 0,2-0,4 фоизни ташкил этади. Бу эса бу солиқ турининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришда даромад манбаи сифатидаги роли жуда паст эканлигидан далолат беради. Ресурс солиқ турларида кирувчи бу табиий бойликлар учун солиқ турларининг орасида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг гуруҳ ичидаги фискал аҳамияти юқорироқдир. Яъни, мазкур солиқ турининг жами давлат бюджет даромадларидаги улуши ўртача 9-10 фоизни ташкил қилади.

Албатта таъкидлаш керакки, қайсидир солиқ турининг хусусиятларини аниқлашда унинг солиқ тўловчилари сонини алоҳида таҳлил қилиш орқали ҳам аниқлаш зарур бўлади. Буни ушбу солиқ тури бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, қуйида келтирилган жадвал маълумотларига эътибор қаратишимиз лозим бўлади.

2.6-жадвал.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар сонининг динамик ўзгариши таҳлили⁵⁹

№	Худудлар	01.01.2017	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	15	24	218	6 441	6 329	6 446
2.	Андижон вилояти	39	66	282	10 385	10 693	11 235
3.	Бухоро вилояти	24	27	233	8 425	8 424	8 777
4.	Жиззах вилояти	19	29	74	6 210	7 196	7 454
5.	Қашқадарё вилояти	59	81	320	11 923	14 834	16 534
6.	Навоий вилояти	16	23	92	4 513	4 374	4 769
7.	Наманган вилояти	34	44	317	8 041	8 742	9 179

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

8.	Самарқанд вилояти	26	36	236	14 010	14 515	15 866
9.	Сурхондарё вилояти	43	68	308	8 540	9 850	10 629
10.	Сирдарё вилояти	6	16	92	6 040	6 099	6 125
11.	Тошкент вилояти	96	90	230	11 203	11 355	11 338
12.	Фарғона вилояти	94	103	473	12 854	13 380	13 982
13.	Хоразм вилояти	33	44	228	6 874	6 711	6 861
14.	Тошкент шаҳри	66	84	325	10 109	10 087	10 027
15.	Республика бўйича жами	570	735	6856	125 568	132 589	139 222

Ўзбекистон солиқ тизимида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар сонининг динамик ўзгаришини 2017-2022 йилларнинг бошига нисбатан таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилда бу кўрсаткич 570 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг бошига келиб ушбу солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар сони 139222 тани ташкил этган, яъни 244 мартага ошган. Албатта бу жуда катта динамик ўзгаришни ташкил этадики, бунга асосий сабаб сифатида янги таҳрирдаги Солиқ кодексида мазкур солиқ тури бўйича янги нормаларнинг киритилиши ҳамда республикамизда корхона ва ташкилотларнинг сонининг ошиши, айниқса қайта ишлаш корхоналари, хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг сонининг ошиши билан ҳам изоҳланади. Айнан шундай ҳолат республикамиздаги ҳудудларда ҳам шундай ҳолатни кўриш мумкин. Ҳудудлар бўйича солиқ тўловчилар сони Қашқадарё (16534 та) ва Самарқанд вилояти (15866 та)да энг кўп улушни ташкил этади. Бу ҳолат эса, ўз навбатида солиқ тушумларининг ошишига миқдорий таъсир омили сифатида ўз аҳамиятига ҳам эгадир.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар сонининг тармоқлар бўйича динамик ўзгариши таҳлили⁶⁰

№	Худудлар	01.01.2017	01.01.2018	01.01.2019	01.01.2020	01.01.2021	01.01.2022
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар, (бундан 2 ва 3-бандларда кўрсатилганлари мустасно), шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар	152	178	2 012	29 919	44 273	46 903
2.	Саноат корхоналари	291	302	874	6 856	5 727	7 697
3.	Электр станциялари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	45	41	267	336	340	593
4.	Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари	0	0	0	87 694	81 079	82 640
5.	Автотранспорт воситаларини ювиш учун ишлатилган сув ҳажми	0	0	82	468	853	1 081
6.	Алкоголсиз ичимликларни ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми	82	214	275	295	317	308
7.	Республика бўйича жами	570	735	3 428	125 568	132 589	139 222

Албатта сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар сонининг тармоқлар бўйича динамик ўзгариши таҳлили муҳим саналади. Чунки, сув ресурсларининг фойдаланиши тармоқларнинг хусусиятлари,

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

уларнинг ишлаб чиқариш технологик тузилмаси ҳамда ишлаб чиқариш қувватларига боғлиқ ҳолда истеъмол қилинади. Бу борада энг катта улушни кишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари каби корхоналар эгаллайди, яъни бу турдаги сув истеъмолчиларга жам солиқ тўловчиларнинг қарийиб 60 фоизи тўғри келиб, уларнинг сони 2022 йилнинг бошида 82640 тани ташкил қилган.

Шунингдек, саноат корхоналарининг улуши ҳам йил сайин ошиб бормоқда, уларни ушбу солиқ тўловчи сифатида сони 2017 йилнинг бошида 291 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг бошида 7697 тага етган. Бундан кўринадики, мазкур солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар сони ҳудудлар кесимида ҳам, тармоқлар кесимида ҳам ошиб бориш хусусиятига эга бўлиб, солиқ тушумлари миқдорининг ошишига ҳам таъсир кучига эга бўлиб қолмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу солиқ тури бўйича ҳудудлар ва тармоқлар бўйича солиқ тушумларини ҳам алоҳида-алоҳида таҳлил қилишимиз лозим бўлади.

2.8-жадвал.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича тушумларининг 2017-2021 йиллардаги динамик ўзгариши таҳлили⁶¹ млн. сўм.

№	Ҳудудлар	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	6 670,2	2 577,0	1 305,6	5 051,0	18 806,2
2.	Андижон вилояти	975,8	1 696,8	4 289,8	12 926,2	29 121,8
3.	Бухоро вилояти	1 560,2	1 915,4	4 593,4	22 182,7	46 275,7
4.	Жиззах вилояти	1 176,7	1 537,6	5 389,4	7 123,9	15 516,0
5.	Қашқадарё вилояти	22 124,4	10 293,0	20 364,4	35 624,2	56 790,6
6.	Навоий вилояти	24 484,0	19 837,3	53 064,8	26 693,4	37 770,6

⁶¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

7.	Наманган вилояти	2 905,7	2 217,3	7 810,1	16 865,3	28 587,7
8.	Самарқанд вилояти	1 885,1	1 752,5	6 212,1	15 863,6	31 329,1
9.	Сурхондарё вилояти	898,9	1 517,5	4 132,4	5 488,3	24 340,2
10.	Сирдарё вилояти	32 771,0	603,8	1 163,2	12 576,7	11 015,1
11.	Тошкент вилояти	50 372,1	50 077,8	134 585,2	163 402,0	191 602,3
12.	Фарғона вилояти	8 155,2	10 027,7	24 052,3	36 641,7	53 138,7
13.	Хоразм вилояти	2 095,9	3 190,2	6 154,1	16 804,4	45 436,4
14.	Тошкент шаҳри	15 366,1	21 174,6	41 348,6	49 808,0	58 490,0
15.	Республика бўйича жами	171 441,3	128 418,4	314 465,6	427 051,2	648 220,4

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича тушумларининг 2017-2021 йиллардаги ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилдаги ушбу солиқ тури бўйича 171 441,3 млн сўмлик солиқ тушумлари тушган бўлса, 2021 йилда 648 220,4 млн сўмлик пул тушумлари келиб тушган. Худудлар кесимида қарайдиган бўлсак, юқорида худди солиқ тўловчилар сингари Қашқадарё вилояти бўйича 56 790,6 млн сўм, Тошкент вилоятида 191 602,3 млн сўм, Бухоро вилоятида 46 275,7 сўмлик маблағ келиб тушган. Энг кам улуш Сирдарё вилояти (11 015,1 млн сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (18 806,2 млн сўм) ҳиссасига тўғри келган. Солиқ тўловчилар сонига параллел равишда солиқ тушумлари ҳам ошган бўлсада, аммо, худудларда саноатлашув даражаси ошиб бориши билан, у ердаги корхоналарда ишлаб чиқариш мақсадларида сув истеъмолининг даражасига мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ кесимида тушумлар ҳам ошиб борганлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумларни тармоқлар йўналишида таҳлил қиладиган бўлсак, уни куйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

2.9-жадвал.

2017-2021 йилларда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тушумларига тармоқларнинг улуши таҳлили⁶² млн. сўм.

№	Худудлар	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар, (бундан 2 ва 3-бандларда кўрсатилганлари мустасно), шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар	18 677,7	23 726,4	17 387,4	10 841,0	16 259,0
2.	Саноат корхоналари	51 601,8	81 085,9	230 542,4	232 568,3	244 391,9
3.	Электр станциялари ва коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари	91 250,9	9 942,1	25 592,1	18 228,0	18 301,3
4.	Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари	0,0	0,0	0,0	121 078,4	303 789,0
5.	Автотранспорт воситаларини ювиш учун ишлатилган сув ҳажми	179,7	229,4	1 265,2	1 636,9	3 619,6
6.	Алкоголсиз ичимликларни ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми	9 731,1	13 434,6	39 678,6	42 698,7	61 859,7
7.	Республика бўйича жами	171 441,3	128 418,4	314 465,6	427 051,2	648 220,4

Фикримизча, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тушумларини тармоқларнинг улуши кесимидаги таҳлили сув ресурсларининг ишлаб чиқаришдаги ролини ҳам кўрсатиб беради. Юқоридаги жадал маълумотлари худди солиқ тўловчилар сингари энг кўп улушни қишлоқ

⁶² Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни ўстириш (етиштириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари ташкил этганидек, тармоқлар бўйича солиқ тушумларида ҳам энг кўп улушни ушбу тармоқ эгаллаган ва 303 789,0 млн сўмлик маблағ келиб тушган. Ўз ўрнида эса, саноат корхоналаридан тушган солиқ тушумлари 244 391,9 млн сўмни ташкил этган ҳолда кейинги ўринда ушбу тармоқ корхоналари туради. Албатта, алкогольсиз ичимликларни ҳамда пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналар сони унчалик кўп бўлмасда, уларда ишлаб чиқариш технологик хусусиятлари сув ресурсларини кўп истеъмолни талаб қилади, бу ўз ўрнида улардан 2021 йилда 61 859,7 млн сўмлик солиқ тушумлари келиб тушганлиги кўриш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодексига (444 моддаси) кўра, “Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сув объектларидан сув олиш лимитларидан, сувни истеъмол қилишнинг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда яшил дарахтзорларни суғориш нормаларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда, солиқ тўловчи солиқ тўлаш назарда тутилмаган фаолият турларини амалга оширган тақдирда, солиқ базаси солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган сув ресурслари ҳажмининг ҳисобини алоҳида юритиш асосида аниқланади. Алоҳида ҳисоб юритиш имконияти бўлмаган тақдирда, солиқ базаси қайси фаолият бўйича солиқ тўлаш соф тушумнинг умумий ҳажмида назарда тутилган бўлса, ўша фаолиятдан олинадиган соф тушумнинг солиштирма ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади”⁶³.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базасини аниқлашнинг бундай тартиби солиқ суммасини аниқлаш ва уни бюджетга ундиришда бирмунча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу боисдан бугунги кунда мазкур солиқ тури бўйича солиқ тушумларини таҳлил қилишда ишлатилган

⁶³ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 144-моддаси

сув ресурсларининг физик ҳажмини тўғри аниқлашга ҳам кенг эътибор беришни талаб этади. Шу боисдан мазкур солиқ туридан солиқ тушумларини тадқиқ қилганда албатта бу муаммоларни ҳам ўрганиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу каби муаммолар ва уларнинг ечимлари билан боғлиқ илмий мулоҳазаларни диссертацион тадқиқот ишимизнинг кейинги бобида келтириб ўтаемиз.

2.2-§. Ер ресурсларини солиққа тортиш механизмнинг таҳлили

Таъкидлашимиз лозимки, ер солиғи солиқларнинг пайдо бўлиши даврдан то ҳозирги кунга қадар энг асосий солиқлардан бири ҳисобланади. Бу солиқ Қадимги Рим, Греция давлатларидан тортиб, Шарқ давлатларидаги қадимги давлатларда ва кейинчалик феодал тузум давлатларида ҳам асосий солиқ тури сифатида ўрин эгаллаган. Масалан Қадимги Римда ер солиғи мавжуд бўлиб, ушбу солиқдан солиқ тушумларини кўпайтириш ва соддалаштириш мақсадида ҳар бир ерларнинг кадастрларини аниқлаш, ҳар бир мол-мулк ва ер эгаларининг декларациялар топшириш мажбуриятлари жорий қилинган. Аслида солиқ декларациясининг ҳам пайдо бўлиши ерлардан солиқларни ўз вақтида ундириш ҳамда солиқ объектларини тўғри аниқлаш заруратидан келиб чиққан. Чунки, Рим империясига қарашли ўз ерларидан ташқари босиб олинган ерлардан солиқ ундиришнинг мураккаблашиб бориши давлатга қарашли барча ерларни рўйхатга олиш ва уларнинг жойлашуви ҳамда тури(ҳосил берадиган, денгиз бўйларидаги, чўл ва тоғли жойлардаги ерлар) бўйича рўйхатини олиб чиқилган.

Ватанимизда қадимда ва ўрта асрларда амал қилган давлатчилик ва босқинчиликлар (Эрон, Македония, Араб, Мўғул, Чор Россия босқини) даврида ҳам ер солиғи асосий солиқлардан бири бўлган. Бақтрия давлатида Аҳамонийликлар ҳукмронлик даврларда давлат хазинасига турли хил маҳсулотлардан солиқлар ундириш жорий қилинган. Ерлар бир неча табақаларга бўлинган бўлиб, улардан олинадиган солиқлар ҳам табақалаштирилган ҳолда ундирилган.

А.Темур давлат бошқаруви даврида солиқларни ундириш масаласини доим ўзининг назоратида олиб борган, сабаб солиқларнинг ошиши раиятнинг норозилиги ва унинг заифлашувига олиб келади ва ўз навбатида давлатнинг куч-қудратига салбий таъсир этади деб ҳисоблаган. Ер солиғини ундиришда эса табақалаштирилган ёндошув амал қилган. Агар, солиқ тўловчи-ер эгаси бирон саҳрони обод қилса ёки кориз (ер ости иншооти) курса, бирон боғ кўкартирса, ёхуд биронта ҳароб бўлиб ётган жойни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч қандай ўлпон олинмаган. Иккинчи йили раият уз розилиги билан берган маблағлар солиқ сифатида ҳисобга ўтаверган. Фақат фаолиятнинг учинчи йилидан солиқ қонун-қоидасига мувофиқ улардан хирож йиғилган.

Хирож солиқлари экиндан олинган ҳосил ва ерларнинг унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда олинган. Агар ерлар лалмикор ерлар тоифасига кирган бўлса, унда ҳосилнинг 1/4 қисми миқдорда солиқ ундирилган. Солиқлар пишиб етилмагунча солиқ олиш тақиқланган, агар солиқ тўловчи ўзи солиқларни ҳисоблаб ғазнага тўласа, у ҳолда солиқ тўловчилар юборилмаган. Солиқлар бўйича имтиёзларнинг қатъий амал қилиши эса бозорларда маҳсулотлар нархининг камайишига ва пулнинг қадрининг ошишига олиб келган. Шунингдек, мадрасадаги талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида эса мадрасаларга ажратилган вақф ерлардан солиқ ундиришни А.Темурнинг ўзи қатъий маън қилган ва бир чақа ҳам солиқ давлат ғазнасига келиб тушмасин деган буйруқ берган. Булардан кўринадики, А.Темур солиқ сиёсатининг адолатли ундирилиши тарафдори бўлган ва унинг амал қилинишини қатъий назорат қилиб борган.

Собиқ иттифоқ даврида "Янги иқтисодий сиёсат" даврини қамраб олган 1922-1929 йилларда ҳам солиқ тизимига бир қанча ўзгартиришлар киритиб борилди. Айниқса, бу вақтда қишлоқ хўжалигидан ундириладиган солиқлар қайта такомиллаштирилди. 1921 йилда натурал солиқлар бўйича 2 та йирик декрет қабул қилинди ва қишлоқ хўжалиги учун картошка, нон ва ёғ маҳсулотларига алоҳида натура солиғи киритилди. Шу билан биргаликда ҳам натура, ҳам рубль шаклида ундириладиган ягона ер солиғи ҳам жорий

қилинди. Ер солиғи унинг ставкалари вақти-вақти билан ўзгартирилиб борилди ва бу солиқ иттифоқнинг емирилганига қадар амал қилиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1993 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ер солиғи тўғрисида"ги қонуни⁶⁴ билан жорий қилинган. Бу қонунга кўра ер солиғини жорий этиш ва уни ундиришда унинг миқдори ушбу ер участкасининг сифати, қандай жойдалиги ва сув билан қандай таъминланганлигига қараб белгиланди. Ўз мулкида, эғалигида ёки фойдаланишида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳар йили ер солиғи тўлайдиган бўлдилар. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг қарорига биноан ижарага ер участкалари олган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига маҳаллий бюджетга ижара ҳақи тўладилар, унинг миқдори томонларнинг келишуви бўйича, лекин қонун ҳужжатларида назарда тутилган ер солиғининг бир ставкасидан кам ва уч ставкасидан кўп бўлмаган миқдорда, ерлардан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланилганда бир ставкаси миқдорида белгиланди.

Бу даврларда ер солиғини ундириш тартиблари ва механизмлари такомиллаштирилиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сон «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони⁶⁵ асосан Республикада қишлоқ хўжалиги экинзорларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг пировард меҳнат натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш ҳамда солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хил қилиш мақсадида, 1999 йилнинг 1 январидан

⁶⁴ Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 24 апрелдаги 397-І-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

⁶⁵ Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 июндаги ПФ-4116-сонли «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармони асосан ўз кучини йўқотган.

бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилди.

Мазкур фармонга асосан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари кўйидаги умумдавлат ва маҳаллий солиқларни яъни даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ва бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига фақат ягона ер солиғини тўлайдиган бўдилар.

2019 йилнинг 1 октябридан бошлаб, йил давомида қишлоқ хўжалиги корхоналари давомида 1 миллиард сўмдан ортиқ пул айланмаси ёки 50 гектардан ортиқ қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонига эга бўлган тақдирда қўшилган қиймат солиғи ва бошқа умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартиби жорий этилди. Шунингдек, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси қабул қилиниши билан, 2020 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар фақатгина ягона ер солиғи бекор қилиниб, маълум шартлар эвазига айланмадан олинадиган солиқ тўловчи сифатида ёки умумбелгиланган солиқларни тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиши белгилаб кўйилди.

Солиқ кодексига мувофиқ, “мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўловчилар деб эътироф этилади. Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи солиқ тўловчи деб эътироф этилади. Агар, ер участкаси молиявий ижара (лизинг) шартномасига мувофиқ молиявий ижарага (лизинг) берилган (олинган) бўлса, у ҳолда кўчмас мулк объектлари бўйича ижарага олувчи (лизинг олувчи) солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади”⁶⁶.

⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 425 модда.

Ўзбекистон Республикасидаги жами фойдаланиладиган ерлар майдони⁶⁷

№	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Умумий ер майдони		Экин ерлар		Кўп йиллик дарахтзорлар		Бўз ерлар		Пичанзор ва яйловлар		Жами қишлоқ хўжалик ерлари		Томорқа ерлар		Ўрмонзорлар		Боғдорчилик узумчилик ва сабзавотчилик уюшмаларининг ерлари		Бутгазорлар	Бошқа ерлар
		Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани		
1	Қорақўлғистон Республикаси	16656,1	509,5	418,1	418,1	8,5	8,5	10,2	10,2	5277,5	36,7	5714,3	473,5	47,4	35,1	1074,5	0,8	0,1	0,1	68,1	9751,7
2	Андижон	430,3	273,7	203,0	203,0	29,8	29,8	2,8	0,7	21,2	0,9	256,8	234,4	47,4	35,2	3,9	3,8	0,4	0,3		121,5
3	Бухоро	4193,7	275,0	200,8	200,8	19,8	19,8	6,9	6,9	2543,0		2770,5	227,5	58,6	45,5	334,8	1,8	0,3	0,2	45,4	984,1
4	Жиззах	2117,9	300,6	482,0	420,5	17,5	15,7	8,2	0,7	757,8		1265,5	277,8	31,7	18,0	164,1	4,8	0,1			956,5
5	Қашқадарё	2856,8	515,4	979,2	91,1	37,6	35,5	22,0	4,6	1408,4	0,1	2147,2	460,7	79,7	48,9	162,6	5,4	0,3	0,4		467,0
6	Навоий	10937,5	123,5	110,9	193,1	10,9	10,3	6,8	6,6	8745,3		8873,9	108,0	19,7	13,4	1263,2	1,8	0,6	0,3		780,1
7	Наманган	718,1	282,1	193,1	251,9	42,1	42,1	2,5	2,5	152,4		390,1	237,7	48,9	39,9	23,3	4,4	0,1	0,1		255,7
8	Самарқанд	1677,3	380,3	435,0	240,9	63,5	59,4	5,2		798,0		1301,7	311,3	86,2	62,6	13,0	6,0	0,7	0,4	0,1	275,7
9	Сурхондарё	2009,9	325,7	280,8	249,8	32,6	31,1	0,3		830,8		1144,5	272,0	62,6	50,4	233,7	3,3				596,0
10	Сирдарё	427,6	287,5	249,8	249,8	7,3	7,3	10,5	10,5	20,4		288,0	267,6	19,2	15,2	4,6	4,6	0,1	0,1		115,7
11	Тошкент	1525,4	399,7	333,7	299,5	49,1	40,8	0,8	0,4	439,9	1,4	823,5	242,1	62,3	51,4	83,5	2,6	3,6	3,6	2,1	550,4
12	Фарғона	700,0	368,3	247,7	247,7	49,5	49,5			23,5	3,9	320,7	301,1	71,6	52,9	14,6	13,4	0,9	0,9		292,7
13	Хоразм	608,2	266,2	206,3	206,3	12,6	12,6	3,8	3,8	110,2		332,9	222,7	51,2	43,1	57,5	0,3	0,1	0,1		166,5
14	Тошкент шаҳри	33,1	4,9	0,4	0,4							0,4	0,4	7,2	4,1	0,4	0,4				25,1
	Жами	44892,4	4312,4	4040,8	3284,5	380,8	362,4	80,0	46,5	21128,4	43,0	25630,0	3736,8	694,0	515,7	3433,7	53,4	7,3	6,5	115,7	15011,7

⁶⁷ Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

Агар, юқорида келтирилган 2.10-жавдалга эътибор берадиган бўлсак, республикамизда жами фойдаланиладиган ерлар майдонлари таркибида энг катта улушни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер ташкил қиладики, Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 45,4 фоизини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар эгаллаган бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб-чиқаришда асосий восита ҳисобланади. Республика ҳудудида қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерларнинг тақсимланиши табиий-иқлим омилларига биноан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади.

Шунингдек, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар ҳам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

Ер фондининг асосий қисмларидан бир бу аҳоли фойдаланишидаги ер фондлари ҳисобланади. Аҳоли пунктларининг ерлари маъмурий-ҳудудий бирлик бўлиб, давлат ер фондининг бошқа тоифаларидан ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқий ҳолати, фойдаланишнинг асосий мақсадига кўра ажралиб туради, уларга шу мақсадлар учун қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган шаҳар (посёлка) ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари киритилган. Аҳоли пунктлари ерларининг 2020 йил 1 январь ҳолатига умумий ер майдони 219,2 минг гектарни ёки жами ерларнинг 0,49 фоизини ташкил қилади. Биз ушбу бандда ерларнинг қишлоқ хўжалик мақсадларида ҳамда аҳолининг эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилишдан асосий мақсадимиз ер солиғини ундиришда бу ҳолат муҳим аҳамият касб этишидир.

2.11-жадвал.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича аҳоли фойдаланиладиган ерларнинг тақсимланиши⁶⁸

№	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Умумий ер майдони		Экин ерлар		Қўп йиллик дарахтзорлар		Бўз ерлар		Пичанзор ва яйловлар		Жами қишлоқ хўжалик ерлари		Томорка ерлар	Ўрмонзорлар		Боғдорчилик узумчилик ва сабзавотчилик уюшмаларининг ерлари		Бутазорлар	Бошқа ерлар
		Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани		Жами	шу жумладан: суғориладигани	Жами	шу жумладан: суғориладигани		
1	Қорақалпоғистон Республикаси	36,7	5,7							5,2		5,2		11,8						19,7
2	Андижон	12,0	4,6											6,7	0,2	0,2				5,1
3	Бухоро	7,8	0,8			0,1	0,1					0,1	0,1	1,3	0,1					6,3
4	Жиззах	10,3	2,1	0,1						0,3		0,4		3,0	0,1	0,1	0,1			6,7
5	Қашқадарё	11,5	3,9	0,5	0,4	0,1	0,1			0,3		0,9	0,5	5,0	0,3	0,1	0,2	0,3		5,1
6	Навоий	15,7	0,7			0,1	0,1			4,2		4,3	0,1	1,0						10,4
7	Наманган	17,4	6,7	0,1	0,1	0,3	0,3			0,1		0,5	0,5	8,0						8,9
8	Самарқанд	19,2	4,7			0,1	0,1			0,8		0,9	0,1	6,4	0,1		0,1	0,1		11,7
9	Сурхондарё	10,6	2,4			0,1	0,1					0,1	0,1	3,3						7,2
10	Сирдарё	8,1	2,1											1,9	0,8	0,8	0,1	0,1		5,3
11	Тошкент	38,3	6,5	0,2	0,2					1,3		1,5	0,2	7,9	0,8	0,3	0,1			28,0
12	Фарғона	16,7	4,1		0,1	0,1						0,1	0,1	6,6	0,3	0,3	0,1	0,1		9,6
13	Хоразм	6,4	1,5											2,3	0,1	0,1				4,0
14	Тошкент шаҳри	8,5	4,1											7,2						1,3
	Жами	219,2	49,9	0,9	0,8	0,9	0,8			12,2		14,0		72,4	2,8	1,9	0,7	0,6		129,3

⁶⁸ Ўзбекистон республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

Юқоридаги келтирилган 2.10 ва 2.11-жадваллардан кўриш мумкинки, республикада ерларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини амалга оширишда ҳамда аҳолининг турли эҳтиёжлари учун, шунингдек, томорқа хўжалигини юритиш мақсадларида фойдаланиб келинмоқдаки, бу мақсадларда фойдаланганлик учун ундирилган солиқлар тушуми ҳам давлат бюджетда (маҳаллий бюджетларда ҳам) катта улушни эгаллайди. Албатта ушбу ерларни барчаси ҳам солиққа тортилмаслиги мумкин. Шу боисдан ҳам биз солиққа тортиладиган ер участкаларининг юридик ва жисмоний шахслар кесимида таҳлилини қилишни лозим деб ҳисобладик.

2.12-жадвал

Ўзбекистонда юридик шахслар бўйича ер солиғига тортилган ер участкаларининг таҳлили⁶⁹ (минг гектар)

Худудлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	408,8	455,0	507,0	565,9	633,4	669,1	788,8
Андижон вилояти	123,3	137,2	152,8	170,4	190,4	201,0	236,8
Бухоро вилояти	1 396,8	1 553,4	1 728,7	1 925,7	2 148,6	2 266,2	2 669,2
Жиззах вилояти	616,3	685,1	761,9	847,6	943,8	994,5	1 170,7
Қашқадарё вилояти	770,3	856,4	952,4	1 059,8	1 180,5	1 244,1	1 464,6
Навоий вилояти	1 558,0	1 732,3	1 927,0	2 145,2	2 390,9	2 520,5	2 967,9
Наманган вилояти	122,0	135,7	151,1	168,4	188,2	198,6	234,1
Самарқанд вилояти	456,5	507,9	565,6	630,6	704,6	743,7	876,3
Сурхондарё вилояти	143,8	160,2	178,6	199,6	223,9	236,8	279,3
Сирдарё вилояти	491,3	546,1	607,0	674,9	750,7	790,6	930,5
Тошкент вилояти	284,1	317,1	354,8	398,8	451,4	479,4	566,9
Фарғона вилояти	155,3	173,0	192,9	215,5	241,7	255,5	301,4
Хоразм вилояти	139,1	154,7	172,2	192,0	214,5	226,4	266,7
Тошкент шаҳри	0,6	1,0	1,7	2,9	5,1	6,4	8,1
Республика бўйича жами	6 666,4	7 415,2	8 253,7	9 197,4	10 267,7	10 832,7	12 761,3

⁶⁹ Ўзбекистон республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

Жадалдан кўринадики, Ўзбекистонда юридик шахслар бўйича ер солиғига тортилган ер участкаларининг ҳажми республикамиз ва унинг ҳудудларида йил сайин ошиб борган. Чунончи, 2015 йилда унинг ҳажми 6 666,4 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 2022 йилнинг бошига келиб, 12 761,3 минг гектарни ташкил қилганлигини кўриш мумкин. Албатта бунинг асосий сабаблари сифатида қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни кўпайтириш йўналишида сайи ҳаракатларнинг натижаси бўлса, бошқа томондан янги турдаги саноат ва бошқа соҳаларга оид янги корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобига, илгари солиққа тортилмайдиган ер участкаларининг ушбу корхоналарга ишлаб чиқариш мақсадларида бириктирилиши ҳисобига рўй берган деб хулоса қилиш мумкин. Агар ушбу ҳолатни жисмоний шахслар кесимида кўрадиган бўлсак, қуйидаги жадвал асосида хулосалар олиш мумкин.

2.13-жадвал.

Ўзбекистонда жисмоний шахслар бўйича ер солиғига тортилган ер участкаларининг таҳлили⁷⁰ (минг гектар)

Ҳудудлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	41 293	44 720	59 244	86 118	87 252	90 124	91 706
Андижон вилояти	28 688	31 069	41 159	59 829	60 617	63 455	65 335
Бухоро вилояти	30 239	32 748	43 384	63 064	63 894	70 792	76 938
Жиззах вилояти	20 315	22 001	29 147	42 368	42 926	53 312	54 827
Қашқадарё вилояти	68 604	74 298	98 428	143 076	144 961	145 916	147 879
Навоий вилояти	19 497	21 115	27 973	40 662	41 198	47 895	53 082
Наманган вилояти	24 988	27 062	35 850	52 113	52 799	56 826	61 019
Самарқанд вилояти	66 396	71 907	95 260	138 472	140 296	142 280	151 720
Сурхондарё вилояти	46 610	50 478	66 872	97 206	98 487	101 350	110 192
Сирдарё вилояти	13 904	15 058	19 948	28 996	29 378	31 874	33 146
Тошкент вилояти	46 639	50 510	66 915	97 268	98 549	119 491	126 118
Фарғона вилояти	39 881	43 191	57 218	83 173	84 268	96 854	102 947
Хоразм вилояти	21 899	23 716	31 419	45 671	46 272	50 338	48 372
Тошкент шаҳри	4 047	4 383	5 807	8 441	8 552	8 676	22 216
Республика бўйича жами	472 999	512 258	678 622	986 456	999 449	1 079 184	1 145 498

⁷⁰ Ўзбекистон республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

2.13-жадвал маълумотлари шундан далолат берадику, 2015-2021 йиллар оралиғида Ўзбекистонда жисмоний шахслар бўйича ер солиғига тортилган ер участкаларининг ҳажми 472 999 минг гектардан 1 145 498 минг гектаргача ошган, агар, ер участкалари учун ер солиғи ставкаларининг прогрессив солиққа тортиш нуқтаи назаридан индексация қилиб борилишини назарда тутадиган бўлсак, ўз навбатида ер солиғи бўйича солиқ тушумларининг ҳам миқдорий омиллар ҳисобига ошганлигига таъсир қилган деган илмий хулосалар қилишга имкон беради.

2.14-жадвал.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларининг 2015-2021 йилларга давлат бюджетига тушиши таҳлили⁷¹ (млн сўм)

Худудлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	28 413,2	43 777,5	51 265,6	80 220,4	124 822,8	47 012,2	115 718,5
Андижон вилояти	50 187,7	60 465,1	70 432,8	101 794,7	145 597,8	63 461,8	97 482,6
Бухоро вилояти	56 400,3	71 587,8	75 397,3	83 703,5	137 168,4	61 158,0	231 981,9
Жиззах вилояти	18 875,6	29 047,7	29 849,2	39 977,3	63 067,1	35 012,5	76 031,4
Қашқадарё вилояти	61 282,8	81 213,4	90 623,7	107 271,7	177 891,0	91 496,8	232 541,7
Навоий вилояти	40 763,2	50 585,3	51 296,7	55 129,9	74 165,0	41 635,1	178 664,7
Наманган вилояти	48 073,1	55 059,2	68 773,8	96 537,0	136 190,3	59 617,5	111 594,1
Самарқанд вилояти	68 935,5	91 759,0	118 825,3	146 100,1	209 679,8	90 436,3	181 142,1
Сурхондарё вилояти	48 161,9	60 353,1	72 544,9	97 254,0	126 903,0	51 076,4	95 888,1
Сирдарё вилояти	14 883,6	23 607,4	23 173,2	33 781,7	50 936,8	28 589,3	45 636,9
Тошкент вилояти	90 345,5	124 351,8	132 104,0	178 261,0	285 713,6	182 674,8	378 288,1
Фарғона вилояти	76 694,9	93 649,8	114 999,6	147 909,9	207 055,9	90 510,1	179 366,1
Хоразм вилояти	40 391,5	57 642,5	54 824,1	73 169,7	104 173,7	50 063,5	84 678,2
Тошкент шаҳри	106679	123584	133 628,3	263 101,9	469 926,5	276 031,5	567 142,7
Республика бўйича жами	750087,9	966684,1	087738,4	504212,9	2 313 291,8	1 168 775,7	2576 157,1

⁷¹ Ўзбекистон республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

Ўзбекистонда ер солиғи бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғининг давлат бюджетига келиб тушишининг ҳолати шундан далолат берадики, 2015 йилда унинг миқдори 750 087,9 млн сўмни, 2016 йилда 966 684,1 млн сўмни, 2017 йилда 1 087 738,4 млн сўмни, 2018 йилда 1 504 212,9 млн сўмни, 2019 йилда 2 313 291,8 млн сўмни, 2020 йилда 1 168 775,7 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда эса, 2576 157,1 млн сўмни ташкил этиб, бу таҳлил қилинаётган йиллар кесимида (яъни 2021 йилда 2015 йилга нисбатан) 3,4 мартага ошганлигини кўриш мумкин. Албатта юқорида кўриб ўтганимиздек, ер солиғи бўйича солиқ тушумларининг ҳиссасида жисмоний шахслардан олинадиган солиқни ҳам алоҳида таҳлил қилиш услубий жиҳатдан ўринлидир. Сабаби жисмоний шахсларга нисбатан ер солиғи бўйича солиқ маъмурчилиги юридик шахсларга нисбатан анчайин фарқланади.

Албатта, солиқ тушумларининг ошишининг сабаблари сифатида Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг қабул қилиши ва бошқа солиқ қонунчилигига асосан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар бўйича ер солиғи ставкалари ягона ер солиғи сингари қишлоқ хўжалиги экинзорларининг меъёрий қийматига нисбатан 0,95 фоиз миқдорда, мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги корхоналари учун мева-сабзавотчилик маҳсулотлари эгаллаган ерлар учун эса қатъий ставкада ва ер майдонининг бонитет балидан келиб чиқиб ҳисобланганлиги ҳамда йиллик пул айланмаси 1 миллиард сўмгача ҳамда суғориладиган ер майдони 50 гектаргача бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналар айланмадан олинадиган солиқ ва бошқа солиқларни тўлаш тартиби белгиланганлигини ҳам муҳим омиллар сифатида келтириш ўринлидир.

2.15-жадвал.

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларининг 2015-2021 йилларга давлат бюджетига тушиши таҳлили⁷² (млн сўм)

Худудлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	16 614,3	20 119,6	28 884,1	47 933,9	73 375,5	102 574,0	139 032,6
Андижон вилояти	27 940,0	29 065,4	44 050,0	53 910,8	67 978,6	81 808,4	90 740,1
Бухоро вилояти	22 765,9	26 545,0	32 413,3	46 537,0	32 361,1	73 588,0	98 469,2
Жиззах вилояти	9 451,0	13 010,3	19 543,1	23 305,4	79 594,3	48 033,3	61 885,9
Қашқадарё вилояти	24 417,7	30 456,3	44 109,0	51 302,1	18 121,1	93 036,7	138 649,5
Навоий вилояти	9 491,1	11 310,7	13 262,9	15 531,2	71 701,7	23 993,8	29 590,9
Наманган вилояти	28 216,9	32 117,3	45 799,9	57 486,4	92 652,7	92 282,9	102 279,5
Самарқанд вилояти	37 158,9	44 165,9	62 527,9	75 793,6	75 359,0	98 796,4	140 483,0
Сурхондарё вилояти	30 088,1	32 684,2	43 347,4	52 546,1	21 411,3	92 383,4	128 429,2
Сирдарё вилояти	6 829,1	8 384,5	11 252,4	14 628,4	70 149,1	28 210,4	30 279,5
Тошкент вилояти	30 457,4	39 498,9	49 190,5	61 648,5	85 422,0	111 713,0	148 114,5
Фарғона вилояти	42 508,2	47 189,8	58 081,0	71 305,5	98 780,8	111 189,7	135 097,3
Хоразм вилояти	22 183,3	26 057,3	31 752,7	37 786,8	47 276,8	57 286,3	87 575,3
Тошкент шаҳри	35 085,1	42 152,3	47 661,9	55 730,0	71 256,1	82 740,5	110 998,7
Республика бўйича жами	343 206,9	402 757,5	531 876,2	665 445,7	905 440,2	1 097 636,8	1 441 625,2

Ўзбекистонда ер солиғи бўйича жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғининг давлат бюджетига келиб тушишининг ҳолатини таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йилда унинг миқдори 343 206,9 млн сўмни, 2016 йилда 402 757,5 млн сўмни, 2017 йилда 531 876,2 млн сўмни, 2018 йилда 665 445,7 млн сўмни, 2019 йилда 905 440,2 млн сўмни, 2020 йилда 1 097 636,8 млн сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда эса, 1 441 625,2 млн сўмни ташкил этиб, бу таҳлил қилинаётган йиллар кесимида (яъни 2021 йилда 2015 йилга нисбатан) 4,2 мартага ошган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича тушумларининг ошишига кейинги йилларда ҳукумат

⁷² Ўзбекистон республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

тарафидан қонунчилик базасининг мустаҳкамланиши, ерлардан самарасиз ва ноқонуний тарзда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, айниқса ердан фойдаланиш ва ер участкаларини фойдаланишга беришга қаратилган механизмларнинг такомиллаштирилиши ижобий самарасини бера бошлади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сонли қарорларининг қабул қилиниши ҳуқуқий-услубий ва фискал жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур меъёрий ҳужжатларга кўра, “2021 йил 1 августдан бошлаб, ер участкалари хусусий секторга — мулк ва ижара ҳуқуқи асосида, давлат органлари, муассасалари, корхоналари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ва давлат ташкилотларига ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилиши, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, доимий эгалик, вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ер ажратиш тартиби бекор қилинади, бунда илгари ажратилган ер участкаларига бўлган бундай ҳуқуқлар уларнинг эгаларида амалдаги тартибда сақланиб қолиниши, ижарага олинган ер участкасида қонунчиликда белгиланган тартибда қурилган кўчмас мулк объектига мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектга мулк ҳуқуқи билан биргаликда у жойлашган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи ҳам янги мулкдорга ўтказилиши, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари иштирок эта оладиган очик электрон танлов яқунларига кўра, фақат ижара ҳуқуқи асосида ажратилади

кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилиниши механизмларининг жорий этилиши”⁷³ ҳисобига ер солиғини тўловчиларнинг ҳаққоний ҳисобга олинишига ва улардан тушадиган солиқ тушумларининг ошишига олиб келди. Солиқ тўловчилар сонининг ошиши динамикасида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Буни эса юридик ва жисмоний шахслар кесимида қуйида келтирилаётган жадваллар асосида кўришимиз мумкин.

2.16-жадвал

Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ тўловчиларнинг 2016-2021 йиллар кесимида динамик таҳлили⁷⁴ (та)

Ҳудудлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Қорақалпоғистон Республикаси	8 004	9 007	9 832	10 236	9 288	10 127	10 148
Андижон вилояти	10 001	11 254	12 285	12 790	11 606	12 654	12 680
Бухоро вилояти	8 096	9 109	9 944	10 353	9 394	10 243	10 264
Жиззах вилояти	9 645	10 853	11 847	12 334	11 192	12 203	12 228
Қашқадарё вилояти	15 393	17 321	18 908	19 685	17 863	19 476	19 516
Навоий вилояти	5 077	5 713	6 237	6 493	5 892	6 424	6 437
Наманган вилояти	8 043	9 050	9 879	10 285	9 333	10 176	10 197
Самарқанд вилояти	14 107	15 874	17 329	18 041	16 371	17 849	17 886
Сурхондарё вилояти	8 843	9 950	10 862	11 308	10 261	11 188	11 211
Сирдарё вилояти	5 335	6 003	6 553	6 823	6 191	6 750	6 764
Тошкент вилояти	12 980	14 605	15 944	16 599	15 062	16 422	16 456
Фарғона вилояти	12 816	14 421	15 743	16 390	14 872	16 216	16 249
Хоразм вилояти	7 876	8 863	9 675	10 072	9 140	9 966	9 986
Тошкент шаҳри	8 570	9 643	10 528	10 959	9 946	10 845	10 866
Республика бўйича жами	134 786	151 666	165 566	172 368	156 411	170 539	170 888

2.16-жадвал маълумотлари бизга шундай хулоса қилишга имкон берадики, унга кўра, таҳлил қилинаётган йиллар (2016-2021) давомида юридик шахслар орасида солиқ тўловчи мақомига эга бўлганлар сони ошиб борган.

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сонли қарори

⁷⁴ Ўзбекистон республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

2016 йилда уларнинг сони 134 786 та бўлган бўлса, 2022 йилнинг бошига келиб уларнинг сони 170 888 тани ташкил этган ҳолда охириги беш йил давомида 36102 тага ёки 26,7 фоизга ошган. Бундан ташқари қонунчиликка мувофиқ, “Ер тоифасидан қатъий назар барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига ва чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўриш”⁷⁵ каби механизмларнинг кучайтирилиши ҳамда ердан қонуний фойдаланишни кучайтириш мақсадида прокуратура органлари зиммасига “ер участкаларини ажратиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги муомаласига киритиш билан боғлиқ республика ва маҳаллий дастурларда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан мунтазам назорат ўрнатиш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон — «E-qaror» тизимини доимий равишда мониторинг қилиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган қарорларга нисбатан таъсир чораларини кўриб бориш, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаш ва улардан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш”⁷⁶ каби вазифаларнинг юклатилиши ва унинг амалий натижалари албатта, ер солиғи бўйича солиқ тўловчилар сонининг ошиши ва натижада солиқ тушумларининг йиғилувчанлик даражасининг ошишига ҳам ижобий таъсир этди.

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони

⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сонли қарори

2.17-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлар қисмининг шаклланишига табиий бойликлардан олинadиган солиқларнинг 2019-2021 йиллар кесмидаги улуши⁷⁷

(млрд. сўм)

	2019 йил		2020 йил		2021 йил		Тушум ўсиши (2021 й/ 2019 й)		Тушум ўсиши (2021 й/ 2020 й)	
	сумма	жамига нисбатан % да	сумма	жамига нисбатан % да	сумма	жамига нисбатан % да	сумма	% да	сумма	% да
Давлат бюджети даромадлари	112165		132 938		164 681		52 516	146,8	31 743	123,9
<i>шу жумладан:</i>										
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	19 681	14,8	21257	16,0	23036	14,0	3356	117,1	1779	108,4
Мол-мулк солиғи	2 360	1,8	1974	1,5	2457	1,5	97	104,1	483	124,5
Ер солиғи	2 313	1,7	2 87	1,8	4083	2,5	1770	176,5	1696	171,1
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	14 693	11,1	16417	12,3	15 812	9,6	1119	107,6	-605	96,3
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	314	0,2	479	0,4	684	0,4	370	217,6	206	142,9

⁷⁷ Ўзбекистон республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

Табиий бойликлардан олинадиган солиқлар одатда иқтисодий жиҳатдан ресурс солиқлари ҳам юритилади.⁷⁸ Бу солиқларнинг давлат бюджетдаги улушини таҳлил қиладиган бўлсак, гарчи юқоридаги жадвалда акс эттирилмаган бўлсада, охириги ўн беш йиллик ичида ҳам ер солиғининг жами бюджет даромадларидаги улуши унчалик катта улушни эгалламаган. Масалан, ер солиғининг 2005 йилда бу солиқнинг бюджет даромадларидаги улуши 2,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 2,0 фоизни ташкил этган. Шунингдек, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ турида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Табиий бойликлар жумласига кирувчи ресурслардан олинадиган солиқлар бўйича йиллар давомида солиқ тушумлари ошиб борган бўлсада, бошқа эгри солиқлар, жумладан, қўшилган қиймат ва акциз солиғининг улушининг ошиб бориши ҳисобига бу солиқларнинг бюджетдаги улуши камайиш, баъзи ҳолларда турғун ҳолда бўлиб келмоқда. Бутун дунёда ер участкаларига солиқ солиш прогрессив характерга эга. Чунки, солиқлар тикланмайдиган ресурслардан самарали фойдаланиш ва уларга эҳтиёткорлик асосида ёндошишга ундайди. Бундан ташқари ерлар кадастр усули бўйича солиққа тортиладиги, бу усулда солиқ тушумлари ер участкаларидан олинган даромадлилик даражасига боғлиқ эмас.

Диссертацион тадқиқотимизнинг мазкур банди бўйича амалга оширган тадқиқотларимизни диссертация ҳажмига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, **умумий хулоса тарзда таъкидлаш мумкинки**, ер солиғи бу қадимий солиқлар сифатида бутун дунёдаги деярли барча давлатларда бюджет-солиқ сиёсатининг марказида бўлиб келмоқда, давлатлар ерга бўлган иқтисодий муносабатларини белгилашда ундан фойдаланганлик учун тўловларни белгилаш ва ундиришга кенг аҳамият бериб келмоқда, ер ресурсларига нисбатан солиқ сиёсатини юритишда прогрессив принципларини қўлламоқда, ундан фойдаланишни рағбатлантириш ва тартибга солишнинг муҳим

⁷⁸ Ўзбекистон Молия вазирлиги томонидан ҳам бюджетга солиқ тушумлари гуруҳланганда ана шундай ёндошади.

молиявий инструментлари сифатида солиқ ставкаларини ошириш асосида ердан фойдаланувчиларнинг масъулиятини оширишга қаратилган ёндошувлар устунлик қилиб келмоқда. Айнан, ушбу ёндошувлар Ўзбекистон солиқ сиёсатида ҳам алоҳида ўрин эгалламоқдаки, бу фикримизга юқорида амалга оширган таҳлилларимиз иқтисодий асос бўлиб хизмат қилади.

2.3-§. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ундириш тартиби ва унинг таҳлили

Таъкидлаш керакки, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни жорий этишнинг икки муҳим хусусияти мавжуддир. Биринчиси, ер қаърининг фойдали хом-ашёси (маҳсулоти) чекланган (қайта тикланиши узоқ геологик вақтини олиши), улар ҳар қайси миллий иқтисодиёт учун ҳал қилувчи ролга эгаллиги, қолаверса, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилашда муҳим таъсирчан омил бўлса, иккинчидан давлатнинг молиявий сиёсатида давлат бюджети ва бошқа давлат мақсадли жамғармалари учун ўта муҳим молиявий манба ва ресурс ҳисобланади. Табиий бойликларнинг техник-иқтисодий хусусиятлари давлатларнинг бу ресурсларга бўлган солиқ сиёсатининг ўзагини ҳам белгилаб беради деб хулоса қилиш мумкин.

Аввал таъкидлаганимиздек, табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган муҳим восита – бу давлат томонидан табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ турли хил тўловларни жорий этиш ва улардан муҳим молиявий дастак сифатида фойдаланишдир. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин республикамиз ҳудудидаги барча табиий, ер ости бойликлари давлатимиз тасарруфига ўтди. Ўзбекистон заминида жуда улкан ва ноёб, ҳали ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган минерал хом-ашё ресурслари тўпланган. Ўзбекистонда 100 га яқин, аниқроғи 95 турдаги минерал хом-ашёни ўзида мужассам этган 2700 та кон аниқланган. Амалда Менделеев даврий жадвалидаги барча элементлар республикамизда мавжуд.

Мамлакатнинг умумий хом-ашё салоҳияти 3,3 триллион АҚШ доллари

миқдорида баҳоланмоқда. Мавжуд конлардан ҳар йили 5,5 млрд. АҚШ долларига тенг фойдали қазилмалар қазиб олинмоқда. Республикамиз қонунчилигига кўра мавжуд ер ости бойликлари умумдават мулки ҳисобланади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни жорий этилишидан асосий мақсад – умумдават мулки ҳисобланган ер ости бойликларидан оқилона тарзда бутун жамият аъзоларини ва келажак авлод манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Ўзбекистонда 2002 йил 13 декабрда “Ер ости бойликлари тўғрисида” ги Қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди ва ушбу қонуннинг асосий вазифаси бўлиб, ер ости бойликларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги белгиланди.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига кўра ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ умумдават солиқлари таркибига киради. Ушбу солиқ табиий бойликлардан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлаш билан бирга соф фискал вазифани ҳам бажаради. Республикамизда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ер ости бойликларининг 53 турига нисбатан белгиланган бўлсада, бюджетга солиқ тушуми фақатгина 4-5 турдаги ер ости бойликларига мутлоқ равишда боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Солиққа тортиш мақсадида ер ости бойликлари деганда ер қобиғининг юқори қисмини қамраб оладиган ҳамда фойдали қазилмаларни тадқиқ қилиш ва қазиб олиш мумкин бўлган макон, фойдали қазилмалар деганда - иқтисодий ва соғломлаштириш аҳамиятига эга геологик ҳосилалар қаралади. Таркибида рангли, нодир, асл, қора металллар ва бошқа минерал хом ашё бўлган рудаларни бир корхона қазиб олиб, уни бундан кейин қайта ишлаш учун бошқа корхоналарга берса (экспорт бундан мустасно), қазиб олинадиган рудани қайта ишлайдиган ва солиқ ставкаси белгиланган тайёр маҳсулот чиқарадиган корхона солиқ тўловчи ҳисобланади.

Масалан, Олмалик мис қазиб олиш корхонаси таркибида мис бўлган,

қазиб олинган рудани бойитиш фабрикасига беради, фабрика бойитилган рудани Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатининг мис эритиш заводига топширади. Комбинат тайёр маҳсулот - тозаланган мис чиқаради, солиқ ставкаси ҳам унга белгиланган. Мазкур ҳолатда рудани қазиб олувчи корхона эмас, балки тозаланган мисни олганлик учун комбинат солиқ тўловчи ҳисобланади.

Республикамизда ушбу солиқни давлат бюджетига таъминлаб берувчи энг йирик солиқ тўловчилар бўлиб, Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати, Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводлари, Шўртан ва Муборак газни қайта ишлайдиган заводлари, Навоий олтинни қайта ишлайдиган корхона шунингдек, Ангрен кўмир қазиб олувчи корхона ва бошқа шу каби ер ости бойликларини қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи йирик корхоналар ҳисобланади. Руда қайта ишлаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига юклаб жўнатилган ёки экспорт қилинган тақдирда рудани қазиб олган корхона солиқ тўловчи бўлиб ҳисобланади.

2.18-жадвал.

Ер қаъридан олинган муҳим стратегик ва норуда маҳсулотларни солиққа тортилиши ҳолатининг 2017-2022 йилларга оид ҳолати таҳлили⁷⁹

Т/р	Тайёр маҳсулот	Ўлчов бирлиги	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил кутилаётган
1	ЯИМ	млрд.сў м	249100	407510	511800	580200	717918	760 275,4
2	Ҳисобланган солиқ	млрд.сў м	НКМК ва ОКМК АЖ маълумотлари мавжуд эмас		12471,7	15 528,8	14 753,1	14 403,5
	Тушум	млрд.сў м	2 504,7	4 283,8	14 692,9	16 429,6	14 940,7	14 586,6
3	ЯИМдаги улуши (тушум бўйича)	%	1,0	1,1	2,9	2,8	2,1	1,9
I.	Олтин							

⁷⁹ Ўзбекистон республикаси Геология давлат қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

1.1.	қазилма ҳажми	минг.кг	Маълумотлар мавжуд эмас		15,2	95,3	98,5	103,9
1.2.	солиқ базаси	млрд.сў м			36 128,7	55 217,5	60 510,7	68 938,6
1.3.	солиқ ставкаси	%			25	20	15	10
1.4.	ҳисобланган солиқ	млрд.сў м			9 032,2	110435	9 076,6	6 893,9
II.	Мис							
2.1.	қазилма ҳажми	минг.тн	106,6	109,5	108,2	125,2	121,9	129,2
2.2.	солиқ базаси	млрд.сў м	2 077,0	4 246,2	4 675,6	7 123,9	11 113,1	11 780,1
2.3.	солиқ ставкаси	%	8	30	15	15	15	15
2.4.	ҳисобланган солиқ	млрд.сў м	168,2	854,3	701,3	1 068,6	1 667,0	1 767,0
III.	Уран							
3.1.	қазилма ҳажми	минг.тн	Маълумотлар мавжуд эмас		3,5	3,5	3,5	3,5
3.2.	солиқ базаси	млрд.сў м			2 053,4	2 735,2	2 894,3	2 875,8
3.3.	солиқ ставкаси	%			10	10	10	10
3.4.	ҳисобланган солиқ	млрд.сў м			205,3	273,5	289,4	287,6
IV.	Кумуш							
4.1.	қазилма ҳажми	тн	Маълумотлар мавжуд эмас		96105	125,4	120,0	169,0
4.2.	солиқ базаси	млрд.сў м			537,3	842,1	1 034,1	1 456,3
4.3.	солиқ ставкаси	%			25	20	15	15
4.4.	ҳисобланган солиқ	млрд.сў м			134,3	168,4	155,1	218,4
V.	Металл рух							
5.1.	қазилма ҳажми	тн	16 666,0	18 524,0	18 370,0	18 334,7	18 540,0	19 467,0
5.2.	солиқ базаси	млрд.сў м	222,0	383,2	379,0	380,5	506,0	531,3
5.3.	солиқ ставкаси	%	4,0	20,0	10,0	10,0	10,9	7,0
5.4.	ҳисобланган солиқ	млрд.сў м	8,8	44,7	37,9	38,1	50,6	37,2
VI.	Газ							
6.1.	қазилма ҳажми	млн.м³	39320,8	35 402,2	33518,7	36412,2	34686,6	36 277,3
6.2.	солиқ базаси	млрд.сў м	1 894,7	2 262,5	6 508,8	10 779,6	10 105,3	10 568,7
6.3.	ҳисобланган солиқ	млрд.сў м	568,4	678,7	1 504,6	1 830,6	1 740,3	1 585,3
VII.	Нефть							
7.1.	қазилма ҳажми	млн.тн	60,4	61,8	69,4	75,0	86,1	94,7
7.2.	солиқ базаси	млрд.сў м	178,9	450,4	802,9	1 291,4	2 865,9	3 152,5
7.3.	ҳисобланган солиқ	млрд.сў м	35,8	90,1	148,3	203,9	448,8	472,9
VII I.	Конденсат							
8.1.	қазилма ҳажми	млн.тн	0,7	0,7	0,7	0,8	3,3	3,7
8.1.	солиқ базаси	млрд.сў м	202,3	316 112,7	542,0	1 256,3	2 228,8	2 451,6

8.3.	ҳисобланган солиқ	млрд.сў м	40,5	63 222,5	99,4	198,0	350,9	245,2
IX.	Норуда фойдали қазилмалар							
9.1.	қазилма ҳажми	МИНГ ТН, м ³	36,1	55,5	52,9	39,1	42,2	47,3
9.2.	ҳисобланган солиқ	млрд.сў м	344,4	459,3	540,3	665,4	830,5	643,1

Мазкур жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртача 2017 йилда ўртача 1 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу солиқнинг улуши кескин ошган ҳолда қарийиб 3,0 атрофида бўлган, кейинги йилларда эса, ўртача 2,0 фоиз атрофида бўлган. Агар буни муҳим стратегик маҳсулотлар: олтин, мис, уран, кумуш, металл рух, газ, конденсат ҳамда норуда фойдали қазилмалар кесимда ҳам ушбу маҳсулотлар бўйича солиқ тушумлари барчаси бўйича таҳлил қилинаётган йиллар кесимида ошиб борган.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг асосий вазифаларидан бири геология-қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш орқали юқори даражада қўшимча қиймат яратишдан иборат. Бугунги кунда фойдали қазилмаларининг турлари бўйича захира ва ресурсларни 20 тургача кўпайтириш ҳамда ривожлантириш дастурларига 2022 йилда 1 000,0 млрд.сўм, 2023 йилда 2 127,5 млрд.сўм ҳамда 2024 йилда 2 446,6 млрд.сўм маблағ ажратиш устувор вазифа қилиб белгиланган. Шунингдек, ер усти тоғ-кон геология қидирув ишлари ҳажмини 2022 йилда 280,9 минг метр кубга, 2023 йилда 385,0 минг метр кубга, 2024 йилда 407,0 минг метр кубга етказиш белгиланган⁸⁰.

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-73-сон қарори.

2.19-жадвал

2020-2021 йилларда ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳажми ҳамда ҳисобланган солиқлар таҳлили⁸¹ (млрд.сўм)

Т/р	Фойдали қазилмалар гуруҳи	2020 йил ҳолатига			2021 йил ҳолатига			Фарқи		
		Қазиб олганлар сони	Қазилма ҳажми (минг тонна)	Ҳисобланган солиқ суммаси	Қазиб олганлар сони	Қазилма ҳажми (минг тонна)	Ҳисобланган солиқ суммаси	Қазиб олганлар сони	Қазилма ҳажми (минг тонна)	Ҳисобланган солиқ суммаси
Жами фойдали қазилмалар бўйича		1 238	17 135 403,3	6 653,0	1 349	23 939 071,8	8 564,5	111	6 803 668,5	1 911,5
1	Энергия манбалари	34	16 932 896,6	952,2	31	20 432 908,8	1 574,4	-3	3 500 012,2	622,2
2	Рангли, нодир ва радиоактив металллар	8	96,8	579,2	8	125,9	1 179,2	0	29,1	600,0
3	Асл металллар	6	45,7	4 852,6	6	56,9	5 315,4	0	11,2	462,9
4	Қурилиш материаллари	1094	200 994,8	263,1	1227	774 506,0	485,6	133	573 511,2	222,5
5	Кон-кимё хом ашёси	43	861,7	3,2	18	2 712 851,2	2,4	-25	2 711 989,4	-0,8
6	Кон-руда хом ашёси	50	343,6	1,6	56	18 365,9	2,8	6	18 022,3	1,2
7	Қора металллар	2	150,3	1,2	2	255,6	4,7	0	105,3	3,5
8	Техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олинган фойдали қазилмалар	1	13,8	0,0	1	1,5	0,0	0	-12,3	0,0

⁸¹ Ўзбекистон республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

Бундан ташқари сўнгги икки йил давомида кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналарини жадал ривожлантириш, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган узоқ муддатли дастурлар қабул қилинди. 2026 йилгача “Навоий КМК” ДКда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 30 фоизга, “Олмалиқ КМК” АЖга 2,9 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этиш ва 2023 йилгача мис ишлаб чиқариш ҳажмини 28 фоизга, рух ишлаб чиқариш ҳажмини 75 фоизга ошириш кўзда тутилган⁸². Бу эса, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ундириш механизмини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

2.19-жадвал маълумотлари энергия манбалари сифатида табиий газ, нефт, конденсат назарда тутилган бўлса, рангли, нодир ва радиоактив металлар сифатида тозаланган мис, уран, металл рух, асл металлар жумласига кирувчи олтин, кумуш, палладий, платина ҳамда кон-кимё хом ашёси сифатида эса калий тузи, тош туз, сульфат тузи, карбонат хом ашёси кабиларни қазиб олиш билан 2020 йилда жами фойдали қазилмалар бўйича солиқ тўловчилар сони 1 238 тани ташкил этган бўлса, ушбу йилда 17 135 403,3 минг тонналик қазилма бойликлардан фойдаланган, 2021 йилда эса солиқ тўловчилар (қазилма қазиб олганлар) сони 1 349 тани ташкил қилган ҳолда 2021 йилга нисбатан 111 тага ошган.

Бунинг натижасида 2021 йилда 1 911,5 млрд сўмлик кўпроқ солиқ тушумлари ҳисобланган. Агар, буни маҳсулот турлари бўйича кўрадиган бўлсак, энг катта улушни қуриш материаллари ташкил қилмоқдаки, ушбу материалларни қазиб олганлар сони 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 133 тага кўп бўлган ҳолда бюджетга ҳисобланган солиқ тушумлари эса, 222,5 млрд сўмдан ортиқ бўлган. Кейинги ўринларда эса энергия манбалари, кон хом ашё ҳамда кон руда маҳсулотлари бўйича солиқ тушумлари кўпроқ миқдорни ташкил этган ҳамда уларни қазиб олганлар сони ҳам ҳар икки йилда ҳам сони ошиб борган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ер қаъри қазилмалари ва

⁸² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4121-сон қарори.

улардан фойдаланишга оид ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунига қараб солиқ тўловчилар сони ҳам шаклланади.

Маълумки, Солиқ кодекси (449 моддаси)га мувофиқ ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг тўловчилари сифатида “ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олувчи, минерал хом ашёдан ва (ёки) техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олувчи ер қаъридан фойдаланувчилар ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни солиқ тўловчилар шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида конларни кидиришни, фойдали қазилмаларни қазиб олишни, минерал хом ашёдан ва техноген минерал ҳосилалардан фойдали компонентларни ажратиб олишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар солиқ солиш мақсадида ер қаъридан фойдаланувчилар тўловчилари”⁸³ бўлиб ҳисобланади. Бироқ, қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахслар қимматбаҳо металлларни олтин изловчилар усулида қазиб олишга доир фаолияти бўйича солиқ тўловчи саналмайди.

2.20-жадвал

Ўзбекистон солиқ тизимида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўловчиси ҳисобланган юридик шахслар сонининг 2016-2022 йилларда динамик ўзгариши таҳлили⁸⁴ (йил бошига, та)

Ҳудудлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Қорақалпоғистон Республикаси	72	77	79	98	102	101	130
Андижон вилояти	62	62	64	78	97	86	95
Бухоро вилояти	75	78	82	77	80	81	101
Жиззах вилояти	31	34	36	58	60	61	100
Қашқадарё вилояти	132	152	213	167	158	139	190
Навоий вилояти	72	79	85	99	126	118	148
Наманган вилояти	72	75	89	94	107	118	142
Самарқанд вилояти	61	67	89	113	150	147	200

⁸³ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 449 модда.

⁸⁴ Ўзбекистон республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

Сурхондарё вилояти	90	97	124	113	133	137	155
Сирдарё вилояти	18	21	20	36	42	40	48
Тошкент вилояти	133	140	135	167	184	200	261
Фарғона вилояти	63	66	67	85	103	108	127
Хоразм вилояти	38	42	69	126	132	123	109
Тошкент шаҳри	41	45	43	54	61	69	17
ЙСТ бўйича ХДСИ*	0	0	0	36	53	54	59
Республика бўйича жами	960	1035	1195	1365	1535	1528	1823

15-жадвал шундан далолат берадики, Ўзбекистон солиқ тизимида ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тўловчиси ҳисобланган юридик шахслар сони 2016-2022 йилларда ошиб бориш динамик ўзгаришида бўлиб келмоқда. Чунки, айнан мазкур солиқ тури бўйича солиқ объекти ҳисобланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ҳамда тегишли фаолият билан шуғулланувчилар сони маҳсулот турлари бўйича қазилма ҳажмлари ва солиқ базаси кўрсаткичлари бўйича ҳам йил сайин ошиб бориш тенденцияси кузатилади, ваҳоланки бу маҳсулотлар монопол мавқеига эга бўлиб, уларнинг реализацияси доимо ўсиш ҳолатида бўлади, провардида эса солиқ тўловчилар сонининг ошишига ижобий таъсир қилади.

Бу солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар сонининг таҳлил қилинаётган йилларга қарасак, уларнинг сони беш йилда қарийиб икки мартага ошган, яъни 2016 йилда 960 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг бошида уларнинг сони 1823 тани ташкил этмоқда. Бу ерда шу нарсага ҳам эътибор берадиган бўлсак, ер қаъри маҳсулотлари (хом ашёси)дан фойдаланиб фаолият кўрсатиш учун корхоналардан мураккаб фаолиятни, баъзида эса, юқори қийматдаги юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни тақозо этади, бу эса ушбу солиқ тўловчиларининг сонининг ошишига нисбий тўсқинлик қилиши мумкин, бундан ташқари бундай фаолиятларнинг аксарияти лицензияланган ҳолда фаолиятни талаб этадики, бу ҳам маълум даражада солиқ тўловчилар сонининг камайишига олиб келиши мумкин.

2.21-жадвал

2020-2021 йилларда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ундириш механизмлари элементларининг амал қилиш ҳолати таҳлили⁸⁵ (млрд сўм)

Т/ Р	Худуд номи	Ҳисобланган солиқ			Тўланган солиқ			Ортиқча тўлов			Солиқ қарзи		
		2021	2020	Фарқи	2021	2020	Фарқи	2021	2020	Фарқи	2021	2020	Фарқи
	Республика	85720	8032,4	539,6	10 117,0	9 342,0	774,9	17,4	15,9	1,5	326,4	62,3	264,1
1	Қорақалпоғистон Рес.	6,8	6,2	0,7	10,2	9,8	0,4	0,4	0,3	0,1	11,6	3,2	8,4
2	Андижон вилояти	4,9	3,7	1,2	7,2	6,1	1,1	1,1	0,6	0,5	1,8	0,6	1,2
3	Бухоро вилояти	6,0	2,9	3,1	7,5	3,3	4,2	0,2	0,3	-0,1	2,0	0,3	1,8
4	Жиззах вилояти	6,3	6,2	0,1	8,7	7,7	1,0	0,2	0,4	-0,2	0,9	0,2	0,6
5	Қашқадарё вилояти	7,6	5,0	2,6	11,4	4,6	6,8	0,5	0,3	0,2	2,3	1,0	1,3
6	Навобй вилояти	6,2	4,7	1,5	11,9	5,6	6,3	2,4	0,7	1,7	0,2	0,2	0,0
7	Наманган вилояти	6,2	4,6	1,6	7,6	5,8	1,9	0,8	0,5	0,3	1,0	0,3	0,6
8	Самарқанд вилояти	14,9	7,6	7,2	22,7	9,5	13,1	2,8	0,5	2,2	6,8	1,5	5,3
9	Сурхондарё вилояти	2,2	6,8	-4,6	4,6	1,0	3,6	0,2	0,4	-0,2	1,2	0,3	0,9
10	Сирдарё вилояти	3,3	3,3	0,0	3,8	2,4	1,4	0,3	0,2	0,1	1,7	1,1	0,6
11	Тошкент вилояти	18,6	17,3	1,3	25,2	12,9	12,2	1,7	1,3	0,4	68,8	3,5	65,3
12	Фарғона вилояти	13,8	9,6	4,2	16,2	10,9	5,3	1,4	0,7	0,7	2,8	1,2	1,6
13	Хоразм вилояти	1,4	1,6	-0,2	2,0	2,0	0,0	0,4	0,3	0,1	0,3	0,4	-0,1
14	Тошкент шаҳри	6,6	0,5	6,1	7,3	1,0	6,3	1,0	0,3	0,7	1,2	0,3	1,0
15	ЙСТ бўйича ХДСИ	8 467,2	7 952,4	514,8	9 970,7	9 259,4	711,3	4,1	9,1	-5,0	223,9	48,4	175,6

Ҳар қайси солиқ турида энг муҳим жиҳатлари бу солиқни ундириш билан боғлиқ механизмларининг таҳлили ҳисобланади. Албатта, солиққа тортиш элементлари ҳисобланган солиқ суммалари, унинг бюджетга ундирилиши, солиқ қарзи ҳамда ортиқча тўланган солиқ суммалари муҳим аҳамият касб этади.

Бу элементларининг барчаси бўйича 2021 йилда 2020 йилга нисбатан мусбат фарққа эга бўлган. Ортиқча тўловлар математик нуқтаи назаридан

⁸⁵ Ўзбекистон республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

кўпроқ бўлиши ижобий ҳолат бўлсада, аммо, кейинги прогноз муддатларининг бажарилишига салбий таъсир қилиши мумкин, шунингдек, солиқ қарзларининг ҳам 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 264,1 млрд сўмга ошиши албатта салбий ҳолат сифатида хулоса қилиш мумкин. Солиқ тури бўйича ҳисобланган солиқ суммаси солиқ базасига нисбатан ҳисоблансада, корхоналарда пул оқимларининг тўғри бошқарилиши эса ушбу ҳисобланган солиқ миқдорининг бюджетга келиб тушишига ижобий таъсир қилади. Бу кўрсаткич бўйича ҳам таҳлил қилинаётган йилларда ижобий кўрсаткич юзага келган.

2.22-жадвал

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи тушумларининг 2015-2021 йилларга давлат бюджетига тушиши таҳлили⁸⁶ (млрд сўм)

Худудлар	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Қорақалпоғистон Республикаси	44,4	43,1	52,8	191,7	221,0	15,7	14,0
Андижон вилояти	10,0	10,0	13,2	10,5	29,8	11,3	11,2
Бухоро вилояти	63,8	126,0	82,1	32,6	270,8	8,2	12,2
Жиззах вилояти	0,4	0,6	0,8	2,5	49,7	35,4	13,8
Қашқадарё вилояти	203,0	174,1	268,4	585,6	1 283,9	8,3	15,0
Навоий вилояти	1 092,3	1 252,3	1 607,8	3 736,9	7 521,0	10,9	17,4
Наманган вилояти	0,3	0,4	0,7	0,8	4,4	6,7	12,0
Самарқанд вилояти	0,6	0,8	0,8	1,6	9,2	20,2	39,1
Сурхондарё вилояти	9,7	8,6	9,7	14,0	72,2	12,6	6,2
Сирдарё вилояти	0,2	0,2	0,3	0,6	2,1	4,9	6,3
Тошкент вилояти	292,8	332,9	484,1	402,5	2 582,5	26,6	35,9
Фарғона вилояти	1,0	1,5	1,6	2,3	50,4	25,7	25,1
Хоразм вилояти	0,2	-0,2	0,1	0,1	1,6	2,8	2,4
Тошкент шаҳри	3,6	1,8	2,0	10,1	60,7	2,7	11,1
ЙСТ бўйича ХДСИ*	792,2	565,4	949,4	273,0	2 533,5	6 373,1	15 590,3
Республика бўйича жами	514,5	2 517,7	3 474,1	8 264,8	4 692,9	6 565,2	15 811,9

⁸⁶ Ўзбекистон республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи тушумларининг 2015-2021 йилларга давлат бюджетига тушишини таҳлил қиладиган бўлсак, 2015-2018 йилларда тушум миқдори ошиб борган бўлса, 2019 йилда солиқ тушуми қарийиб 1,9 мартага камайган ҳолда 2020 ва 2021 йилларда солиқ миқдори ошиб борган. Агар, буни ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, Навоий, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларининг умумий тушумдаги улуши юқори кўрсаткични эгаллади. Албатта, бу НКМК, ОТМК ҳамда Ғузор туманида жойлашган нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳисобига тўғри келганлиги кўриш мумкин, бу юқорида (18-жавдалда) келтириб ўтган эдик.

2.23-жадвал

Ўзбекнефтгаз" АЖнинг 2021-2022 йиллардаги даромад ва харажатлари ҳамда уларнинг солиқ мажмуриятларини бажаришга таъсири таҳлили⁸⁷
(млрд сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	2021 йил		Фарқи		2022 йил (бизнес режа)	Фарқи	
		(бизнес режа)	факт	сумма	%да		сумма	%да
Углеводород ресурслари								
1	Қазиб олиш:							
	Табий газ (млрд.куб)	34,1	33,9	-0,2	99,4	34,1	0,2	100,6
	Нефть (минг.т)	109,0	116,1	7,1	106,5	100,0	-16,1	86,1
	Конденсат (минг.т)	1169,9	1208,3	38,4	103,3	1 157,0	-51,3	95,8
2	Ишлаб чиқариш (минг.т)	712,4	768,1	55,7	107,8	746,9	-21,2	97,2
	Суюлтирилган газ	508,4	513,0	4,6	100,9	514,1	1,1	100,2
	Олтингугурт	204,0	255,1	51,1	125,0	232,8	-22,3	91,3
	Қайта ишланган авиакеросин	37,3	26,9	-10,4	72,1	0,0	-26,9	0,0
Молиявий кўрсаткичлари								
3	Жами даромадлар	14 967	14 696	-271	98	16 852	2 157	115
	соф тушуми	13 059	12 427	-632	95	14 547	2 121	117
	молиявий даромадлар	1 408	1 565	156	111	1 502	-63	96
	бошқа даромад	500	705	205	141	803	99	114
4	Жами харажатлар	11 665	11347	-318	97	14 423	3 075	127
	маҳсулот таннари	4 865	4 936	71	101	7 700	2 764	156

⁸⁷ Ўзбекнефтгаз" АЖнинг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

	давр харажатлар	4 328	4 451	123	103	3 974	-477	89
	молиявий харажатлари	1 890	1 479	-411	78	2 320	842	157
	фойда солиғи	583	482	-101	83	429	-53	89
5	Соф фойда	3 302	3 349	47	101	2 430	-919	73
6	Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси							
	фойдаси	8 194	7 491	-703	91	6 848	-643	91
	улуши	63%	60%	-2%		47%	-13%	78
7	Соф фойда рентабеллиги	22%	23%	1%		14%	-8%	63

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилардан энг йирик корхоналардан бири бўлган “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг молиявий кўрсаткичлари ва уларнинг мазкур солиқ тури бўйича тўловларга таъсирини таҳлил қиладиган бўлсак қуйидагиларни кўриш мумкин. Акционерлик жамиятда 2021 йилда табиий газ - 34 100 млн.куб метр газ қазиб олиш белгиланган бўлсада, амалда 33 900 млн. куб метрни ташкил қилиб, 200 млн.куб метр кам қазиб олинган, суюқ углеводородлар - нефть маҳсулоти бўйича 109 минг тонна қазиб олиш белгиланган бўлиб, амалда 116,1 минг тоннани ташкил қилиб, 7,1 млн.куб метр кўп қазиб олинган, конденсат - 1 160 минг тонна қайта ишлаш белгиланган бўлиб, амалда 1 208,3 минг тонна қайта ишлаб чиқарилган бўлиб, 48,3 минг тонна кўп ишлаб чиқарилган. Шунингдек, авиакеросин маҳсулотини 37,3 минг тонна ишлаб чиқариш белгиланган бўлса, амалда 26,9 минг тоннани ташкил этиб, 10,4 минг тонна кам ишлаб чиқарган.

“Ўзбекнефтгаз”нинг 2021 йил якунлари бўйича бухгалтерия балансида кўра, молиявий кўрсаткичлари ва бизнес режа кўрсаткичлари қуйидагича: жами даромадлар бизнес режада 14 967,0 млрд.сўм белгиланган бўлиб, амалда 14 695,7 млрд.сўмни ташкил қилган ва бизнес режага нисбатан 271,3 млрд.сўм кам даромад олинган. Соф тушум 12 426 млрд.сўм; (бизнес режада 13 059,0 млрд.сўм), молиявий фаолият даромадлари 1 564,6 млрд.сўм; (бизнес режада 1 408,0 млрд.сўм)

Жамият томонидан амалга оширилган харажатлар таҳлил қилинганда қуйидагиларни кўриш мумкин: Жами харажатлар: бизнес режада 11 665,0

млрд.сўм белгиланган бўлиб, амалда 11 347,0 млрд.сўмни ташкил қилган ва бизнес режага нисбатан 318,0 млрд.сўм кам харажат қилган. давр харажатлари 4 451 млрд.сўм; (бизнес режада 4 328,0 млрд.сўм), молиявий фаолият бўйича харажатлар 1 478,5 млрд сўм; (бизнес режада 1 890,0 млрд.сўм), соф фойда 3 349,0 млрд.сўм (бизнес режада 3 302,0 млрд.сўм)

Марказий банк ва давлат божхона органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар таҳлиliga кўра, 2020-2021-йилларда жамият ва корхоналари томонидан амалга оширилган ташқи савдо операцияларида (шартномаларида) товарларнинг фактура қийматини импорт қилувчи мамлакатда маълум қилинган қийматига нисбатан нарх оширилиши натижасида солиқ тўловларига салбий таъсир қилган. Хусусан, Zein Trade OU, Pionolio PTE, Ascocom ва бошқа шубҳали офшор худудлардаги корхоналар билан ташқи савдо (импорт) доирасида умумий қиймати 438,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги товарлар (нефть хомашё маҳсулотлари, бензин ва дизел ёқилғиси) Ўзбекистонга етказиб берилганлиги, лекин, ушбу товарлар ҳақиқатда хорижий ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг экспорт инвойсида 333,9 млн.АҚШ доллари қийматида етказиб берилганлиги натижасида экспорт ва импорт қийматлари ўртасидаги нархнинг сунъий ошган қисми 105 ,0 млн.АҚШ долларини ташкил этган, бу эса харажатлар сунъий ошишига сабаб бўлган ва фойда солиғи базасини камайтиргани натижасида 163,4 млрд.сўм фойда солиғи кам ҳисобланган.

Агар, жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган иқтисодий-молиявий кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, жамиятнинг бизнес-режа лойиҳасига асосан жамият томонидан 2022 йил учун углеводородларни қазиб чиқариш ва нефт-газ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича қуйидаги кўрсаткичларга эришиш, табиий газ қазиб чиқариш 34,1 млрд.куб метр, нефть қазиб чиқариш 100 минг тонна, конденсат қазиб чиқариш 1 157 минг тонна, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш 514,1 минг тонна, олтингугурт ишлаб чиқариш 232,8 минг тоннага етказиш режалаштирилган. Ўз навбатида бунинг асосида жами даромадлар 16 852,4 млрд.сўм, соф тушум 14 547,4 млрд.сўм,

молиявий фаолиятнинг даромадлари 1 501,7 млрд.сўм (соф тушум асосан табиий газ (6 408,5 млрд.сўм) ҳамда ЖТЛ заводи синтетик суюк маҳсулотларини сотишдан (3 532,7 млрд.сўм) иборат бўлишлиги режалаштирилган.

Жамиятнинг жами харажатлари 14 422,6 млрд.сўм қилиб режалаштирилган бўлиб, шундан: сотилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархи 7 699,5 млрд.сўм, давр харажатлари 3 974,2 млрд.сўм, молиявий фаолият бўйича харажатлар 2 320,1 млрд.сўмни ташкил этишилиши мўлжалланган. Жамиятда сотилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархининг қарийб 35 фоизи (2 708,2 млрд.сўм) ЖТЛ заводи синтетик маҳсулотларини сотиб олишдан иборат. Бундан ташқари, давр харажатларининг 55,2 фоизи (2 194,2 млрд.сўм) бюджетга солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан иборат. 2022 йилда соф фойда 2 430 млрд.сўмни ташкил қилиши режалаштирилган.

Маълумки, юқорида кўриб ўтганимиздек, мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминий каби маҳсулотлар ер қаъридан фойдаланганлик учун муҳим солиқ объекти бўлиб хизмат қилади. Юқори ликвидли товар (мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси), металл рух ва иккиламчи алюминий) турларини биржа савдоларида сотиш тартибига кўра, мис маҳсулоти (мис катоди ва мис катанкаси) биржа савдолари орқали фақатгина “Олмалик КМК” ҳамда “Ўзбекистон рангли металл парчалари чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлаш заводи АЖ” томонидан Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган, маҳсулотни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сотиб оладиган ва уларни кейинчалик чуқур қайта ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган юридик шахсларга сотилиши белгиланган.

2020 йил давомида АО “Узметкомбинат”, СП АО “Uzkabel”, ООО “Procab”, ҳамда СП ООО “Yuqorichirchiq metall invest” жамиятлари томонидан 19,8 минг тонна мис катоди, мис катанкаси ва мис листи 68,6 млрд.сўм қийматда, 2021 йилнинг ўтган даври давомида АО “Узметкомбинат”, СП ООО “Kabel tech energy”, СП АО “Uzkabel” ҳамда СП ООО “Yuqorichirchiq metall

invest” жамиятлари томонидан 6,1 минг тонна мис ва мис қотишмалари (лом), мис катанкаси, мис катоди, мис қолдиғи ҳамда мис листи 29,9 млрд.сўм қийматда реализация қилинган.

2019-2021 йиллар давомида маркшейдерлик хизматини жалб қилган ҳолда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ текширувлари таҳлилини шуни кўрсатмоқдаки, ўрганилган корхоналарда ҳисоботларда қазилма ҳажмини камайтириш ҳолати 2019 йилда 139 та кузатилган бўлса, 2020 йилда 331 та, 2021 йилда эса 219 тани ташкил этган. 2019 йилда 2 023 126 (м3), 2020 йилда 3 881 713 (м3), 2021 йилда 3 184 736 (м3), қазилма ҳажми камайтириб кўрсатилганлиги натижасида эса, 2019 йилда 7426 млн сўм, 2020 йилда 19524 млн сўм ва 2021 йилда 23919 млн сўмлик солиқ тушумлари кўшимча ҳисобланган.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг асосий вазифаларидан бири геология-қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш орқали юқори даражада кўшимча қиймат яратишдан иборат. Бугунги кунда фойдали қазилмаларининг турлари бўйича захира ва ресурсларни 20 тургача кўпайтириш ҳамда ривожлантириш дастурларига 2022 йилда 1 000,0 млрд.сўм, 2023 йилда 2 127,5 млрд.сўм ҳамда 2024 йилда 2 446,6 млрд.сўм маблағ ажратиш устувор вазифа қилиб белгиланган. Шунингдек, ер усти тоғ-кон геология қидирув ишлари ҳажмини 2022 йилда 280,9 минг метр кубга, 2023 йилда 385,0 минг метр кубга, 2024 йилда 407,0 минг метр кубга етказиш белгиланган⁸⁸.

⁸⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-73-сон қарори.

2.24-жадвал

2019-2021 йиллар давомида маркшейдерлик хизматини жалб қилган ҳолда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ назорати натижалари таҳлили⁸⁹ (млн сўм)

№	Худуд номи	Ўрганилган корхоналар сони			Ҳисоботларда қазилма ҳажмини камайтириб кўрсатган						Қўшимча ҳисобланган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ		
		2019 йил	2020 йил	2021 йил	корхона сони			қазилма ҳажми (м3)			солиқ суммаси		
					2019 йил	2020 йил	2021 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Республика бўйича		370	426	478	139	331	219	2 023 126	3 881 713	3 184 736	7 426	19 524	23 919
1	Коракалпоғистон Рес.	38	47	48	3	38	22	162	565 000	1136298,7	159,4	1 542,7	656,9
2	Андижон вилояти	17	36	23	2	23	12	13 300	192 200	282 395,0	59,4	158,2	2 091,9
3	Бухоро вилояти	30	45	49	4	34	34	25 941	391 700	364 148,8	85,0	1 232,9	3 164,0
4	Жиззах вилояти	31,0	27,0	34	6	23	18	88 984	347 900	228 784,9	1 905,8	851,7	1 322,0
5	Кашкадарё вилояти	35	24	31	37	23	8	382 439	275 900	45 914,0	2 291,9	667,8	344,3
6	Навоий вилояти	44	60	51	8	40	24	3 109	328 300	133 900,0	233,9	1 602,7	802,0
7	Наманган вилояти	28	25	29	4	22	8	5 000	88 900	28 557,4	0,0	588,3	208,2
8	Самарканд вилояти	34	49	41	25	33	28	456 317	674 400	200 393,3	1 219,0	2 491,8	6 502,5
9	Сирдарё вилояти	4	27	6	4	23	2	260 861	210 700	35 185,5	746,0	1 524,5	263,0
10	Сурхандарё вилояти	22	22	48	9	22	24	130 785	295 000	178 500,0	381,5	5 956,9	3 461,0
11	Тошкент вилояти	42	26	48	21	22	19	544 469	332 600	371 800,0	114,3	1 503,0	2 602,6
12	Фаргона вилояти	43	38	70	14	28	20	79 849	179 113	178 858,0	212,8	1 403,0	2 500,9
13	Хоразм вилояти	2	0	0	2	0	0	31 910	0	0,0	17,3	0,0	0,0
14	Тошкент шаҳар	0	0	0	0	0	0	0	0	0,0	0,0	0	0,0

⁸⁹ Ўзбекистон республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби

Бундан ташқари сўнги икки йил давомида кон-металлургия тармоғининг йирик корхоналарини жадал ривожлантириш, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган узоқ муддатли дастурлар қабул қилинди. 2026 йилгача “Навоий КМК” ДКда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 30 фоизга, “Олмалик КМК” АЖга 2,9 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этиш ва 2023 йилгача мис ишлаб чиқариш ҳажмини 28 фоизга, рух ишлаб чиқариш ҳажмини 75 фоизга ошириш кўзда тутилган⁹⁰. Бу эса, ер қабридан фойдаланганлик учун солиқни ундириш механизмини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Диссертацион тадқиқот ишимизнинг мазкур параграфи асосида амалга оширган тадқиқотларимиз асосида **умумий хулоса сифатида таъкидлаш лозимки**, ер қабридан фойдаланганлик учун солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар сони, солиқ ставкалари даражаси, корхоналар томонидан ер қабри бойликларидан фойдаланиш даражаси ва бундай корхоналар сони, бюджетга ҳисобланган солиқ суммалари ва бюджетга келиб тушаётган солиқ тушумлари миқдори охириги беш йиллик маълумотлар доирасидаги таҳлиллар ошиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Ўз навбатида мазкур солиқ турини ундириш механизмларида маълум бир муаммолар мавжудлигини ҳам эътироф этиш лозим бўладики, бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида табиий бойликлардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг ролини ошириш борасидаги хорижий тажрибаларини қиёсий таҳлил этган ҳолда, мавжуд механизмларини янада такомиллаштириш борасидаги тадқиқотларимизни кейинги бобда кўриб чиқамиз.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Республикамиз солиқ тизимида сувдан ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилган сув ресурслари солиқ объекти сифатида белгилаган. Бунинг зарурлиги шундаки, гарчи сув ресурслари табиий тикланадиган ресурс

⁹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4121-сон қарори.

ҳисобланади, Республикаимизнинг сув ресурслари танқис бўлган ҳудудда жойлашганлиги ва чучук сув миқдорларининг умумий сув фонди ҳажмидаги улушининг бутун дунё бўйича даражаси 2-3 фоиз атрофидалиги бу каби табиий ресурслардан ундан фойдаланувчиларнинг масъулиятини оширишнинг молиявий механизмларидан бири бу солиқ механизмлари ҳисобланади.

Солиқ ислохотлари доирасида ресурс солиқлари, жумладан сув солиғи маъмурчилигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида, 2020 йилдан қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳам сув солиғи тўловига ўтказилганлиги натижасида солиқ тўловчилар сони охириги 4 йилда 137,3 мингтага етиб, 40 бараварга ошди. Бундан ташқари, солиқ ҳисоботлари соддалаштирилиб, ҳисобот шакллари 7 тадан 2 тага камайтирилди ҳамда ҳар бир фаолият тури бўйича алоҳида солиқ ставкалари белгиланиши солиқ тўловчилар томонидан ижобий қабул қилинди.

Бу ўз навбатида ушбу солиқдан бюджетга тушумларнинг тушишига ижобий таъсир кўрсатиб, 2021 йилда жами 684,4 млрд.сўм тушум таъминланиб, 2018 йилга нисбатан 5,3 бараварга ўсди.

Ер солиғи бу қадимий солиқлар сифатида бутун дунёдаги деярли барча давлатларда бюджет-солиқ сиёсатининг марказида бўлиб келмоқда, давлатлар ерга бўлган иқтисодий муносабатларини белгилашда ундан фойдаланганлик учун тўловларни белгилаш ва ундиришга кенг аҳамият бериб келмоқда, ер ресурсларига нисбатан солиқ сиёсатини юритишда прогрессив принципларини қўлламоқда, ундан фойдаланишни рағбатлантириш ва тартибга солишнинг муҳим молиявий инструментлари сифатида солиқ ставкаларини ошириш асосида ердан фойдаланувчиларнинг масъулиятини оширишга қаратилган ёндошувлар устунлик қилиб келмоқда. Айнан, ушбу ёндошувлар Ўзбекистон солиқ сиёсатида ҳам алоҳида ўрин эгалламоқдаки, бу фикримизга юқорида амалга оширган таҳлилларимиз иқтисодий асос бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш керакки, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни жорий этишнинг икки муҳим хусусияти мавжуддир. Биринчиси, ер қаърининг фойдали хом-ашёси (маҳсулоти) чекланган (қайта тикланиши узок геологик вақтини олиши), улар ҳар қайси миллий иқтисодиёт учун ҳал қилувчи ролга эгаллиги, қолаверса, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилашда муҳим таъсирчан омил бўлса, иккинчидан давлатнинг молиявий сиёсатида давлат бюджети ва бошқа давлат мақсадли жамғармалари учун ўта муҳим молиявий манба ва ресурс ҳисобланади. Табиий бойликларнинг техник-иқтисодий хусусиятлари давлатларнинг бу ресурсларга бўлган солиқ сиёсатининг ўзагини ҳам белгилаб беради деб хулоса қилиш мумкин.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар сони, солиқ ставкалари даражаси, корхоналар томонидан ер қаъри бойликларидан фойдаланиш даражаси ва бундай корхоналар сони, бюджетга ҳисобланган солиқ суммалари ва бюджетга келиб тушаётган солиқ тушумлари миқдори охириги беш йиллик маълумотлар доирасидаги таҳлиллар ошиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Ўз навбатида мазкур солиқ турини ундириш механизмларида маълум бир муаммолар мавжудлигини ҳам эътироф этиш лозим бўладики, бу муаммоларни ҳал этиш мақсадида табиий бойликлардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг ролини ошириш борасидаги хорижий тажрибаларини қиёсий таҳлил этган ҳолда, мавжуд механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

III-БОБ. ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШДА СОЛИҚ ТИЗИМИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1-§. Табиий бойликларни солиққа тортишнинг хориж тажрибаси

Дунё амалиётида солиқ тизимининг муҳим ажралмас қисмини табиий бойликлардан самарали фойдаланишни тартиблаш ва рағбатлантиришга қаратилган солиқ сиёсати ташкил этади. Албатта, дунёнинг аксарият давлатларнинг иқтисодий сиёсатида мамлакат иқтисодий тараққиётини белгиловчи муҳим стратегик табиий бойликлардан миллий иқтисодиёт манфаатлари йўлида мақсадли ва самарали фойдаланишга устуворлик берса, бошқа томондан бу мақсадга эришишнинг молиявий инструментларидан кенг фойдаланишга ҳам кенг эътибор бериб келинмоқда. Бу молиявий инструментлардан энг муҳимларидан ва самарали воситалардан бири сифатида солиқ тизими юзага чиқади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, табиий бойликлар сирасига кирувчи сув ресурсларидан барча турдаги ишлаб чиқарувчилар фойдаланса, айнан ер ресурслари хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Бу табиий ресурсларнинг биринчиси тикланадиган (сув) ва тикланмайдиган (ер ресурси) ресурслари ҳисобланиб, иккаласи ҳам иқтисодий хусусиятлари билан бирга ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир. Хориж давлатларида бу табиий ресурсларни солиққа тортишда айнан уларнинг хусусиятлари билан биргаликда давлат бюджетининг манфаатлари ҳам ҳисобга олинади. Жаҳон мамлакатлар тажрибасида ер қаъри бўлган бойликлар бўлган табиий ресурсларга оид иқтисодий сиёсати ва унинг асосий бўғини бўлган солиқ сиёсатининг умумий йўналишларида худди Ўзбекистондаги амалиётга хос хусусиятларни кўриш мумкин.

Аввалги бобларда айтиб ўтганимиздек, ер қаъридан фойдаланиш ер ва сув каби ресурсларидан фарқли равишда маълум бир ўзига хос мураккабликка эга ишлаб чиқаришни талаб этади, шунга мос ишлаб чиқариш

технологияларни талаб қилади, ўз навбатида техник мутахассисларга ҳам эҳтиёж туғилади, яъни, соддароқ қилиб айтганда сув ва ер ресурсларидан фойдаланишдан кўра ер қаъридан фойдаланиш даражаси мураккабликка ҳамда махсус рухсатномаларни ҳам талаб қилади. Айнан бу хусусиятлар жаҳон давлатларида табиий бойликларни солиққа тортишда ва солиқ тизимининг ролини белгилашда ўзига хос йўналишларни тавсифлайди.

Табиий бойликларни солиққа тортишнинг айнан бу ўзига хос хусусиятли жиҳатларни айрим мамлакатлар тажрибаси мисолида қиёсий жиҳатдан кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Дастлаб, АҚШда табиий бойликлар жумласига кирувчи ер қаъридан фойдаланиш тажрибасини кўриб чиқадиган бўлсак, АҚШда табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўланадиган бонуслар миқдори айтарли даражада салмоқлидир: баъзи йилларда унинг миқдори федерал бюджетга тушадиган нефт тушумларининг 25 фоизини ташкил қилади, қолган 75 фоизи эса ижара тўловлари, роялти ва бошқа солиқлар ҳисобига тўғри келади. “АҚШда айниқса, нефт ишлаб чиқаришга солиқ солишда минерал хом ашё конларини ўзлаштириш ҳуқуқи учун рента тўловлари роялти тарзида ундирилади. Улар, одатда, қазиб олинаётган хом-ашёнинг ҳажмига ёки қазиб олинган хом ашёни сотишдан тушган ялпи тушумга нисбатан фоизда белгиланади ва ер эгаси (ер қаъри мулкдори) фойдаси учун ажратиб берилади. АҚШда роялти тўлови моҳияти бўйича ҳар бир баррел нефт учун ер эгаси фойдасига белгиланган солиқ ҳисобланади. Жорий ижара тўловлари, ижарага олинган участкалардан (ижарага) фойдаланганлик учун йиллик тўловлар ижарага олинган участканинг майдони ва жойлашган жойига, шунингдек, ижаранинг мақсади ва муддатига қараб белгиланади. Улар ҳар бир акр учун йил давомида ўртача 10 долларни ташкил қилади ва ижара ҳуқуқини сақлаб қолиш мақсадида ҳар йили тўланади.”⁹¹.

⁹¹ М. А. Моисеева, И. Е. Войшвилло, Н. С. Милоголов. Налогообложение добычи нефти и газа: тенденции развития. Финансовый журнал. №1 2012. стр. 24.

АҚШда табиий бойликларни солиққа тортишда яна муҳим тажрибалар шундан иборатки, агар ер қаъридан фойдаланиш мақсадида қазил ишлари давлат ерларида амалга оширилмаса, у ҳолда, нефт қазил ишларини амалга оширувчи компания ер эгасига солиқларнинг бир қисми ўрнига ижара тўловини ўтказди. Ўз навбатида АҚШда 1955 йилда қабул қилинган "Маҳаллий нефт ва газни қазил олиш ва сақлаш тўғрисида" қонунга мувофиқ, маргинал қудуқлардан қазил олишни сақлаб қолиш ва янги бурғулаш ишларини рағбатлантириш амалга оширилади, чунки, бундай қазил ишлари анчайин мураккаб ва маҳаллий бюджетларга солиқ тушумларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Кейинги вақтларда жаҳон тажрибасида табиий бойликларни тавсифловчи турли хил тушунчалар муомалага кириб кела бошлади. Масалан, ренталс, техноген, роялти кабилар жумласидандир. Ренталс (ижара жаҳон амалиётида) бу - ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги ёки ишлаб чиқариш рентабеллигига боғлиқ бўлмаган, шартнома тузилган пайтдан бошлаб давлатга тизимли даромад олиш имкониятини берадиган тўлов тури сифатида таърифланади. Ижара тўловлари миқдори эса, қонни ўзлаштиришнинг бутун ҳудуди учун ҳам, унинг майдони бирлиги учун ҳам белгиланиши мумкин. Бунда прогрессив ставкалари белгиланиши мумкин, вақт ўтиши билан, ҳудуднинг катталиги ёки иккаласининг аралашмаси билан ортиб боради. Техноген қон тушунчаси эса, бу- фойдали қазилмаларни қазил олишда ер қаъридан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, минерал хомашёни қазил олиш ва комплекс қайта ишлаш жараёнида йўқотишлар сифатида олинадиган, алоҳида лицензияланиши керак бўлган иккиламчи фойдали қазилмалардир⁹².

Ўз навбатида табиий бойликларни солиққа тортишда ва уларнинг хусусиятларини фарқлашда роялти каби тушунчалар мавжуд бўлиб, бу

⁹² Блошенко Татьяна Алексеевна. Методология налогообложения организаций при добыче и комплексной переработке минерального сырья. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва – 2019. стр. 23.

тушунча Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 44-моддасига кўра ҳар қандай номоддий активдан фойдаланганлик ёки фойдаланиш ҳуқуқи учун тўловлар” сифатида баҳоланади, жаҳон амалиётида эса, роялти деганда, “ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархининг қатъий белгиланган улуши сифатида ҳисобланган ва давлат - табиий ресурслар эгаси томонидан захираларни ўзлаштириш ҳуқуқи учун ундириладиган солиқ тушунилади ва ушбу тўлов давлатга эрта ва қафолатланган даромад келтиради. Жаҳон амалиётида нефт саноатида роялти ўртача, 0 дан 50% гача тебранади”⁹³. Роялти деб аталадиган тоғ-кон саноати солиқлари Канада, Хитой, АҚШ ва Ҳиндистонда кенг тарқалган бўлса, АҚШнинг турли штатларида таркибида металл бўлган қимматбаҳо металллар учун табиий ресурсларни қазиб олиш учун солиқ ва лицензияланган қазиб олиш солиғи олинади. Канадада ер қаъридан фойдаланувчининг ялпи даромадининг 2 фоизи ёки соф фойдасининг 15 фоизи миқдоридан роялти тўлаш одатий ҳол бўлиб, бу ерда кўрсатилганларнинг энг каттароқ қисмидан тўланади.

Кейинги йилларда табиий бойликлардан фойдаланганлик учун олинладиган тўловлар билан боғлиқ (ер қаъри солиғи) солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш жаҳон бозори конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда, яъни маҳсулотнинг бозор нархидан, шунингдек, фискал муассасаларнинг жаҳон амалиётидаги инфляция даражаси ва хорижий валюта курслари фаолияти асосида амалга оширилмоқдаки, бу шуни кўрсатадики, ер қаъридан фойдаланувчиларнинг даромадларига солиқ солишда ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан роялти фойдаланилган. “Фойдали қазилмаларни қазиб олишни солиққа тортиш амалиёти нуқтаи назаридан БРИКС мамлакатлари (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка) ва ШХТ (Шанхай халқаро ташкилоти) тажрибаси катта аҳамиятга эга. Хитойда ресурс солиғи жорий этилган бўлиб, унинг ставкалари дастлабки минерал-хом ашё сифати,

⁹³ Туманова Е.Ю. Правовые основы недропользования. Учебное пособие. Ставрополь 2017. стр. 74.

Ўзлаштириш шартларидан келиб чиққан ҳолда ҳокимият томонидан белгиланади”⁹⁴.

Агар, табиий бойликлардан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг таъсирчанлигининг жаҳон амалиётини қиёсий таҳлил қилар эканмиз, бунда дунёдаги табиий бойликлари кўлами, жаҳон бозоридаги экспорт салоҳияти ва уни солиққа тортиш тажрибаси ҳам бир неча асрлардан буён такомиллашиб келаётган Россия Федерацияси мисолида ҳам кўриб чиқиш илмий-услубий жиҳатдан тўғри ёндошув деб ҳисоблаймиз. Россия Федерациясида худди Ўзбекистон республикаси солиқ тизимида бўлгани каби ер, сув ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ турлари жорий қилинган бўлиб, ушбу солиқ турларини ундириш механизмида ўхшаш жиҳатлар билан биргаликда ўзига хос фарқли жиҳатлар ҳам мавжуд.

Масалан, Ўзбекистонда “Ўзбекистон Республикасининг Ер ости бойликлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуннинг 21-моддасига кўра, “бир марталик тўлов сифатида ундириладиган -фойдали қазилмаларни қидириш, разведка қилиш ва қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатнома шаклидаги бонусли тўловлар (имзоли бонус ва тижоратбоп топилма) қуйидаги миқдорларда: углеводородлар конларини қидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг баравари қимматбаҳо (олтиндан ташқари), ноёб ва асл металллар конларини қидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари, , олтин қидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир минг баравари, норуда фойдали қазилмалар конларини қидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари ҳамда рудали фойдали қазилмалар конларини қидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи (бундан олтин, қимматбаҳо, ноёб ва асл металллар конларини қидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи мустасно)

⁹⁴ Блошенко Татьяна Алексеевна. Методология налогообложения организаций при добыче и комплексной переработке минерального сырья. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. Москва – 2019. стр. 40.

— базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз эллик баравари миқдорларда тўлов ундирилади ва давлат бюджетига йўналтирилади”⁹⁵.

Россия Федерациясида эса, қазиб олинган фойдали қазилмаларнинг миқдори тўғридан-тўғри (ўлчаш воситалари ва асбоблари ёрдамида) ва билвосита усул (ер ости бойликларидан қазиб олинган минерал хом ашё таркибидаги қазиб олинган фойдали қазилмаларнинг (чиқиндилар, йўқотишлар) таркибига кўра ҳисоблаш) усуллари билан аниқланади.

Солиқ ставкаси қазиб олинган фойдали қазилмаларнинг турлари, алоҳида қазиб олинган фойдали қазилмалар, шунингдек, маълум белгиларга эга фойдали қазилмалар бўйича аниқланади. Масалан, аниқ торф учун 4%, тоғруда нометалл хом ашёни қазиб олиш учун - 6%, сифатсиз захираларни ўзлаштириш жараёнида қазиб олинган фойдали қазилмалар учун - 0% миқдорида ставка белгиланган. Масалан нефт маҳсулоти учун солиқ ставкасини аниқлашда эса, нефтнинг жаҳон нархлари динамикасини тавсифловчи коэффициент билан қўлланилади - Кц дан фойдаланилади. Бу эса, жорий йилнинг йил бошидаги ва йил охиридаги нефт учун бир тоннаси учун ҳамда ўтган йилдаги календарь йилининг бошидан то йил охиригача ўлган муддат давомидаги ставкани асос қилиб олинади. Бунда “нефтнинг жаҳон нархлари динамикасини тавсифловчи коэффициент бир баррел учун 15 га камайтирилган "Юралс" нефт тури нархларининг, АҚШ долларидан ифодаланган солиқ даври учун ўртача даражасини солиқ даври учун Россия Федерацияси Марказий банки томонидан ўрнатилган ўртача қийматига кўпайтириш йўли билан ва Россия Федерацияси рублига нисбатан 261 га бўлинган ҳолда ўрнатилади”⁹⁶.

Масалан, Россия Федерациясида нефт маҳсулотларини “солиққа тортишда солиқ даврида “Юралс” нефт турининг ўртача нарх даражаси АҚШ долларидан бир баррел учун 21,25 долл./барр. ни ташкил этган деб ҳисобласак, Россия Федерацияси Марказий банки томонидан белгиланган АҚШ

⁹⁵ “Ўзбекистон Республикасининг Ер ости бойликлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуннинг 21-моддаси.

⁹⁶ Туманова Е.Ю. Правовые основы недропользования. Учебное пособие. Ставрополь 2017. стр. 67.

долларининг Россия Федерацияси рублига нисбатан курсининг солиқ даври учун ўртача қиймати - 31,35 рубл/доллар.

$$\begin{aligned} \text{Кц қиймати} &= (21,25 \text{ долл./барр.} - 15) \times 31,35 \text{ руб./долл.} : 261 = 0,7507 \\ 493 \text{ руб./т} \times 0,7507 &= 370,09 \text{ руб./т.} \end{aligned}$$

1 тонна нефт учун солиқ ставкаси 370,09 рублни ташкил қилади.

Россия Федерацияси Марказий банки томонидан белгиланган солиқ даври учун АҚШ долларининг Россия рублига нисбатан ўртача қиймати солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда АҚШ долларининг Россия рублига нисбатан курси қийматининг йиғиндиси сифатида белгиланади. Россия Федерацияси Марказий банки барча савдо кунлари учун тегишли солиқ давридаги савдо кунлари сонига бўлинади”⁹⁷.

Россия Федерациясида ўз навбатида “углеводород хомашёси шаклида қазиб олинган фойдали қазилмалар бўйича солиқ тўловчи томонидан ҳисобланган солиқ суммаси қуйидагича тақсимланади:

- 100% - федерал бюджетга;
- тегишли вилоятлар ва шаҳарлар ҳудудларида кенг тарқалган фойдали қазилмалар қазиб олинган тақдирда, солиқнинг тўлиқ миқдори Россия Федерациясининг таъсис субъектлари бюджетларига”⁹⁸.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш солиғининг функциялари солиқларнинг иқтисодий мазмуни солиқнинг қуйидаги асосий функцияларини бажарилишини тақозо этади:

- фискал (солиқ қоидаларида белгиланган миқдорда ва муддатларда, шунингдек тегишли бюджетларда назарда тутилган миқдорларда солиқлар тушумини таъминлашда ифодаланади);
- тартибга солувчи (солиқларни белгилаш, ставкаларни белгилаш, солиқ солинадиган базани ва кирувчи маблағларни кредитлаш даражасини белгилаш орқали ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш воситаси сифатида солиқлардан фойдаланиш);

⁹⁷ Туманова Е.Ю. Правовые основы недропользования. Учебное пособие. Ставрополь 2017. стр. 68.

⁹⁸ Туманова Е.Ю. Правовые основы недропользования. Учебное пособие. Ставрополь 2017. стр. 78.

- рағбатлантирувчи (солиқ ставкаларини дифференциаллаштириш, солиқ имтиёзларини жорий этиш, солиқ солинадиган базадан олиб чиқиш ёрдамида давлат иқтисодиётнинг айрим тармоқларини ривожлантириш, инвестициялашни рағбатлантиради).

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш солиғи юқоридаги учта функциянинг ҳаммаси учун тегишлидир. (С.70).

Солиқ тўловчи томонидан қазиб олинган фойдали қазилмалар (углеводород хомашёси ва кенг тарқалган фойдали қазилмалар кўринишида қазиб олиннадиган фойдали қазилмалар бундан мустасно) бўйича ҳисобланган солиқ суммаси қуйидагича тақсимланади:

- 40% - федерал бюджет даромадига;
- 60% - Россия Федерацияси субъекти бюджети даромадига.

Вилоят (вилоят) таркибига кирувчи автоном округ ҳудудида қазиб олиннадиган фойдали қазилмалар (углеводород хомашёси ва кенг тарқалган фойдали қазилмалар кўринишида қазиб олиннадиган фойдали қазилмалар бундан мустасно) учун солиқ тўловчи томонидан ҳисобланган солиқ суммаси Россия Федерацияси қонунчилигида белгиланган автоном округ ва ўлка (вилоят) ўртасидаги келишув асосида тақсимланади.

Бизга маълумки, дунёда ер қаъридан олиннадиган табиий бойликларни қазиб олиш ва уни солиққа тортиш амалиёти бўйича катта тажрибага эга давлатлар қаторига Норвегия, Канада, Бразилия, Венесуэла, Ҳиндистон, Арабистон давлатлари қирадики, бу мамлакатларнинг айримларининг тажрибасини ҳам илмий таҳлил қилишни лозим деб ҳисобладик.

Жумладан, Норвегия давлатида “нефт ва газ саноатини солиққа тортишни оптималлаштириш муаммосини ҳал қилиш учун кўп даражали мураккаб тизим ҳам қўлланилади. Нефт ва газ фаолиятининг фавқулудда рентабеллиги туфайли “Денгиз ости нефт ва газ конларини солиққа тортиш тўғрисида”ги Норвегиянинг қонунига одатдаги даромад солиғига қўшимча равишда махсус солиқ деб аталадиган солиқ жорий қилинди. Даромад солиғи ставкаси 28%, махсус ставка 50% деб белгиланган. Лицензия доираси ҳажми

учун ҳақ ундиришдан мақсад, шартнома доирасидан самарали фойдаланиш ва фойдаланилмаётган қисмини давлатга қайтаришни рағбатлантиришдан иборат қилиб белгиланган.

Шимолий денгизнинг Норвегия қисмида биринчи нефт ва газ конларини ўзлаштирилиши бошлангач, уларни ўзлаштиришга фақат учта: Statoil, Norsk Hydro и Saga Petroleum компанияларига рухсат берилган. Улардан энг асосийси, Statoil давлат нефт компанияси бўлиб, Шимолий денгиздаги кўплаб кон лойиҳаларини ишлаб чиқариш бўйича иштирокчи ҳисобланади. Қайтарилган майдонлар бошқа компаниялар томонидан нефт ва газни қидириш ва қазиб олиш объектига айланиши мумкин. Норвегияда нефт саноати устидан давлат назорати нафақат Statoil акцияларига эга бўлганлар томонидан амалга оширилади. Давлат, шунингдек, давлатнинг бевосита молиявий иштироки деб аталадиган институт орқали нефт ва газ қазиб олиш лицензияларидаги улушларнинг эгаси сифатида ҳам иштирок этади. Илгари ҳар бир лицензия учун давлат иштироки камида 50 фоизни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда давлат улуши сезиларли даражада камайиб бормокда”⁹⁹.

Бразилия табиий бойликларни солиққа тортиш билан боғлиқ солиқ тизимига эътибор қаратадиган бўлсак, бу мамлакатдаги амалдаги қонунчиликка кўра, нефт ва газ қазиб олиш соҳасида корхона фойдасидан солиқ тўлаш жорий этилган, даромад солиғи барча корхоналардан 24% ставкада, фойдаси йилига 240 минг реалдан ортиқ бўлган компаниялардан эса 34% ставкада ундирилади. Бундан ташқари, тармоқнинг барча корхоналари давлат билан икки хил маҳсулот тақсимооти шартномаси ёки концессия шартномаси”ни тузадилар.

Бразилия табиий бойликлардан ундириладиган солиқлар федерал ҳукумат томонидан ҳам, штатлар ва муниципалитетларнинг маъмуриятлари томонидан ҳам белгиланиши мумкин бўлиб, Бразилияда солиққа оид

⁹⁹ М. А. Моисеева, И. Е. Войшвилло, Н. С. Милоголов. Налогообложение добычи нефти и газа: тенденции развития. Финансовый журнал. №1 2012. стр 29.

қонунчиликнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, федерациянинг барча субъектларига солиқ нормаларини ишлаб чиқиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Канада давлатида эса, 140 та нефт ва газ компанияларини ўзида бирлаштирган нефт ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси алоҳида роль ўйнайди. Ваҳоланки, бу давлатда нефт умумий ҳажмининг учдан бир қисми кичик компаниялар, биринчи навбатда сони бир неча мингдан ортиқ хусусий компаниялар томонидан ишлаб чиқариладики, ўз навбатида уларнинг фаолиятини доимий рағбатлантириб борадиган ўзига хос молиявий механизм яратилган ва давлат томонидан бу қатъий назоратга олинган. “Компаниялар конларни қидириш ва ўзлаштириш харажатлари билан боғлиқ солиқ имтиёзларини ўз улушларини сотиб олган инвесторларга ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиб, кичик корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини молиялаштириш ва ўз маблағларини кўпайтириш ва ўз капиталини жалб қилиш мақсадида ушбу механизмдан кенг фойдаланадилар”¹⁰⁰.

Агар, бу борада Ҳиндистон тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, бу мамлакатда табиий бойликларни қазиб олинган хомашё таннархига фойз сифатида роялти белгиланади, шунингдек, табиий бойликлар, жумладан, қимматбаҳо ва рангли металллар ушбу металлларни сотиш бўйича, операцияларнинг ҳақиқий шартларидан қатъий назар, солиқ ундирилади.

Бундан ташқари, Ҳиндистоннинг табиий бойликларни солиққа тортиш механизмларида шундай тартиб амал қиладики, унга кўра, “асосий (рангли ва қимматбаҳо) ва кўшимча маҳсулотларга солиқ солиш адвалор роялти ставкаси ва асосий маҳсулотлар учун солиқ базаси қазиб олинган руда таркибида металл қийматининг Лондон фонд биржаси томонидан шаклланадиган нархларида ва битта технологик жараёнда олинган кўшимча маҳсулотлар учун ишлаб чиқарилган металл таннархидан, шунингдек, Лондон фонд биржасида мавжуд бўлган нархлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади, бунда, кўшимча

¹⁰⁰ М. А. Моисеева, И. Е. Войшвилло, Н. С. Милоголов. Налогообложение добычи нефти и газа: тенденции развития. Финансовый журнал. №1 2012. стр 31.

маҳсулотлар учун роялти ставкалари сезиларли даражада юқори белгиланиши мумкин бўлади”¹⁰¹.

Табиий бойликлар сирасига кирувчи ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда солиқларнинг таъсирчанлигини ушбу бойликлардан самарали фойдаланишга қаратилган тажрибаларга диссертацион тадқиқот ишимизнинг ҳажмига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, қисқачароқ тўхталадиган бўлсак қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин. Сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишни солиқ тўловчилар томонидан амал қилишга ундовчи солиқ инструментида прогрессив солиққа тортиш жараёнларини аксарият давлатлар амалиётида кузатиш мумкин. Масалан, ер табиий бойлигидан самарали фойдаланишни солиқларнинг роли кўпроқ муҳим аҳамият касб этадиган Германияда федерал ерлардан тушадиган солиқ тушумларининг ҳажми аксарият бюджетларда асосий мезон сифатида белгиланадики, бунинг асосий сабаби, ер фондидан олинадиган солиқлар бўйича солиқ ставкалари прогрессив тарзда белгиланган ва бу ҳолат Европанинг аксарият давлатларидаги солиқ тизимига хос хусусиятдир.

Сув ресурсларидан фойдаланишда солиқларнинг таъсирчанлиги билан боғлиқ илғор тажрибалар ҳам Европа давлатларида анчайин ривожланган. Масалан, **Белгияда** 500 куб метр кубдан ортиқ ер ости сувларидан фойдаланганлик учун ер ости сувларидан фойдаланиш солиғи мавжуд бўлиб, насос қувурларига сув ҳисоблагичлари ўрнатиладики, солиқ ставкалари ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда корхонанинг жойлашган ҳудудига кўра белгиланади. **Россия Федерациясида эса**, фойдаланилган сув ҳажми ҳисобга олиш журналидаги сув ҳисоблагичларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади. Улар мавжуд бўлмаганда, техник воситаларнинг ишлаш муддати ва унумдорлиги асосида аниқланади. Мазкур маълумотлар ҳам мавжуд бўлмаган ҳолларда сув истеъмоли нормаларидан аниқланади. Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун сарфланган сув ҳажми солиқ солиш

¹⁰¹ Қаранг: ўша ерда.

объекти сифатида қаралмайди. Шунингдек, кўпгина давлатларда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ мавжуд эмас. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланганлик учун белгиланган тариф бўйича фойдаланилган сув миқдори учун тўловлар ундирилади. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солувчи органлар: Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари, Ирригация масалалари агентлиги ва Сув хўжалиги миллий кенгаши ҳисобланади.

Табиий бойликларни солиққа тортишнинг хориж тажрибасига оид тадқиқотларимизни умумлаштирган ҳолда **қисқача хулоса қилиш мумкинки**, аксарият мамлакатларда солиқ тизимининг муҳим ажралмас қисмини табиий бойликлардан самарали фойдаланишни тартибланиш ва рағбатлантиришга қаратилган солиқ сиёсати амал қилиб келмоқда. Хориж давлатларида бу табиий ресурсларни солиққа тортишда айнан уларнинг хусусиятлари билан биргаликда давлат бюджетининг манфаатлари ҳам ҳисобга олиниши билан бир қаторда жаҳон мамлакатлари тажрибасида ер қаъри бўлган бойликлар бўлган табиий ресурсларга оид иқтисодий сиёсати ва унинг асосий бўғини бўлган солиқ сиёсатининг умумий йўналишларини Ўзбекистон тажрибаси билан солиштириганда ўзига хос ўхшаш ва фарқли хусусиятларни ҳам кўриш мумкин.

Кейинги йилларда табиий бойликлардан фойдаланганлик учун олинадиган тўловлар билан боғлиқ (ер қаъри солиғи) солиққа тортиш тизимини ислоҳ қилиш жаҳон бозори конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда, яъни маҳсулотнинг бозор нархидан, шунингдек, фискал муассасаларнинг жаҳон амалиётидаги инфляция даражаси ва хорижий валюта курслари фаолияти асосида амалга оширилмоқда.

3.2-§. Табиий бойликларни самарали фойдаланишда солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш йўналишлари

Аввало, табиий бойликларни самарали фойдаланишда солиққа тортиш механизмлари бу бизнингча, табиий бойликлардан фойдаланганлик учун солиқлар ва йиғимларни жорий этилгандан сўнги солиққа тортиш билан боғлиқ барча қўлланиладиган солиқ элементлари ҳамда солиққа тортиш усуллари қўллашни ўзига олган иқтисодий жараёнларни ўз ичига олади. Албатта, бу механизмларнинг ишлаши эса, давлатнинг солиқ сиёсатига боғлиқ бўлади. Бу механизмларнинг ишлаши билан амалий ҳолатни ҳам назарий жиҳатдан ҳам амалий жиҳатдан диссертация ишимизнинг аввалги бобларида кўриб чиқдик ва олинган илмий хулосаларга таяниб табиий бойликларни самарали фойдаланишда солиққа тортиш механизмларининг қўлланилишида бир қатор илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни аниқладик ҳамда амалдаги жараённи янада такомиллаштириш зарурати туғилганлигини ҳам таъкидлаш мумкин.

Дастлаб бу муаммоларнинг айримларининг хусусиятларини келтириб ўтамиз.

Муаммоларнинг дастлабкилари, бу сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ билан боғлиқ муаммолардир. Кейинги вақтларда солиқ ислохотлари доирасида ресурс солиқлари, жумладан сув солиғи маъмурчилигини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида, 2020 йилдан қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳам сув солиғи тўловига ўтказилганлиги натижасида солиқ тўловчилар сони охириги 4 йилда 137,3 мингтага етиб, 40 бараварга ошди. Бундан ташқари, солиқ ҳисоботлари соддалаштирилиб, ҳисобот шакллари 7 тадан 2 тага камайтирилди ҳамда ҳар бир фаолият тури бўйича алоҳида солиқ ставкалари белгиланиши солиқ тўловчилар томонидан ижобий қабул қилинди.

3.1-жадвал.

Фойдаланилган сув ҳажмлари ва ҳисобланган солиқлар бўйича солиштирма
МАЪЛУМОТ¹⁰² (млн сўм)

Т/Р	Худудлар номи	2021 йилда тақдим этилган солиқ ҳисоботлари бўйича			Сув ҳўжалиги вазирлигининг маълумоти бўйича 2021 йилда суғоришга сарфланган сув ҳажми (йўқотишларни инобатга олмаган ҳолда)				Фарқи	
		сони	сув ҳажми млн.м3	солиқ суммаси	сув ҳажми млн.м3	аҳоли томорқалар и учун сарф. сув ҳажми млн.м3	фарқи	солиқ суммаси (40 сўм ставкада)	сув ҳажми млн.м3	солиқ суммаси
Республика бўйича		78 269	6 908,6	263870,4	38452,0	6 873,5	31578,5	1 263140,4	31544,0	999 367,5
1	Қорақалпоғистон Р.	4 086	338,6	13 111,0	5 202,5	952,5	4 250,0	169 998,4	4 863,9	156 887,4
2	Андижон вилояти	6 797	514,1	18 896,1	2 101,0	372,4	1 728,6	69 142,0	1 586,9	50 245,9
3	Бухоро вилояти	5 049	637,1	24 932,3	3 312,2	552,1	2 760,1	110 405,0	2 675,1	85 472,7
4	Жиззах вилояти	5 305	400,3	15 687,7	2 099,8	288,8	1 811,0	72 440,0	1 699,5	56 752,3
5	Қашқадарё вил.	10 592	785,1	30 731,3	4 361,3	479,4	3 882,0	155 279,2	3 576,2	124 547,9
6	Навобий вилояти	2 601	201,7	7 863,9	1 171,2	254,9	916,3	36 652,0	969,4	28 788,1
7	Наманган вил.	5 943	501,7	16 599,8	2 117,1	335,9	1 781,2	71 247,6	1 615,4	54 647,8
8	Самарқанд вил.	8 560	696,6	27 382,4	2 308,6	751,8	1 556,8	62 272,0	1 612,0	34 889,6
9	Сурхондарё вил.	5 623	523,1	20 677,1	3 206,9	446,5	2 760,4	110 417,6	2 683,8	89 740,5
10	Сирдарё вилояти	3 994	251,7	9 525,1	3 353,8	163,5	3 190,3	127 612,0	3 102,1	118 086,9
11	Тошкент вилояти	6 181	610,1	23 969,9	3 056,0	353,4	2 702,6	108 104,0	2 445,9	84 134,1
12	Фарғона вилояти	9 551	785,7	28 860,4	2 922,8	881,1	2 041,7	81 667,3	2 137,1	52 806,9
13	Хоразм вилояти	3 885	662,2	25 535,9	3 238,8	1 041,3	2 197,6	87 903,3	2 576,7	62 367,4
14	Тошкент ш.	102	0,6	97,6	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

Бу ўз навбатида ушбу солиқдан бюджетга тушумларнинг тушишига ижобий таъсир кўрсатиб, 2021 йилда жами 684,4 млрд.сўм тушум таъминланиб, 2018 йилга нисбатан 5,3 бараварга ўсди. Шу билан бирга, ўрганишлар сув ресурсларини ҳисобга олишда қуйидаги тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан: сув олиш нуқталари сув ўлчаш ускуналари билан жиҳозланмаганлиги натижасида (водопровод

¹⁰² Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

тармоқларидан ташқари) фойдаланилган сув ҳажми тўғрисида истеъмолчилар кесимидаги маълумотлар мавжуд эмаслиги мавжуд солиқ тури бўйича солиқ тушумларига салбий таъсир этмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2021 йилда вилоятлар чегарасига жами 38,4 млрд.м³ сув ресурслари суғориш учун етказилган бўлиб, Сув истеъмолчилари уюшмалари ҳисоботларида 12,8 млрд.м³ни (фарқи 25,6 млрд.м³ , 67 %), корхоналар ҳисоботлари бўйича 6,9 млрд.м³ ташкил этиб, вазирлик маълумотларига нисбатан 31,5 млрд.м³га (82 %), СИУ маълумотларига нисбатан 5,9 млрд.м³га (46 %) кам.

Сув ресурслар билан боғлиқ **яна бир муаммо** бу экин турлари бўйича белгиланган сув ресурслари истеъмоли нормативлари амалда етказилган сув ҳажмига номуносиблигидир. Бу муаммонинг мазмунини тушунтириш сифатида қуйидаги таҳлилни келтирамиз. Масалан, Бухоро вилояти Қоровулбозор СИУ томонидан “Сарвар-Сардор” ф/х учун 2021 йилда 578,7 минг.м³ сувдан фойдаланганлиги юзасидан солиқ органига маълумот тақдим этилган бўлса, корхонанинг ҳақиқатда шунча миқдорда сув етказиб берилмаганлиги юзасидан эътирозидан сўнг 323,7 минг м³ кўрсатиб қайта маълумот тақдим этилган. Натижада мазкур корхонанинг сув солиғи 10,2 млн.сўмга камайган.

Сув ресурслари ҳисобини юритиш учун марказлаштирилган маълумотлар базаси ва дастурий маҳсуллар яратилмаганлиги **бу борадаги мавжуд муаммо** сифатида келтириш мумкин. Сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органлар (Сув хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда ”Ўзсувтаъминот” АЖ) билан ўзаро электрон ахборот алмашинувини таъминлаш бўйича битим ва технологик йўриқномалар тасдиқланган бўлсада, истеъмолчилар кесимида фойдаланилган сув ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар бугунги кунга қадар тақдим этилмасдан қолмоқда.

3.2-жадвал.

**Белгиланган нормативлар асосида ҳисобланиши 2022 йилда кутилаётган
солиқ суммаси ҳисоб-китоби¹⁰³ (млн сўм)**

Т/р	Худудлар номи	2021 йилда тақдим этилган солиқ ҳисоботлари бўйича			Белгиланган нормативлар бўйича 2022 йилда кутилаётган			Фарқи	
		сони	сув ҳажми млн.м ³	солиқ суммаси	ер майдони минг га	сув ҳажми млн.м ³	солиқ суммаси	сув ҳажми млн.м ³	солиқ суммаси
Республика бўйича		78 269	6 908,6	263 870,4	4 203,3	31836,1	1 273443,3	24928,1	1009670,5
1	Қорақалпоғистон Р.	4 086	338,6	13 111,0	332,2	3 803,7	152 146,4	3 465,1	139 035,4
2	Андижон вилояти	6 797	514,1	18 896,1	288,7	1 993,2	79 728,0	1 479,1	60 831,9
3	Бухоро вилояти	5 049	637,1	24 932,3	309,0	2 434,3	97 372,0	1 797,2	72 439,7
4	Жиззах вилояти	5 305	400,3	15 687,7	326,8	2 032,3	81 292,0	1 632,0	65 604,3
5	Қашқадарё вил.	10 592	785,1	30 731,3	471,8	3 760,6	150 424,0	2 975,5	119 692,7
6	Навоий вилояти	2 601	201,7	7 863,9	147,8	817,3	32 691,0	615,5	24 827,1
7	Наманган вил.	5 943	501,7	16 599,8	294,9	2 049,2	81 968,0	1 547,5	65 368,2
8	Самарқанд вил.	8 560	696,6	27 382,4	381,3	2 795,6	111 823,4	2 099,0	84 441,0
9	Сурхондарё вил.	5 623	523,1	20 677,1	338,8	2 754,0	110 158,7	2 230,9	89 481,6
10	Сирдарё вилояти	3 994	251,7	9 525,1	294,4	1 913,8	76 551,5	1 662,0	67 026,5
11	Тошкент вилояти	6 181	610,1	23 969,9	394,0	2 521,4	100 854,8	1 911,3	76 884,9
12	Фарғона вилояти	9 551	785,7	28 860,4	382,1	2 520,9	100 836,5	1 735,2	71 976,1
13	Хоразм вилояти	3 885	662,2	25 535,9	241,5	2 439,9	97 597,0	1 777,7	72 061,2
14	Тошкент ш.	102	0,6	97,6	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

Бизга маълумки, ер солиғи бўйича солиқ тушумларини ҳисоблашда норматив усулдан фойдаланилади. Жадвалдан кўринадики, республикада 2021 йилда 78 269 та сув ресурсларидан фойдаланувчилар томонидан 6908,6 сув ҳажми млн.м³ сув ҳажми истеъмол қилинган бўлиб, тушган солиқ тушумлари 263 870,4 млн сўмлик солиқ тушган бўлса, 2022 йилдаги

¹⁰³ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

нормативлар бўйича кутилаётган солиқ тушумлари 1 273443,3 млн сўмни ташкил қилган ҳолда, сўнги тўққиз ойлик даврда 1009670,5 млн сўмлик солиқ тушган. Бу ердан кўринадики, 2022 йилда кутилаётган солиқ суммаси 1009572,9 млн сўмлик кўп ҳисобланган.

Шу билан биргаликда сув ресурсларини солиққа тортиш жараёнидаги **яна бир муаммо** шундан иборатки, бугунги кунда фойдаланилган сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги ахборотни шакллантирувчи ягона интеграциялашган маълумотлар базасини яратилмаганлиги сабабли ҳақиқий истеъмол этилган сув ҳажмига мос равишда солиқ суммаси ундирилмай қолиш ҳолатлари учраб турибди. Шундан келиб чиққан ҳолда бизнинг таклифларимиз асосида тажриба тариқасида Қашқадарё вилояти Касби туманининг сув кирувчи нуқталарига Австралиянинг Рубикон сувни ўлчаш ва бошқариш технологияларини ўрнатиш таклиф этилди.

3.3-жадвал.

Қашқадарё вилояти Касби тумани сув кириш нуқталарига Рубикон технологияларини ўрнатиш харажатлари бўйича ҳисоб-китоблари¹⁰⁴

(сўмда)

№	Номланиши	Сони	Нархи ҚҚС билан	
			Нархи 1 дона учун	Жами
1. Дастурий таъминот рухсатномаси (лицензия)				
1.1	SCADAConnect Module	* 56	6 840 600,0	383 073 600,0
	Жами			383 073 600,0
2. Ускуналар				
2.1	Магистрал қурилиш ускуналари			
	FGB-2268-2186	4	1 110 974 658,2	4 443 898 632,9
	FGB-2268-3038	1	1 973 440 229,3	1 973 440 229,3
	FGB-1180-1587	4	552 269 400,5	2 209 077 602,2
	FGB-1675-1587	1	591 896 470,6	591 896 470,6
	FGB-1675-1804	2	644 820 264,2	1 289 640 528,5
	Жами	12	4 873 401 022,9	10 507 953 463,5
2.2	Йўналтирувчи ускуналар			

¹⁰⁴ Ушбу ҳисоб-китоблар “ITU Uniservices” МЧЖ (“Rubicon water” компаниясининг Ўзбекистондаги ҳамкор корхонаси) ходимлари биргаликда Муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

	SMB-1050-2400	2	695 436 863,9	1 390 873 727,8
	SMB-0600-2400	4	506 671 959,9	2 026 687 839,7
	SMB-0750-2400	3	583 962 961,1	1 751 888 883,4
	PM-0450-1400	6	353 477 333,7	2 120 864 002,0
	Жами	15	2 139 549 118,6	7 290 374 452,9
2.3	Насос станциялари			
	Алоқа қурилмалари билан ўлчаш	27	144 801 820,8	3 909 649 161,6
	Жами ускуналар			21 707 917 078,0
	Жами ускуналар ва лицензия харажатлари			22 090 990 678,0
3	Хизматлар			
	Худудни ўрганиш	1	21 562 500,0	21 562 500,0
	Лойиҳалаш ва уни ҳисоб-китоб қилиш	1	275 625 000,0	275 625 000,0
	Қурилиш ишлари	27	56 000 000,0	1 512 000 000,0
	Ускуналарни ўрнатиш ва ишга тушириш	56	59 943 750,0	3 356 850 000,0
	Жами хизматлар учун			5 166 037 500,0
	Жами лойиҳа учун			27 257 028 178,0

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра Қасби туманидаги жами 56 та сув кириш нуқталарини рақамлаштириш учун 27,2 млрд.сўм маблағлар талаб этилади. Натижада туманда бир йилда 232,5 млн.м³ фойдаланилган сув ресурслари ҳисобга олиними ҳамда маҳаллий бюджетга 9,3 млрд.сўм кўшимча маблағлар тушиши таъминланиб, мазкур харажатлар 3 йилда қопланиши кўзда тутилмоқда. Келгусида ушбу амалиётни республиканинг барча худудларида жорий этиш орқали суғориш мақсадида ажратилган 38,4 млрд.м³ (амалда ҳисобга олинган ҳажмга нисбатан 5,6 баробарга кўп) сув ҳажмини тўлиқ ҳисобга олиш орқали сув солиғи тушумларини 1,5 трлн.сўмга етказиш мумкин.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда, 15 та (Австралия, АҚШ, Испания, Ҳиндистон ва ҳ.к.) давлатларнинг 1,5 миллион гектардан ортиқ ер майдонларида Рубикон технологиялари ўрнатилганлиги натижасида сув ҳажми 97,5 фоизга аниқ ҳисоб-китоб қилинишига, ресурслар сарфи 30 фоизга қисқартирилишига ҳамда йўқотиш кўрсаткичлари 10 фоизга (Ўзбекистонда 40 фоиз) туширилишига эришилган. Фикримизча, Қашқадарё вилояти Қасби туманининг сув кириш нуқталарини Австралиянинг Рубикон

замонавий ўлчов воситалари билан жиҳозлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, ваколатли органлар балансидаги сув олиш нуқталарининг сувни тақсимлаш ва ўлчаш ускуналари билан жиҳозланганлигини ҳамда сув истеъмолчилари томонидан фойдаланилаётган сув олиш манбаларининг тегишли рухсатномаларга эга эканлиги, уларнинг ўлчаш ускуналари билан жиҳозланганлиги ҳамда истеъмолчиларнинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини хатловдан ўтказиб, аниқ рўйхатини шакллантириш;

судан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли органлар ҳамда Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базасидаги юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги маълумотларни бирхиллаштириш;

онлайн маълумот узатувчи электрон сув ўлчагичлари ўрнатишнинг афзалликлари ва самарадорлиги бўйича сув истеъмолчилари ўртасида тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ташкил этиш;

ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда ер ости сувлари ва табиий сув объектларидаги сув ресурслари ҳисобини юритишни такомиллаштириш, ушбу жараёнларни босқичма-босқич онлайн юритилиши ва маълумотларни реал вақт режимида ягона ахборот тизимига узатилиши юзасидан тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш;

ар бир экин тури (*пахта, галла, сабзавот, полиз, шоли, мевали дарахт, ток ва бошқалар*) бўйича белгиланган сув ресурслари истеъмоли янги нормативларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги корхоналари учун сув ресурслари истеъмолининг вегетация ва новегетация даврлари, бошқа турдаги корхоналар учун сув ресурсларидан сув ўлчаш ускуналарисиз фойдаланилган давр учун белгиланган сув истеъмоли нормативлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси очик маълумотлар порталига жойлаштириш;

фойдаланилган сув ресурслари ҳажми тўғрисидаги ахборотни ягона интеграциялашган маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида ўз фаолияти доирасида тегишлилиги бўйича маълумотлар базасини яратиш;

кишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ҳақиқатда фойдаланилган ёки сув ресурсларини ҳисобга олиш воситалари мавжуд бўлмаган ҳолларда тасдиқланган сув ресурслари истеъмолининг нормативлари асосида ҳисобланган маълумотларни, келгуси йилда фойдаланиши кутилаётган (*лимитлар*) сув ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни, ўтган ҳисобот йили давомида ҳақиқатда фойдаланилган сув ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ёки сув ресурсларини ҳисобга олиш воситалари мавжуд бўлмаган ҳолларда тасдиқланган сув ресурслари истеъмолининг нормативлари асосида ҳисобланган маълумотларни Давлат солиқ қўмитасига дастурий маҳсуллар орқали электрон шаклда тақдим этишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз ва биз таклиф этаётган ушбу илмий-амалий таклифларимиз сув ресурсларидан самарали фойдаланишда солиқ тизимининг ижобий таъсирини оширишга хизмат қилади.

Диссертацион тадқиқотлар доирасида илмий таҳлилларимиз ва назарий мушоҳадаларимиз табиий бойликларни солиққа тортиш амалиётида энг кўп муаммолар бу ер қаъри бойликларидан фойдаланишни солиққа тортиш билан боғлиқ муаммолар эканлигини кўрсатмоқда.

Маълумки, солиқ тизимидаги ислохотларнинг мақсадларидан бири бу ҳам миллий, ҳам чет эл инвесторларини жалб қилиш орқали уларни солиқлар орқали рағбатлантириш ҳисобланади. Айни пайтга қадар амалда бўлган тизим инвестиция циклининг дастлабки босқичида катта солиқ юки қўлланилгани туфайли инвестиция киритишни бошқа мамлакатлардаги сингари самарали рағбатлантирмаган. Шунингдек асосий нефт ва газ конлари давлат улуши мавжуд корхоналар таркибида бўлиб, кам рентабелли ва тасдиқланган захираси узок йил муддатга етмайдиган конлар ишлаб чиқаришга жалб этилмасдан қолмоқда. Шу билан бирга, янги нефть ва газ қудуқлари учун юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар белгиланмаган бўлиб,

кудук фойдаланишга киритилган ойдан бошлаб дастлабки 2 йилда солиқдан озод қилишни назарда тутувчи нормалар мавжуд эмас.

Мазкур муаммонинг ечимлари сифатида янги нефт ва газ қудуқларининг – улар фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб икки йил муддатга ҳамда янги нефт ва газ қудуқларига нисбатан солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати тугагандан кейин уч йил давомида белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизга камайтириш, солиқ ставкаси қўллаш бўйича берган таклифлари Солиқ кодексининг 414 - моддасида тасдиқланиб, амалиётга жорий этилди. Бунинг натижасида эса янги конларни ўзлаштириш учун корхоналар ихтиёрида ўртача ҳисобда 134 млрд.сўм қолиши кутилмоқда.

Конлардан қазиб олинган фойдали қазилмалар саноат йўсинида қайта ишлатилгандан сўнг фойдали компонент ҳосил бўлмоқда. Солиқ тўловчилар тоифасини белгилашда такрорловчи нормалар мавжуд бўлиб, ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олишни ва техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олишни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар солиқ солиш мақсадида солиқ тўловчилар деб эътироф этилса бўлади. Шу сабабдан, фойдали компонент фойдали қазилманинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган таркибий қисми ҳисобланганлиги сабабли ушбу жумлани чиқариб ташлаш лозим. “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунига кўра фойдали компонент – фойдали қазилманинг саноат йўсинида ишлатиш мақсадида қазиб олиш технологик жиҳатдан мумкинлиги ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган таркибий қисми ҳисобланиши кераклиги бўйича берган таклифларимиз инобатга олинаб, Солиқ кодексининг 449-моддасидан фойдали компонентларни ажратиб олувчи ер қаъридан фойдаланувчилар жумласи чиқариб ташланди. Республикамиз ҳудудида ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олишни ва техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни солиқ тўловчилари деб эътироф этилиши таклифимиз давлат солиқ қўмитаси томонидан амалиётга жорий этилди.

Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг техник иқтисодий асос ҳужжатларида табиий йўқотиш нормалари белгиланган бўлади. Мазкур йўқотишлар тоифасига фойдали қазилмаларни қазиб олишдаги йўқотишлар, ташиш жараёнидаги йўқотишлар, дастлабки ишлов бериш ва қайта ишлаш жараёнидаги йўқотишлар киритилади. Углеводород хомашёсини қазиб олиш жараёнида газ, нефт ва газ конденсатининг табиий йўқолиши ва технологик жараёнлардаги йўқотишлар мазкур соҳадаги ваколатли органлар томонидан тасдиқланади. Бироқ амалиётда уларнинг нормалари солиқ базасини аниқлашда қўлланилмасдан қолмоқда. Технологик жараён якуний маҳсулот тайёр бўлгандан сўнг тугатилсада, солиқ базасини аниқлашда бошқа босқичлардаги йўқотишлар инобатга олинмасдан қолган.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш (ажратиб олиш) ва қайта ишлаш билан боғлиқ технологик цикл доирасида фойдали қазилмалар ҳажмини аниқлаштириш юзасидан берган таклифлари амалиётга жорий этилиб, бунда технологик йўқотишлар нормалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли орган томонидан, уларнинг йўқлигида эса – солиқ тўловчи томонидан тасдиқланиши назарда тутилган. Ушбу берилган таклиф асосида қазиб олиш, бирламчи ишлов бериш, қайта ишлаш ва транспортда ташиш доирасида юзага келадиган технологик йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда, нормалар доирасида, бундай нормалар мавжуд бўлмаганда эса солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нормалар доирасида аниқлаш таклиф этилади.

Инвесторларга капитал харажатларни қоплаш ва инвестициялар бўйича талаб қилинган даромадларни олиш имконини берадиган тизим яратилмаган. Солиқнинг паст ставкалари ва инвестицияларни қоплаш учун олинадиган даромадларнинг етарлилиги таркибида фойдали қазилмалар юқори бўлмаган конларни ишлашга рағбатлантирилиши, нархларнинг ошиши, даромадларнинг ошишидан олинган қўшимча даромадлар давлат ва инвесторлар ўртасида тақсимланиши лозим.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкасини камайтириш билан бир қаторда янги конларда нефть, табиий газ, газ конденсати, қимматбаҳо,

рангли, нодир ва радиоактив металлларни қазиб олишни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар учун рента даромади солиғи жорий этилмаган.

Муаммонинг ечими сифатида нефть, табиий газ, газ конденсати, кимматбаҳо, рангли ва (ёки) радиоактив металлларни, нодир элементларни ва нодир ер элементларини қазиб олувчи ва (ёки) уларни техноген минерал ҳосилалардан ажратиб олувчи, шунингдек, углеводород хом ашёсини қазиб олувчи юридик шахслар учун махсус рента солиғи жорий этиш таклиф қилинади. Рента солиғи ўрта муддатли истиқболда ўз натижаларини кўрсатиши, бунда у ер қаъридан фойдаланувчилар учун юк бўлмаслиги учун фақат барча капитал чиқимлар қоплангандан кейин тўланиши лозим. Мисол учун, инвестор геология-қидирув ишларига 100 млн АҚШ доллари эквивалентида инвестиция киритди. У фойда ҳисобидан уларни қопламагунча, рента солиғи тўламаслиги мақсадга мувофиқ. Шунингдек, рента даромади солиғи ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг паст ставкалари, геология-қидирувда бюджетга тўловларни минималлаштириш билан биргаликда инвесторларга капитал харажатларни қоплаш ва қўйилмалар бўйича талаб қилинган даромадларни олиш имконини бериши керак.

Хорижий инвесторларни қўллаб қувватлаш мақсадида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқини қўлга киритгунга қадар мазкур фаолият доирасида қилган харажатларини солиқ базасидан чегириши лозимлиги тўғрисида берган таклифлар амалиётга жорий этилиб, мазкур таклифлар асосида металлларни ёки углеводород хом ашёсини қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳуқуқи учун рухсатнома (лицензия) олинган санага қадар ҳақиқатда амалга оширилган ва тегишли лицензияланган участка билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар жумласига киритилди.

Ўрганилмаган ҳудудлар бўйича фойдали қазилмаларни аниқлаш ва разведка қилиш ҳуқуқи учун лицензия “биринчи келган - биринчи олади” тамойили бўйича берилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари истиқболли конлар бўйича аукцион, ўрганилган майдонлар бўйича - танлов савдолари ўтказилиши лозим. Шунингдек, танлов савдоларига нафақат геологик

Ўрганиш учун участкалардан фойдаланиш ҳуқуқини, балки тижорий салоҳиятга эга бўлган углеводородлар, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металллар ва бошқа турдаги рудали фойдали қазилмалар бўйича аввал ўрганилган ер қаъри участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳам қўйиш, танлов савдолари ташкилотчилари ёки иштирокчилари рента даромади солиғи бўйича ставкаларнинг оширилган миқдорини таклиф қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Чет эл инвестицияларини кенг жалб қилган ҳолда фойдали қазилма конларини саноат усулида ўзлаштириш, замонавий усуллар ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини янада такомиллаштириш, тижорат салоҳиятига эга бўлган углеводородлар, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металллар ва бошқа турдаги рудали фойдали қазилмалар объектлари бўйича геологик ўрганиш бундан ташқари, танлов савдолари ташкилотчиси ёки танлов савдолари иштирокчиларига фойдали қазилмаларни қазиб олишда айрим солиқ турлари бўйича солиқ ставкаларини оширилган миқдорда таклиф қилинди.

Ер қаъри участкаларини геологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида имзоли бонусларни тўлаш ва тасдиқланган конлар бўйича қазиб олиш ҳуқуқи вужудга келганда тижоратбоп топилма бонусини ундириш амалиёти хориж мамлакатларида аллақачон қайта қўриб чиқилган. Бунинг ўрнига геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови жорий қилинади. У ажратилган майдон ва фойдали қазилма турларидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади ва нисбатан катта бўлмайди. Геология-қидирув, изланиш ишлари ўтказиш қисмида ер солиғининг солиқ солиш объекти ҳисобланмаслиги лозим, бу эса ҳали ўрганилмаган ер қаъри участкаларида геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини амалга оширишни рағбатлантиради.

Ўрганилмаган ҳудудлар бўйича фойдали қазилмаларни аниқлаш ва разведка қилиш ҳуқуқи учун лицензия “биринчи келган - биринчи олади” тамойили бўйича берилиши лозим. Геология-қидирув ўтказиш учун ажратилган ер участкалари юридик шахслардан олинadиган ер солиғи солиш объекти ҳисобланмаслиги ажратилган майдон ва фойдали қазилма турларидан келиб

чиқиб лицензия тўлови жорий қилиниши, геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови республика бюджетига – 70 %, вилоят маҳаллий бюджетига-15 %, туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига -15 % йўналтириш таклифи белгиланди. Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Геология-қидирув ишларини янада рағбатлантириш ва ер қаъридан фойдаланувчиларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ишлаб чиқилишида инобатга олинди ҳамда амалиётга жорий қилинди.

Дарёлар, сойлар, жилғалар ва кўллар муҳофаза ҳудудларини ва ўзанларини тозалаш бўйича ишларни самарали ташкиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурати мавжуд. Амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан норуда фойдали қазилмалар мавжуд жойларда ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлмаган субъектлар томонидан ўзанларни тозалаш ишлари жараёнида ноқонуний тарзда қум-шағал материалларини қазиб олиш ишлари давом этмоқда. Қонунчиликда мавжуд бўшлиқлар дарёлар ўзанлари ва сувни муҳофаза қилиш зоналари, кўллар, сув омборлари, каналлар, коллекторлар ва бошқа сув объектларини тозалаш, шунингдек, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишда қум-шағал материалларини рухсатсиз қазиб чиқариш учун шарт-шароитлар яратмоқда. Ўз навбатида, қум-шағал материалларининг рухсатсиз қазиб чиқарилиши аксарият ҳолларда ер усти ва ер ости сувлари камайиб кетиши, сувни муҳофаза қилиш зоналари ботқоқлашиши ва ифлосланиши, уларнинг қирғоқлари, суғориш тизимлари, транспорт ва гидротехника инфратузилма объектларининг бузилишига, шунингдек, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Самарқанд вилояти ҳудудидаги барча норуда фойдали қазилмалар конларида автоматлаштирилган назорат тизимини жорий қилиш ҳамда ер қаъридан қазиб олинган норуда фойдали қазилмалар автотранспорт воситаларида ташилиши таҳлилини, ташиш ҳужжатларидаги юкни жўнатувчилар ва олувчилар, юклар жўнатиладиган норуда фойдали қазилмаларнинг ҳар бир турининг номи ва

миқдори тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашни назарда тутувчи “Норуда фойдали қазилмаларни назорат қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизимини давлат хусусий шериклик асосида ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифи солиқлар ва йиғимлар тушуми прогнозининг ишлаб чиқишига имконият берди. Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Норуда фойдали қазилмалардан самарали фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 2 август кунги 483-сон қарорида инобатга олинган.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш даврида компанияларнинг солиқ солиш режими ўзгариши лозим. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари сақланиб қолади, бироқ киритиладиган ўзгартиришлар лойиҳаси энг кўп инвестициялар талаб қиладиган фойдали қазилмалар турлари бўйича ставкаларни жиддий камайтирилиши, масалан, газ бўйича улар 3 баравар (30%дан 10%гача), нефть бўйича - 2 баравар (20%дан 10%гача), олтин ва мис бўйича - 30%га, уран бўйича - 20%га камайтирилиши, бу ер қаъридан фойдаланувчининг оширилган чиқимларни талаб қиладиган фойдали қазилмаларни қазиб олиш имкониятига эга бўлиши учун амалга оширилиши зарур. Юқори солиқ ставкаларида у ўз харажатларини оқлаш учун табиий ресурсларни фақат таркибида юқори даражада фойдали қазилмалар бўлганда ишлатишга ҳаракат қилади. Ставкаларнинг камайтирилиши самараси камроқ бўлган конларнинг рентабеллигини оширади. Бунда ставкалар бошқа мамлакатларда белгиланган ставкалар билан рақобатлашиши мумкин. Танлов савдолари ташкилотчилари ёки иштирокчилари рента даромади солиғи бўйича ставкаларнинг оширилган миқдорини таклиф қилиш ҳуқуқига эга бўлиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Демак, юқоридаги амалга оширган илмий таҳлиллар шундан далолат ва илмий хулосаларни берадики, бугунги кунда амалдаги солиқ тизими доирасида амалга оширилаётган солиқ маъмурчилиги ҳамда солиқ ундириш механизмлари табиий бойликлардан самарали фойдаланишда солиқларнинг таъсирчанлиги солиқларнинг адолатлилик тамойили жиҳатдан етарли эмас. Бу эса, юқоридаги

аниқланган илмий-амалий муаммоларнинг ечимларига қаратилган илмий таклифларни амалиётга жорий этилиши ўз мазмунига эга бўлиб, уларнинг аксарияти бугунги кунда жорий қилиниши натижасида ижобий самарасини бера бошлади.

3-боб бўйича хулоса

Дунёнинг аксарият давлатларнинг иқтисодий сиёсатида мамлакат иқтисодий тараққиётини белгиловчи муҳим стратегик табиий бойликлардан миллий иқтисодиёт манфаатлари йўлида мақсадли ва самарали фойдаланишга устуворлик берса, бошқа томондан бу мақсадга эришишнинг молиявий инструментларидан кенг фойдаланишга ҳам кенг эътибор бериб келинмоқда. Бу молиявий инструментлардан энг муҳимларидан ва самарали воситалардан бири сифатида солиқ тизими юзага чиқади. Хориж давлатларида бу табиий ресурсларни солиққа тортишда айнан уларнинг хусусиятлари билан биргаликда давлат бюджетининг манфаатлари ҳам ҳисобга олинади. Жаҳон мамлакатлар тажрибасида ер қаъри бўлган бойликлар бўлган табиий ресурсларга оид иқтисодий сиёсати ва унинг асосий бўғини бўлган солиқ сиёсатининг умумий йўналишларида худди Ўзбекистондаги амалиётга хос хусусиятларни кўриш мумкин.

Ер қаъридан фойдаланиш ер ва сув қаби ресурсларидан фарқли равишда маълум бир ўзига хос мураккабликка эга ишлаб чиқаришни талаб этади, шунга мос ишлаб чиқариш технологияларни талаб қилади, ўз навбатида техник мутахассисларга ҳам эҳтиёж туғилади, яъни, соддароқ қилиб айтганда сув ва ер ресурсларидан фойдаланишдан кўра ер қаъридан фойдаланиш даражаси мураккабликка ҳамда махсус рухсатномаларни ҳам талаб қилади. Айнан бу хусусиятлар жаҳон давлатларида табиий бойликларни солиққа тортишда ва солиқ тизимининг ролини белгилашда ўзига хос йўналишларни тавсифлайди.

Олинган илмий хулосаларга таяниб табиий бойликларни самарали фойдаланишда солиққа тортиш механизмларининг қўлланилишида бир қатор илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни аниқладик ҳамда амалдаги

жараёни янада такомиллаштириш зарурати туғилганлигини ҳам таъкидлаш мумкин.

Бугунги кунда амалдаги солиқ тизими доирасида амалга оширилаётган солиқ маъмурчилиги ҳамда солиқ ундириш механизмлари табиий бойликлардан самарали фойдаланишда солиқларнинг таъсирчанлиги солиқларнинг адолатлилик тамойили жиҳатдан етарли эмас. Бу эса, юқоридаги аниқланган илмий-амалий муаммоларнинг ечимларига қаратилган илмий таклифларни амалиётга жорий этилиши ўз мазмунига эга бўлиб, уларнинг аксарияти бугунги кунда жорий қилиниши натижасида ижобий самарасини бера бошлади.

Хулоса

Диссертацион тадқиқот ишимиз доирасида амалга оширган илмий-назарий таҳлилларга таянган ҳолда бир қатор илмий хулосаларни шакллантириш ҳамда илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Табиий бойликлар ва улардан фойдаланиш учун мажбурий тўловларнинг ижтимоий-иқтисодий асослари иқтисодий, ҳуқуқий, техник ва ижтимоий асосларга эга бўлиб, бу асослар дунёнинг аксарият давлатларида табиий бойликларга нисбатан техник, иқтисодий, ҳуқуқий, социал муносабатлар юзага келтирилган ҳолда, унинг муҳим йўналишлари сифатида табиий бойликлар билан боғлиқ мажбурий тўловларни жорий қилиш, уни амалга ошириш ҳамда уни зарурат сифатида такомиллаштириб бориш каби жараёнлар ташкил этади.

2. Дунёда энг глобал муаммолардан бири бу табиий бойликлар чекланганлик шароитида аҳолининг турли хил эҳтиёжларини қондириш, мамлакатларнинг социал-иқтисодий ривожланишини таъминлаш йўлида табиий ресурслардан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш масалалари бўлиб, бу йўналишда турли хил молиявий инструментлардан фойдаланишни тақозо этади. Бу каби молиявий инструментлардан бири бу солиқ тизими бўлиб, давлат ўзининг молиявий сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда чекланган табиий бойликларни асраб авайлаш, улардан

мамлакат тараққиёти учун самарали фойдаланиш мақсадида мажбурий тўловлар тактикасини пухта ва самарали бўлишига алоҳида эътибор қаратиш зарурати юзага келмоқда. Шу жиҳатдан олганда, солиқ тизимининг муҳим вазифаларидан бири сифатида табиий бойликлардан фойдаланувчиларидан самарали фойдаланишга ундовчи (мажбурловчи) ва жамиятнинг иқтисодий ҳамда социал манфаатлари доирасида мақсадли фойдаланишни таъминлаш бўлмоғи лозим.

3. Янги нефть ва газ қудуқларининг — улар фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб икки йил муддатга ҳамда янги нефть ва газ қудуқларига нисбатан солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати тугагандан кейин уч йил давомида белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизга камайтирилган солиқ ставкасини қўллаш ер қаъридан фойдаланишда солиқ тўловчиларнинг инвестицион фаолиятини рағбатлантириш орқали солиқ тизимининг ижобий таъсирини ошишига олиб келади.

4. Қазиб олинган фойдали қазилманинг ҳажми қазиб олиш, бирламчи ишлов бериш, қайта ишлаш ва транспортда ташиш доирасида юзага келадиган технологик йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда, нормалар доирасида, бундай нормалар мавжуд бўлмаганда эса солиқ тўловчи томонидан тасдиқланган нормалар доирасида аниқланиши, солиқ тўловчиларга берилган ер участкалари доирасида қазиб олинган (ажратиб олинган) ҳамда шахсий хўжалик ва маиший эҳтиёжлари учун фойдаланилган, кенг тарқалган фойдали қазилмалар, дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари натижасида қазиб олинган (ажратиб олинган) норуда фойдали қазилмаларни солиқ солиш объектидан чиқариш бу борада солиқларнинг адолатлилик принципларининг амал қилишини таъминлайди.

5. Геология-қидирув ўтказиш учун ажратилган ер участкалари юридик шахслардан олинадиган ер солиғи солиш объекти ҳисобланмаслиги ажратилган майдон ва фойдали қазилма турларидан келиб чиқиб лицензия тўлови жорий қилиниши, геологик ўрганишлар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун ҳар йиллик лицензия тўлови республика бюджетига – 70 %, вилоят маҳаллий бюджетига-15 %, туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига -15 % йўналтирилиши солиқ тўловчиларнинг

бир объект доирасида иккита солиқ тури бўйича солиқ тўловчи бўлиб қолиш хавфини камайтиради ва солиққа тортиш механизмининг самарадорлигига эришилади.

6. Сув истеъмолчилари томонидан фойдаланилган сув ҳажми тўғрисида истеъмолчилар кесимидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида сув иншоотларига илғор жаҳон стандартлари асосида ишловчи сувни ўлчаш ва бошқаришнинг замонавий технологияларини жорий этиш натижасида орқали сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни оптимал ундириш механизмлари яратилади.

7. Фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғи жорий этиш ҳамда фойдали қазилмаларни қазиб олганлик учун махсус рента солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини амалиётга жорий қилиш ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ундириш ҳамда табиий бойликлардан самарали фойдаланишнинг таъсирчанлигини оширади.

8. Барча турдаги сув истеъмолчилари учун мажбурий бўлган “Сувдан фойдаланиш тўғрисидаги ягона йиллик ҳисобот шакли”дан фойдаланиш сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ундиришда солиқ маъмурчилигининг самараси ошишига хизмат қилади.

9. Самарқанд вилояти ҳудудидаги барча норуда фойдали қазилмалар конларида автоматлаштирилган назорат тизимини жорий қилиш ҳамда ер қаъридан қазиб олинган норуда фойдали қазилмалар автотранспорт воситаларида ташилиши таҳлилини, ташиш ҳужжатларидаги юкни жўнатувчилар ва олувчилар, юклаб жўнатиладиган норуда фойдали қазилмаларнинг ҳар бир турининг номи ва миқдори тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашни назарда тутувчи “Норуда фойдали қазилмаларни назорат қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизимини давлат-хусусий шериклик асосида ишлаб чиқиш норуда фойдали қазилмалардан ундириладиган солиқ тушумларининг йиғилувчанлигини оширади.

10. Ҳар бир қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилма бўйича пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини натурада

ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали алоҳида аниқлаш ҳамда қазиб олинган фойдали қазилмадан шахсий ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун қисман фойдаланилган тақдирда, солиқ базаси қазиб олинган фойдали қазилманинг бутун ҳажми ҳисобида, ушбу фойдали қазилманинг ўртача олинган реализация қилиш баҳосида, фойдали қазилмани реализация қилишнинг ўртача олинган нархидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш услуги ёти ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ базасини тўғри аниқлаш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Ўзбекистон Республикаси 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни билан тасдиқланган.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган (ўз кучини йўқотган).

1.5. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-713-сонли Қонуни билан тасдиқланган.

1.6. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги ЎРҚ-598-сонли Қонуни билан тасдиқланган.

1.7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1996 йил 29 августдаги ЎРҚ-256-сонли Қонуни билан тасдиқланган.

1.8. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-454-сонли “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни.

1.9. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августдаги ЎРҚ-666-сонли “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни.

1.10. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда ЎРҚ-831-ХП-сонли “Ер солиғи тўғрисида”ги Қонуни.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сонли “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сонли “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 июлдаги ПФ-6029-сонли “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5996-сонли “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик

субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 апрелдаги ПФ-5986-сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

1.16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

1.17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони

1.18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони.

1.19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

1.20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сонли “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

1.21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

1.22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги ПФ-1154-сонли “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

1.23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 ноябрдаги ПҚ-5274-сонли “Маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан солиқларни тўлашни кечиктириш механизмларини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори.

1.24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4819-сонли “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси хузуридаги кадастр агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

1.25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сонли “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

1.26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020–2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги Қарори.

1.27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги ПҚ-3756-сонли “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

1.28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.

1.29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори.

1.30. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 544-сонли “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги Қарори.

1.31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 августдаги 666-сонли “Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

1.32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 29 июндаги 445-сонли “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

1.33. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон Қарори билан тасдиқланган.

1.34. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сонли Қарори билан тасдиқланган.

1.35. “Солиқ солиш мақсадида жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқида тегишли бўлган нотурар кўчмас мулк объектларининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 июлдаги 561-сонли қарорига 1 илова.

1.36. “Солиқ солиш мақсадида жисмоний шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларининг, турар жой фондининг кадастр қийматини ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 декабрдаги 1043-сонли қарорига 1 илова.

1.37. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва 2021 йил

учун Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Хулосаси.

1.38. “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йилдаги ижроси тўғрисида”ги ҳисобот бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Хулосаси.

1.39. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2020 йил 1 майдаги 01/11-15/62 сон буйруғи. Ўзбекистон Республикасининг 8 сонли “Кўчмас мулкни баҳолаш” ягона миллий баҳолаш стандарти. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 4 июнда 3239-сон билан рўйхатга олинган.

2. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. Almy, R.A. Survey of property tax systems in Europe / R. Almy // Report prepared for Department of taxes and customs, The Ministry of Finance, Republic of Slovenia, 2001. – 122 p.

2.2. Ambagtsheer-Pakarinen, L. Denmark – Corporate Taxation / L. Ambagtsheer-Pakarinen. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Denmark

2.3. Anderson, J.E. Income Based Property Tax Relief: Circuit Breaker Tax Expenditures. Public Finance and Management, 2014. 14.2, – 245 pp.

2.4. Arnott, R. The property tax as a tax on value: deadweight loss / R. Arnott, P. Petrova // NBER. 2002. 8913. – 41 pp.

2.5. Bendick, Jr.M. Designing Circuit-breaker Property Tax Relief. National Tax Journal, 1974. – 19-28 pp.

2.6. Blochliger, H. Reforming the Tax on Immovable Property: taking care of the unloved / H. Blochliger. – OECD Economics Department Working Papers

2.7. Burg, P. France – Corporate Taxation / P. Burg. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – France

2.8. Cadosch, R. Switzerland – Corporate Taxation / R. Cadosch. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Switzerland

2.9. Cannaday, R.E. Property Tax Assessment: Measures and Tests of Uniformity Applied to Chicago Condominiums / R.E. Cannaday, Illinois Business Review. 1997. 44.2, – 9-13 pp.

2.10. Conzales-Cotera, A. Spain – Corporate Taxation / A. Conzales-Cotera, J. Rubio Hipola. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Spain

2.11. Doherty, P. Collection of Local Taxes. Journal of Property Tax Assessment and Administration, 1999. 4.3, – 31-40 pp.

2.12. Doom-Olejnicka, M. Poland – Corporate Taxation / M. Doom-Olejnicka. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Poland

2.13. Dyakova, E.B., Basangova D.V., Ermochenko O.N., & et al. The introduction of real estate tax: problems and prospects. Volgograd: Volgograd State University Publ, 2013. – 135 p.

- 2.14. Fischel, W.A. Zoning and Land Use Regulation / W.A. Fischel // Encyclopedia of Law and Economics. – Aldershot: Edward Elgar and the University of Ghent, 1998. 2, – 403-442 pp.
- 2.15. Furuseth, E. Norway – Corporate Taxation / E. Furuseth. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Norway
- 2.16. Gallo, G. Italy – Corporate Taxation / G. Gallo. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Italy
- 2.17. Gutierrez, C. Chile – Corporate Taxation / C. Gutierrez. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses Chile
- 2.18. Hamilton, B.W. Zoning and property taxation in a system of local governments / B.W. Hamilton // Urban Studies. –1975. 12, – 205-211 pp.
- 2.19. Harberger, A.C. The Incidence of the Corporation Income Tax / A.C. Harberger // Journal of Political Economy. 1962. 70.3, – 215-240 pp.
- 2.20. Herm, M. Estonia – Corporate Taxation / M. Herm. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Estonia
- 2.21. Johannesson-Linden, A., Gayer, C. Possible reforms of real estate taxation: Criteria for successful policies. 2012. – 119 p.
- 2.22. Kitchen, H. Property Tax: A Situation Analysis and Overview. A Primer on Property Tax Administration and Policy, 2013.
- 2.23. Maher, A. Slovenia – Corporate Taxation / A. Maher. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Slovenia
- 2.24. Mieszkowski, P.M. The incidence of the local property tax: a revaluation / P.M. Mieszkowski // NBER. – Working paper, 1984. № 1485. – 19 p.
- 2.25. Mill, John Stuart Principles of Political Economy with Some of their Applications to Social Philosophy. London: John W. Parker, retrieved 2012.
- 2.26. Mkrtchyan, T. Czech Republic – Corporate Taxation / T. Mkrtchyan. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Czech Republic
- 2.27. Morett, M.E. Mexico – Corporate Taxation / M.E. Morett, F.L. Cepeda. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Mexico
- 2.28. Netzer, D. Economics of the property tax / D. Netzer. Washington: Blockings Inst.
- 2.29. Norregaard, M.J. Taxing Immovable Property Revenue Potential and Implementation Challenges / M.J. Norregaard – International Monetary Fund. 2013.
- 2.30. Oates, Wallace E. “The Effects of Property Taxes and Local Public Services on Property Values: An Empirical Study of Tax Capitalization and the Tiebout Hypothesis.” Journal of Political Economy, 1969. 77, – 957-971 pp.
- 2.31. Obuoforibo, B. United Kingdom – Corporate Taxation / B. Obuoforibo. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – United Kingdom
- 2.32. Oliveira, Braga, T. Portugal – Corporate Taxation / T. Oliveira Braga. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Portugal
- 2.33. Ostaszewska, O. Ireland – Corporate Taxation / O. Ostaszewska. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Ireland
- 2.34. Perdelwitz, P. Germany – Corporate Taxation / P. Perdelwitz. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Germany

- 2.35. Revenue Statistics / The official website of OECD, 2014.
- 2.36. Saw, R. Korea (Rep.) – Corporate Taxation / R. Saw. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Korea (Rep.)
- 2.37. Simon, H. The Incidence of a Tax on Urban Real Property. Quarterly Journal of Economics, 2015. – 398-421 pp.
- 2.38. Slack, E. 1989. An Analysis of Property Tax Relief Measures and Phase-in Mechanisms. Toronto: Task Force on Reassessment in Metropolitan Toronto, mimeograph.
- 2.39. Slack, E. The Political Economy of property Tax Reform / E. Slack, R. Bird. – OECD Working Papers on Fiscal Federalism. 2014.
- 2.40. Slack, E., Bird, R. The Political Economy of Property Tax Reform. OECD Working Papers on Fiscal Federalism, №18. OECD Publishing, 2014.
- 2.41. Tiebout, C.M. A pure theory of local expenditures / C.M. Tiebout. – The journal of political economy.
- 2.42. Torma, L. Hungary – Corporate Taxation / L. Torma. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Hungary
- 2.43. Tulakov, U.T., Methodological aspects of strategizing the evaluation of land in the taxation of real estate on the basis of cadastre value. Journal of Management Value & Ethics, 2021. 22 (4), – 6-14 pp.
- 2.44. To‘lakov, U.T. Soliqlar va soliqqa tortish: O‘quv qo‘llanma / U.T.To‘lakov, S.K.Xudoyqulov umumiy tahriri ostida. –Termiz: TerDU nashrmatbaa markazi, 2021. – 360 b.
- 2.45. Tulakov, U.T., Features of Real Estate Tax in Uzbekistan as a Developing Country. International Conference on Applied Sciences, 2021. 548, – 214-220 pp.
- 2.46. Tulakov, U.T., Radical reform of the labour payment system in Uzbekistan. Online – conferences platform, 2021. – 101-103 pp.
- 2.47. Tulakov, U.T., The problems of determining the cadastre value of land in taxation of real estate. In Euro-Asia Conferences, 2021. 4(1), – 96-99 pp.
- 2.48. Tulakov, U. T., & Xudayarova, Z. Y. Prospects for property tax development. Central Asian journal of innovations on tourism management and finance, 2021. 2(6), – 66-71 pp.
- 2.49. Tulakov, U.T., & Ismoilov, Sh., Bases of real estate taxation in Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 2020. 24(6), 2109-2114 pp.
- 2.50. Tulakov, U.T., & Boypulatov, A. The new preliminary development of the tax system of the republic of Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Management and Social Sciences, 2019. 8(5), – 98-105 pp.
- 2.51. Tulakov, U.T., The role of taxes in the economic development of the country. Internauka, 2019. 2(24), – 49-50 pp.
- 2.52. Tulakov, U.T., The tax system of the Republic of Uzbekistan is at a new stage of development. Service Scientific-Practical Journal, 2019. 1(3), – 142-145 pp.
- 2.53. Tulakov, U.T., Prospects for the development of recreational tourism in the Republic of Uzbekistan. Modern innovations, 2018. 2(24), – 46-49 pp.

2.54. Verschueren, C. Luxembourg – Corporate Taxation / C. Verschueren et al. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Luxembourg

2.55. Yinger, John. Housing and Commuting: The Theory of Urban and Residential Structure. E-book version 1.4. Syracuse, NY: Maxwell School, Syracuse University, 2006.

2.56. Youngman, J.M. Tax on Land and Buildings. Tax Law Design and Drafting, 1996. – 120 p.

2.57. Абдурахманов, О.К. Налоговые системы стран с переходной экономикой: Монография. – М.: Издательство “Палеотин”, 2005. – 376 с.

2.58. Алимов, Р.Х., Беркинов, Б.Б. ва бошқалар. Кўчмас мулкни баҳолаш. – Фан. – Т.: 2005. – 17 б.

2.59. Алиев, Х.Б. Развитие налогообложения недвижимого имущества физических лиц в Российской Федерации: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Алиев Хаджимурад Басирович. – Махачкала, 2012. – 169 с.

2.60. Алтиев, А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация, 2018.

2.61. Альмардонов, М. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга солиқ тизимининг таъсири: Монография. – Т.: ТМИ, 2003. – 233 б.

2.62. Асаул, А. Экономика недвижимости: Учебник для вузов. 3-е изд. Стандарт третьего поколения. – СПб.: Питер, 2013. – 416 с.

2.63. Батура, О.В., Шавров, С.А., Косенкова, Ю.Ю. Зарубежный опыт налогообложения недвижимости // Экономика и экономические науки. 2014. – №4.

2.64. Генри, Ж. “Прогресс и бедность” / Генри Жорж. перевод с английского С.Д.Николаева San Francisco, 1879. С. – Петербург, 1896. – 600 с.

2.65. Герасин, С.И. Проблемы формирования единого объекта недвижимости в Российской Федерации // Право собственности на землю в России и ЕС: правовые проблемы: сборник статей. М.: Волтерс Клувер, 2009. – 191-196 с.

2.66. Грибовский, С.В., Лейфер Л.А., Нейман Е.И. О концепции оценки недвижимости для целей налогообложения // Имущественные отношения в Российской Федерации. 2010. – №5.

2.67. Григорева, Л.Г. Налогообложение объектов недвижимости в России и за рубежом // М.: Российская газета. 2017. – №11, –80 с.

2.68. Дементьева, М.А., Захарова, А.В., Кирова, Е.А. Опыт налогообложения недвижимого имущества физических лиц в зарубежных странах и его применение в России // Вестник ГУУ. 2019. – №1.

2.69. Дрожжина, И.А. Формирование системы налогообложения объектов недвижимости на основе дифференцированного подхода: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Дрожжина Ирина Алексеевна. –Орел, 2005. –188 с.

2.70. Егоров, Е.В. Проблемы определения кадастровой стоимости земли при имущественном налогообложении // Молодой ученый. 2019. –№ 25 (263), –200-202 с.

- 2.71. Жўраев, А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари: Монография. – Т.: Фан, 2004. – 243 б.
- 2.72. Кенэ, Ф. Физиократы. Избранные экономические произведения / Ф. Кенэ, А.Р.Тюрго, П.С. Дюпон де Немур. –М.: Эксмо, 2008. –1200 с.
- 2.73. Куприянов, В.А. Анализ зарубежного опыта налогообложения объектов недвижимости, 2020. – 5 с.
- 2.74. Қузиева, Н. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизми такомиллаштириш йўллари. Т.: “Iqtisodmoliya”, 2006, – 296 б.
- 2.75. Лапшина, А.С. Совершенствование налогообложения имущества физических лиц на основе государственной кадастровый оценки объектов жилой недвижимости. Ростов-на-Дону, 2018. –169 с.
- 2.76. Логинова, Т.А. Концептуальные подходы к налогообложению недвижимого имущества и их реализация в налоговых системах стран ОЭСР и Российской Федерации, Налоги и налогообложение, 2017. – №9, –1–14 с.
- 2.77. Логинова, Т.А. Стратегия развития налогообложения недвижимого имущества в Российской Федерации: дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.10 / Логинова Татьяна Александровна. – М.:, 2018. – 227 с.
- 2.78. Логинова, Т.А. Реформирование налогообложения недвижимого имущества в России и в зарубежных странах // Проблемы Науки. 2016. – №36. – 78 с.
- 2.79. Лукова, Л.Н., Букина, И.С. Налоговые системы зарубежных стран: учебник для бакалавриата и магистратуры. Юрайт. 2017. –428 с.
- 2.80. Майбурова, И.А., Иванова, Ю.Б., Тарангул, Л.Л. Экономика налоговых реформ. Монография. – К.: Алерта, 2013. – 432 с.
- 2.81. Маманазаров, А.Б. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг ролини ошириш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: БМА, 2002. – 22 б.
- 2.82. Маргулис, Р.Л. Совершенствование налогообложения недвижимого имущества физических лиц: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Маргулис Роман Львович. – М.: 2010. – 187 с.
- 2.83. Маршалл, А. “Принципы экономической науки” / А. Маршалл. – М., Издательская группа “Прогресс”, 1993. – 350 с.
- 2.84. Мисник, Г. А. Кадастровый учет недвижимого имущества : вопросы и ответы / Отв. ред. Г. А. Мисник. – М.: Статут, 2015. – 176 с.
- 2.85. Михасева, Е.Н. Формирование и развитие системы налогообложения недвижимости в России: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Михасева Елена Николаевна. Волгоград, 2008. – 156 с.
- 2.86. Михина, Е.В. Налог на недвижимость и перспективы его развития в регионе: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Михина Елена Владимировна. – М.: 2005. – 250 с.
- 2.87. Мишустин, М.В. Стратегия формирования имущественного налогообложения в России: дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.10 / Мишустин Михаил Владимирович. – М.: 2010. – 417 с.

2.88. Ниязметов, И.М. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2018. – 40 б.

2.89. Павлова, В.А. Концепция кадастровой оценки земель как основа налогообложения недвижимости // Имущественные отношения в РФ. 2012. – №7.

2.90. Пансков, В.Г. Принцип справедливости и его отражение при налогообложении физических лиц в российской налоговой системе / В.Г. Пансков // Этап: экономическая теория, анализ, практика. 2016. – №3. 58–72 с.

2.91. Петти, У. Трактат о налогах и сборах. – М.: Ось-89, 1997. – 346 с.

2.92. Пылаева, А.В. Совершенствование системы налогообложения в условиях развития кадастровой оценки недвижимости: диссертация... кандидата экономических наук: 08.00.10 / Пылаева Алена Владимировна. – Нижний Новгород, 2010. – 181 с.

2.93. Рикардо, Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Избранное / Д. Рикардо. – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.

2.94. Рысалиева, М.Ш. Совершенствование земельного налогообложения в Кыргызской Республике на современном этапе. Евразийское научное объединение, 2020. – 1-3 (59), – 239-241 с.

2.95. Самуэльсон, Пол А. “Экономика” / Пол А. Самуэльсон, Вильям Д. Нордхаус. – 18-е издание: пер. с англ. – М.: ООО “И.Вильямс”, 2007. – 1360 с.

2.96. Сариева, А.К., Каракаева, Е.У., Тикова, З.З. Опыт налогообложения объектов недвижимости в развитых странах // Вестник Адыгейского государственного университета. Экономика. 2018. – №4, – 230 с.

2.97. Ситдикова, Л.Р., Кадастровая оценка земельных участков. Экономические науки, 2016. – 47, – 1-4 с.

2.98. Смирнов, Д.А. Теория и методология имущественного налогообложения: дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.10 / Смирнов Денис Александрович. – М.: 2010. – 392 с.

2.99. Смит, А. Исследование о природе и причинах богатства народов / А. Смит. – М.: Эксмо, 2007. – 496 с.

2.100. Стегниенко, Е.С. Единый налог на недвижимое имущество как фактор устойчивого развития территорий // Вестник СГУГиТ, 2019. – №3.

2.101. Сулин, М.А., Павлова, В.А. Общая парадигма оценки объектов недвижимости. Известия Санкт-Петербургского государственного аграрного университета, 2012. – 27, – 242-245 с.

2.102. Тошматов, Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2008. – 204 б.

2.103. Тошмурадова, Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2002. – 128 б.

2.104. Тургенев, Н.И. Опыт теории налогов / соч. Николая Тургенева. – СПб.: тип. Н. Греча, 1818. – 368 с.

2.105. Тулаков, У.Т., Результаты налоговых реформ, осуществляемых в Узбекистане. Экономика и бизнес: теория и практика, 2020. (3-2), – 190-194 б.

2.106. Тўлаков, У.Т., Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни такомиллаштириш. “Логистика ва иқтисодиёт” илмий электрон журнали, 2021. – 1(2), – 425-435 б.

2.107. Умаров, Б. Корхоналар мол-мулкни солиққа тортиш механизмидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати. –Т.: 2002. – 22 б.

2.108. Харрисон, Ф. Налоги и рынок. Мертвый груз экономики / Ф. Харрисон, Г. Титова, Т. Роскошная. – СП.: Фонд Земля и благосостояние общества, 1999. – 62 с.

2.109. Худойкулов, С. К., Тўлаков, У.Т., Ўзбекистонда кўчмас мулкни солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш. Молия ва банк иши илмий журнали, 2020. – 1(6), – 151-160 б.

2.110. Чистозвонов, А. Налог на доходы физических лиц / А. Чистозвонов, К. Толченкин // Ваш правовой гарант. 2006. – №9.

2.111. Шаталова, С.С., Корытин, А.В. Совершенствования механизма налогообложения недвижимости физических лиц // Российское предпринимательство. – М.: 2016. – 77 с.

2.112. Шаталова, С.С., Корытин, А.В. Совершенствование льгот по налогу на имущество физических лиц // Российское предпринимательство. 2015. – 16, – №24.

2.113. Ширшикова, Л.А., Ефанова, Д.А. К вопросу о государственной кадастровой оценке земельных участков: недостатки и пути решения. Молодой ученый, 2015. –21, – 512-516 с.

2.114. Шурдумова, Э.Г., Байзулаев, С.А., Шагирова, Л.А., Бухурова, Л.Х. Оптимизация налоговых доходов бюджетов муниципальных образований. Вектор экономики, 2018. –12 (30), – 53 с.

2.115. Эккерт, Д. Организация оценки и налогообложения недвижимости // – М.: РОО Академия оценки Стар Интер. Том 1.

2.116. Янжул, И.И. Основные начала финансовой науки: Учение о государственных доходах / И.И. Янжул. – М.: “Страут”, 2002. – 555 с.

2.117. Яхёев, Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003. – 247 б.

3. Фойдаланилган бошқа адабиётлар.

3.1. Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 2019 йил 24 апрелдаги 20 йиғилиши баённомасини бажариш учун Дастурларни амалга ошириш бўйича тадбирлар режаси.

3.2. Налоговый кодекс Российской Федерации (часть вторая) от 05.08.2000 № 117-ФЗ (ред. от 27.11.2018) // Собрание законодательства РФ. 07.08.2000. – №32, – 3340 с.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг ахборотномаси.

3.4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йилдаги фаолият натижалари.

3.5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж-1-32. А-Ҳ. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006.

3.6. Солиқлар (изоҳли луғат) / Т.Тошмуродов. -Т.: Мехнат, 2003. –184 б.

3.7. <http://www.doingbusiness.org> – (Doingbusiness – бизнес юритиш лойиҳаси).

3.8. <https://www.indexmundi.com> – (IndexMundi – бир нечта манбалардан тузилган батафсил мамлакат статистикаси, диаграммалар ва хариталарни ўз ичига олган сайт).

3.9. <https://taxfoundation.org> – (Солиқ фонди – Вашингтондаги таҳлил маркази).

3.10. <https://www.nalog.gov.ru> – (Россия Федерациясининг Федерал солиқ хизмати).

3.11. <https://davreestr.uz> – (Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестри).

3.12. <https://kadastr.uz> – (Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлиги сайти).

3.13. <http://www.gov.uz> - (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати расмий сайти).

3.14. <http://www.lex.uz> – (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).